R 496
1980/2

ISSN 0134—2207



Дружба

2
1980



Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Илмий тафаккурнинг буюк даҳоси ва чинакам халқ йўлбошчиси, оташин революционер, Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори — Ленин ўзининг бутун ёрқин, қаҳрамонона ҳаётини улуғ ва олижаноб ишга — пролетариатни ва барча мазлумлар оммасини социал озодликка чиқариш учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашга бағишлади.

Маркс билан Энгельснинг содиқ ва матонатли издоши сифатида жаҳон синфий кураш майдонига чиққан Ленин уларнинг революцион таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди. Илмий башорат қилишдек, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг том маъносига ғоят теран назар ташлашдек беқиёс истеъдод эгаси бўлган Ленин янги тарихий шароитларни анализ қилишга диалектик-материалистик методни ижодий татбиқ этиб, марксизмнинг ҳамма таркибий қисмларини принципиал муҳим қоидалар билан бойитди, унинг ривожида янги босқич очди.

Лениннинг империализм тўғрисидаги, социалистик революция ва пролетариат диктатураси ҳақидаги, партия тўғрисидаги, демократия ва социализм учун курашда пролетариатнинг синфий иттифоқдошлари ҳақидаги, социал ва миллий озодликнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги, шунингдек, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари ҳақидаги таълимоти барча мамлакатлар революционерларининг бебаҳо ғоявий-назарий ва методологик қуроли бўлиб қолди. Лениннинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғоялари муҳим аҳамиятга эгадир. Социализм ва коммунизм қурилиши йўллари тўғрисида Ленин яратган фан унинг назарий ижодининг гултожи бўлди.

Жаҳон пролетариатининг доҳий назариётчиси, энг улуғ стратеги ва тактиги бўлган Ленин революцион курашга ва коммунистик бунёдкорликка раҳбарлик қилиш санъатини мукаммал эгаллаб олган эди.

Ленин, большевиклар партияси тарихда биринчи музаффар социалистик революцияни тайёрлаш ва унга бошчилик қилишга, илмий социализм назариясини халқ оммасининг ғоят кенг практикаси билан бирлаштиришдан иборат буюк вазифани бажаришга мушарраф бўлдилар.

Миллион-миллион мазлумлар ва эксплуатация қилинувчилар, барча меҳнаткашлар учун ленинизм дунёни социал жиҳатдан ян гилаш рамзи, давримизнинг революцион байроғи бўлиб қолди. XX асрнинг ҳамма буюк революцион воқеалари Ленин номи билан, унинг таълимоти билан боғланган. Марксизмни ривожлантиришга Ленин қўшган янгиликни ҳисобга олмай туриб, марксизмни тасаввур этиб ҳам бўлмайди.

Ленинизм — ҳозирги даврнинг марксизмидир, халқаро ишчилар синфининг узлуксиз ривожланиб борувчи, ягона, яхлит таълимотидир.

Ленинизмнинг буюк аҳамияти шундаки, у ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини, жаҳон социал тараққиёти эҳтиёжларини чуқур ва аниқ ифодалайди, ҳозирги замоннинг энг ўткир, ҳаётий масалаларига тўғри жавоблар ишлаб чиқиш имконини беради, етилган проблемаларни дадил, ижодий ҳал этишни ўргатади, ижтимоий ривожланиш истиқболларини илмий тушуниш усули билан қуроллантиради. Лениннинг ғоят бой ғоявий мероси, Ленин таълимотининг революцион-танқидий руҳи, марксизмнинг туб принципларини оппортунистларча сохталаштиришдан, ҳимоя қилишдаги изчиллиги ва қатъияти, унинг бутун ҳаёти ҳозирги халқаро коммунистик ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати учун революцион фикр ва революцион ҳаракатнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қароридан

23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

Генерал-майор
Собиржон ОХУНЖОНОВ

ГБ УзССР
НН

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ



Ўша узоқ, шонли ва унутилмас 1918 йилда туғилган инқилоб фарзандининг 62 йиллигини қаршилаётибмиз. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган синовлардан шараф билан ўтган Қизил Армия Ватанимизнинг енгилмас посбонига айланди. У бунёдга келган ўша шиддатли йилнинг қаҳратон қишида капитал дунёсининг жаҳонгирлари ёш Советлар республикасини бўғиб ташлаш учун жон-жаҳди билан тиришган эди. АҚШ, Англия, Франция, Япония империалистлари Совет Россиясини босиб олиш, революцияни қонга ботириш учун кенг миқёсдаги интервенция планини ишлаб чиққан эди. Ўша йили 8 январда президент Вильсон АҚШ конгрессига ўн тўрт пунктдан иборат нома йўллади. Бу ҳужжатни расмий шарҳлаган полковник Хауз ва журналист Уолтер Липпман Россияни парчалаб ташлаш, Кавказни ажратиб олиш ва Ўрта Осиё устидан чет эл назорати ўрнатишни назарда тутган эди. Бу номанинг олтинчи пунктида: «Биз мусулмон Россиясига, хусусан, Ўрта Осиёга нисбатан тўғри сиёсат юритилаётганига комил ишонч ҳосил қилолмаймиз, уни бошқариш учун бирон бир давлатга протекторат асосида чекланган мандат беришимиз эҳтимолдан узоқ эмас», дейилган эди...

Ҳа, бундан 62 йил муқаддам доҳиймиз В. И. Ленин имзо чеккан ҳужжатлар, Советлар республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 15 (28) январь ва 29 январь (11 февраль) декретлари асосида ташкил этилган Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси ва Ишчи-Деҳқон Қизил Флоти ўз сафлари пировардида халқаро империализмнинг ана шундай мудҳиш ниятларини пучга чиқарди. У тиш-тирноғигача қуролланган ёвуз душман билан 1918 йил 23 февралида Нарва ва Псков бўсағаларида тўқнашди. Герман милитаризмининг саралланган қўшинларига қақшатқич зарба берди. Антанта малайлари — Корнилов, Краснов, Каледин, Колчак, Юденич, Деникин, Врангель армияларини мағлуб этди. Халқаро империализмнинг зарбдор кучи — Антанта томонидан уч бор уюштирилган ҳужумни батамом бартараф қилди. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида ҳаққоний кўрсатилганидек, совет кишилари ички контрреволюцияга ва интервенцияга қарши курашда Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Қизил Армиянинг узвий отряди — Туркистон Республикаси Қизил Армияси эса Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолонида шаклланган Қизил гвардия заминида вужудга келди.

Туркистон Советларининг IV ўлка съезди (1918 йил, 19—26 январь) социалистик армия ташкил этиш тўғрисида қабул қилган қарор асосида республика Халқ Комиссарлари Совети бу ишга 1 миллион сўм маблағ ажратди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети қошида 1918 йил 15 февралда Қизил Армия штаби тузилди. 2 март куни Тошкентда Қизил Армиянинг биринчи отряди, сўнгра, тез орада 1-Ўзбек ва 1-Тошкент миллий батальонлари ташкил топди. Доҳиймиз В. И. Ленин имзоси билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ҳарбий округлар, жумладан, Туркистон Ҳарбий округини таъсис этиш ҳақида 4 майда қабул қилган декрети эълон қилинди. 1918 йил ўрталарига келиб, Совет Туркистони Қизил Армиясининг шахсий состави 20 минг кишидан ортди. У ички ва ташқи контрреволюцияга қарши ҳаёт-мамот жангларида чиниқди. Сон ва сифат жиҳатдан ўсди. Бу армиянинг ғалабалари М. Фрунзе, В. Куйбишев, П. Кобозев, А. Казаков, Э. Кужэло, И. Белов, Г. Зиновьев, В. Чапаев, Д. Фурманов каби пролетариат даҳоси етиштирган баркамол саркардалар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Гражданлар урушининг афсонавий қаҳрамони В. Чапаевнинг 25-дивизияси ҳам Туркистон фронти қўшинлари тарқибида жанг қилди. Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Закаспий, Ашхобод, Оқтепа фронтлари ҳалқасида қолиб, марказий Россиядан ажратилган Совет Туркистонидаги кескин курашларда Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршаропов, Файзулла Хўжаев каби маҳаллий кадрларнинг ҳарбий истеъдодлари намоён бўлди.

Ўрта Осиёдаги ҳарбий қурилиш тарихида миллий қисмларнинг шаклланиши катта аҳамият касб этди. Ишчи-деҳқон Қизил Армиясининг бошқа қисмлари сафида тенг ҳуқуқли миллий бўлинмаларнинг ташкил этилиши Коммунистик партия оғишмай амалга ошираётган миллий сиёсатнинг ёрқин намойишига айланди.

Улуғ Октябрь инқилобидан илгари ҳарбий таълимдан четлатилган халқлар эндиликда Советлар мамлакати мудофааси учун ажойиб кадрлар етказиб берди. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик машҳур саркардалар сифатида донг таратдилар. Ўзбек, туркман, қирғиз, тожик халқлари етиштирган истеъдодли офицерлар корпусининг О. Оқиев, О. Алиев, Ш. Жўраев, С. Жўнабоев, М. Миршаропов, Н. Муҳамедов, С. Раҳимов, М. Узоқов, Ф. Норхўжаев, М. Қосимов каби вакиллари шулар жумласидандир.

Буюк инқилобимиз самараларини синовдан ўтказган Улуғ Ватан уруши бошланганда, бизнинг авлод ёш эди. Ёшлик эса қудрати, битмас кучи, ғайрати билан ўзига ижод ва билим майдони қидиради. Биз учун бу майдон, афсуски, уруш майдони бўлди. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида энг кўп қурбон кўрди. Лекин у иккинчи жаҳон уруши тақдирини, жаҳон халқлари тақдирини ҳал этди. Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган тарихий қароридаги: «Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашизм устидан қозонган ғалабаси бутун инсониятнинг тақдирига беқиёс революционлаштирувчи таъсир ўтказди», деган сўзлар ғоят ҳаққонийдир. Лекин бу ҳақиқатни чиппакка чиқаришга беҳуда уринаётган империалистик мафкура тарғиботчилари мамлакатимиз, унинг шинель кийган баҳодир ўғлонлари шаънига туҳмат тошларини ёғдирмоқдалар. Армия ва флотимизнинг жанговар шон-шуҳрат солномасини бузиб талқин этишга уринмоқдалар. Ҳолбуки, иккинчи жаҳон уруши йиллари АҚШ ва Англия Шимолий Африкада жанг олиб бордики, бу жанглар (1940—1943 йиллар) стратегик аҳамиятга эга бўлган ва уруш тақдирини ҳал этган операциялар эмас эди. АҚШ ва Англияда нашр этилган баъзи янги асарларда моҳиятан инглиз-америка «катта стратегия»синнинг авра-астарини очиб кўрсатувчи янги қўшимча фактлар келтирилган, уларда АҚШ ва Англия 1942 йилда асосий диққатларини Европа ҳарбий театрига эмас, балки бевосита Шимолий Африкага қаратганликларининг боиси изоҳланади. Фактлар шуни кўрсатадики, 1942 йилнинг иккинчи ярмида иттифоқчиларнинг иккинчи фронтни очишлари учун жуда қулай имкониятлари бўлса ҳам, улар ўз ваъдаларини бажаришга шошилмадилар. Ваҳоланки, бу вақтда фашистлар Германиясининг асосий кучлари Шимолий Кавказ ва Сталинградда эди — худди шу участкаларда уруш тақдири ҳал бўлмоқда эди. Инглиз ҳарбий тарихчиси Б. Лиддел Гартнинг ҳаққоний эътирофига кўра, бу вақтда Африка фронти билан қизиқишга Гитлернинг на вақти, на имкони бўлган... Унинг бутун диққат-эътибори Россияга қаратилган эди. Умуман олганда, 1942 йилда СССРга қарши Гитлернинг 80 процентдан ортиқ қўшини, АҚШ, Англиянинг Шимолий Африкадаги армияларига қарши эса 1,5 процент қуролли кучлари жанг қилган.

Мен минглаб ўзбек солдатлари қатори Улуғ Ватан урушида иштирок этиб, бу буюк синовда бизга Октябрь инқилоби туфайли насиб бўлган барча моддий ва маънавий қудрат ҳаёт имтиҳонидан ўтди, деган хулосага келдим. Биз беҳуда қон тўкмадик. Ўз фарзандлари, ота-оналари, қайлиқлари, қариндош-уруғлари ва она-Ватан олдида муқаддас бурчини адо этган йигитларимиз қони беҳуда кетмади. Улар бугунги осойишта кунимиз нафасида, ёш авлод хотирасида ўзларининг иккинчи умрларини яшамоқдалар, миннатдор бутун тараққийпарвар инсоният хотирасида эъзозланмоқдалар. Ўзбек халқи Собир Раҳимов ва Аҳмаджон Шукуров, Мамадали Топиболдиев, Сирожиддин



Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссари генерал-майор Сотиболди Эргашев, Армия, авиация, фронтга ёрдам кўнгилли жамияти — ДОСААФ Ўзбекистон Марказий комитетининг раиси генерал-майор Аҳмаджон Ҳожибоев, истеъфодаги генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев, генерал-майор Собиржон Охунжонов, Наманган область ҳарбий комиссари полковник Каримжон Исҳоқов ёш авлодни Совет Қуролли Кучлари жанговар анъаналари руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Валиев сингари қаҳрамонлари билан ҳақли равишда фахрланади. Улуғ Ватан уруши йилларида етишган солдат ва офицерларимиз мардлиги ҳақида ҳар қанча гапирсак, фахрлансак арзийди. Республикамиздан 251 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бу қаҳрамонлар сафида 80 та паҳлавон ўзбек йитиги бор. Уларнинг жасорати йиллар оша мардлик достонига айланиб, эл қалбида мағрур янграмоқда.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, мард жангчиларимиз қаҳрамонлигини рўёбга чиқариш борасида катта ишлар қилаётган истеъфодаги генерал-полковник И. Манагаров яқинда бизга йўллаган мактубида ўзбек жангчиларининг жасорати ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Оловли йилларда 53-армия қўмондони бўлган бу жанговар генерал хатига илова тариқасида Харьков шаҳридаги «Прапор» нашриёти босиб чиқарган китобини ҳам юборибди. Г. Жуков, И. Конев, Р. Малиновский каби атоқли совет саркардалари билан жанговар операцияларда учрашган Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Манагаров ўз асарида ўзбек солдат ва офицерлари жасорати ҳақида ҳам ҳаяжонланиб ёзади. 684-артиллерия полки офицери майор Ш. Аҳмаджоновнинг моҳир раҳбарлиги, шахсий ибрати, мардона фазилатларини у бир неча бор таъкидлаб ўтади.

«Армиямизда елкама-елка туриб жанг қилаётган рус ва украин, ўзбек ва белорус, қозоқ ва грузин, арман ва татарлардан иборат қисмлар кўп эди,— деб ёзади генерал,— масалан, 84-ўқчи дивизия шахсий составининг учдан бирини ўзбеклар ташкил қилар эди.

382-ўқчи полкида йигирма ёшли Иброҳим Назаров снайпер сифатида донг чиқарган эди. Унинг тўрт акаси ҳам фашистларнинг додини берди. 41-полкда эса кичик сержант Яраш Жабборов пулемётчи эди. У Қизил Армияда 1926 йилдан хизмат қилиб, икки йил Қорақумда босмачилар билан олишган. Сержант Гадойбой Шарипов жангчиларнинг севимли тарғиботчиси эди. Самарқанд область Каттақўрғон районидаги колхозлардан бирида бригадир бўлган Мамат Тўхтаев 84-ўқчи дивизияда уч ака-укаси билан биргаликда жанг қилар эди».

Генерал-полковник И. Манагаров «Харьков учун жангларда» деган бу китобида 84-Харьков ўқчи дивизияси сиёсий бўлими бошлиғи полковник Манохиннинг 1943 йил 24 августда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва ЎзССР Олий Совети Президиумига йўллаган мактубидаги қуйидаги сатрларни келтиради: «Дивизиямиз немис-фашист босқинчилари билан жанг қилиб, 45 аҳоли яшайдиган пунктни озод этди... Ўзбек халқининг содиқ фарзандлари елкама-елка туриб, душман билан жанг қилмоқда. Бўлинма командири сержант Абдураҳмон Мустафоев жанглардан бирида яралор бўлган взвод командири ўрнини босиб, взводни ҳужумга бошлади. Бу жангда Мустафоев яраланса ҳам, жанг майдонидан кетмади. Взвод душман қўлидаги маррани эгаллаб, йигирмата гитлерчини қириб ташлади, иккитасини асир олди. Жанглардаги мардлиги ва жасорати учун сержант Мустафоев «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Коммунист жангчи Карим Аҳмедов Харьков остонасидаги жангларда танкка қарши қурол билан икки душман танкини ишдан чиқарди. Қаҳрамон бронетешар Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Пулемётчи Ражаб Худойбердиев душманнинг такрорий ҳужумини қайтаришда олға интилиб, пулемётдан ўт очган ҳолда душман орқасига ўтиб, бир взводча гитлерчиларни қириб ташлади. Жанговар вазифасини ҳеч қурбонсиз адо этган ҳолда ўз қисмига қайтди».

«Биз,— деб таъкидлаган эди полковник Манохин,— ўзбек халқининг марди майдон ўғлонлари билан фахрланамиз. Офицер Бакиров, катта сержант Равшанов, кичик сержант Рўзиқулов, жангчилардан Шарипов, Назаров, Пўлатов, Отажонов, Нурмуҳамедов, Ҳамроев, Ўсаров каби, Қизил Армия, ўз халқи, ўз Ватани куч-қудратини шоншуҳратга буркаган ботирлар билан фахрланамиз.

Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, фашист босқинчилар билан кураш фронтида қаҳрамонона жанг қилаётган матонатли ва довюрак жангчиларни муносиб вояга етказганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз».

И. Манагаров ўз китобида «Красний воин» дивизия газетасининг бир сонини лейтенант Аюпов, сержант Мамадиёров, оддий аскар Ғафуров ўзбек тилида чиқарганликларини, ҳарфларни эса Абдуғани Ҳасанов тергани ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Ўша оғир синов даври —1943 йили фронтда, бевосита окопларда ўзбек тилида, ўз она тилида дивизия газетасини ўқиган жангчилар қандай ҳаяжонга тушганларини эслайди. Шунингдек, 1943 йил 15 ноябрдан 1 декабргача 53-армия қисмлари жангчилари ҳузурида концерт берган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек давлат филармонияси хотин-қизлар ансамбли фаолиятига юксак баҳо беради. Армия Ҳарбий Кенгашининг Роза Бағланова, Сима Арзуманова, Коммуна Исмоилова, Раҳима Ҳакимова, Шарофат Оқилова, Ғофир Азимов, Фахриддин Содиқов каби ансамбль артистларига ҳамда унинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимовага махсус буйруқ асосида ташаккурнома билдирганини таъкидлаб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 53-армиянинг собиқ қўмондони И. Манагаров китоби барча совет кишилари қатори ўзбек халқи фарзандларининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати солномасига янги сатрлар қўшдики, биз бу билан ғурурланамиз. Яқинда Бағдод районидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси Носиржон Аҳмедов кўкрагини I даражали Шуҳрат ордени безади. Бу мукофотга у бундан ўттиз олти йил муқаддам қардош Литва тупроғини немис-фашист босқинчилардан озод этишдаги қаҳрамонлиги учун тавсия этилган эди. 1939—1945 йилларда Совет Армиясида хизмат қилиб, Москвадан Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган Н. Аҳмедов Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, I ва II даражали Шуҳрат орденлари кавалеридир.

Улуғ Ватан урушида ўз халқининг жанговар анъаналарини бойитган қаҳрамонлар эстафетасини бугунги ёш авлод шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳозирги кунда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти шахсий составидаги жанговар авлод жасоратини такрорлашга қодир ёшлар хизмат қилишмоқда. Улар Ватан мудофааси йўлидаги ҳарбий фаолиятларида чинакамига қаҳрамонлик ҳамда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Полковник Ўткир Мўминов шулар жумласидандир. У жанговар меҳнати учун Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари билан тақдирланган.

Ҳарбий билим юртларини тугаллаб, турли қўшин турларида хизмат қилаётган ёшлар сафида лейтенант Ҳусан Зуфаров ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас. У ажойиб анъаналарга бой В. И. Ленин номидаги Олий умумқўшин командирлари билим юртининг талабаларидандир. Полк комсомоллари уни ўзларига етакчи қилиб сайлаганлар. Лейтенант Шавкат Аҳмедов ҳам ана шундай шижоатли офицерлардан. Учувчи штурман сифатида у эскадрилья шахсий состави эътиборини қозонган. Оддий солдатлардан ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочилари Карим Эминов, Ҳусан Расулов, Муроджон Умаров, Алижон Раҳмонов, сержант Муҳаммад Олимов каби ўзбек йигитлари хизматидан бўлинма командирлари мамнун.

Хулоса қилиб айтганда, юзлаб ўзбек солдат ва офицерлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти шахсий составида Перекоп, Сиваш, Кронштадт, Халхин-Гол, Хасан кўли, Маннергейм линияси, Москва, Ленинград, Сталинград, Курск қаҳрамонлари шон-шуҳрат солномасига ўзларининг муносиб сатрларини ёзмоқдалар. Совет жангчисининг довруғига довруқ қўшмоқдалар. Совет халқи эришган сиёсий, маънавий ғалабаларни кўз қорачиғидек асрамоқдалар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқаро миқёсда изчиллик билан ўтказаётган тинчлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. «Биз,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ўтган йил 6 октябрда Берлинда сўзлаган нутқида,— Европада ҳарбий кескинликни юмшатишга эришиш йўлида кўп йиллардан бери сарфлаб келинаётган куч-ғайратларни боши берк кўчадан чиқаришга, сўзлардан реал ишларга ўтишда намуна кўрсатишга, астойдил иштиёқ билан, ГДР раҳбарлари билан фикрлашиб ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан маслаҳатлашиб олингандан кейин **Марказий Европадаги совет қўшинлари сонини ўз ташаббусимиз билан қисқартиришга қарор қилдик. Келгуси 12 ой давомида Германия Демократик Республикаси территориясидан 20 минг нафаргача совет ҳарбий хизматчиси, мингта танк, шунингдек, муайян миқдордаги бошқа ҳарбий техника олиб чиқиб кетилади».**

Совет ҳукуматининг оламшумул аҳамиятга молик бу ташаббусини бутун прогрессив инсоният зўр қониқиш ҳисси билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг «СССР партия-ҳукумат делегациясининг Германия Демократик Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида, «Правда» газетаси мухбирининг саволига ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавобида Ленин мамлакати бошлаган навбатдаги тинчлик ташаббуси мазмуни янада ёрқинлаштирилди, у Коммунистик партия ва Совет давлати изчил тинчликсевар ташқи сиёсатининг туб моҳиятини тўғри ифодалаб бергани таъкидланди.

Афсуски, Вашингтон ўзининг Шимолий Атлантика блокидаги иттифоқчиларига ўтказган кучли тазйиқи остида Брюсселда НАТО кенгашининг махсус сессиясида Американинг янги ракета-ядро қуролини ишлаб чиқариш ва уни Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги бутун дунёда норозилик ва қаҳр-ғазабни ғоят кучайтириб юборди.

«НАТО,— деб ёзади Италияда нашр этиладиган «Унита» газетаси,—«Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталар ишлаб чиқариш ва ана шундай ракеталардан 572 тасини жойлаштиришга рухсат бериб, Европани ядро қуроли билан қайта қуроллантиришда янги хатарли босқични бошлади».

«Миллий хавфсизлик терминининг ҳозирги талқини,— деб таъкидлайди АҚШда чиқадиган «Дифенс монитор» журнали,— сиёсатда зўравонликка таянишни билдиради. Бу интервенция ва урушга тўғридан-тўғри имконият яратиб берадиган хавфли йўлдир. Бу йўл бизнинг чинакам манфаатларимиздан узоқ ва америка ташқи сиёсатининг яккаланиб қолишига сабаб бўлади, албатта».

Совет Иттифоқи эса асл тинчлик йўлида — халқаро хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган қуролсизланиш йўлида собитдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Берлинда сўзлаган тарихий нутқида таъкидлаганидек, Ленин мамлакати 80-йилларни гумонсираш ва қўрқувдан, энг муҳими эса — қуролланишт пойгасидан халос қилиш учун бутун куч-ғайратини сарфлаб, сабот билан ҳаракат қилаверади. Ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан баркамол Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ўзининг шонли 62 йиллик байрамини зиммасидаги бурчни, тинчлик посбони сифатидаги тарихий миссиясини шараф билан бажарган ҳолда кутиб олмоқда.

БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧ

Ватан нимадан бошланади? Ҳамманинг қалбига яқин машҳур қўшиқдаги ана шу сўзлар билан илгарилари ҳам мен ўзимга савол берардим. Менингча, бу саволга ҳар бир киши билганича жавоб берса керак. Чунки ҳар кимнинг дилида ҳам ўз эзгу ниятлари, режалари бўлади. Мен учун Ватан олтин қўллар яратадиган «оқ олтин»дан бошланади. Болалигимданоқ деҳқон ҳар бир туп ғўзани нечоғли меҳр билан парвариш қилишини, очилган пахталарни нақадар авайлаб териб олишини кўп кўрганман. Заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнатини давом эттириш, пахта толаларини метрлаб нафис матоларга айлантириш учун тўқувчи бўлиб етишишга аҳд қилганлигимнинг боиси ҳам шунда.

Мана бугун серқуёш ўлкамизда катта байрам — Ўзбекистон ССР Олий Советига ва Халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар арафасида ҳам ўзимга яна ўша —«Ватан нимадан бошланади?» деган савол билан мурожаат қиламан ва фахр билан —«Олтин қўллар яратган «оқ олтин»дан бошланади», деб жавоб бераман. Чиндан ҳам пахта чаноғи фақат менинг қалбимдагина эмас, балки республикамизнинг барча меҳнаткашлари дилида мустаҳкам ўрнашиб қолган, у Ўзбекистон ССР давлат гербининг, ўлкамнинг озод ва бахтиёр халқлари туғросининг ажралмас қисмидир.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг шу барҳаёт сўзларини эслайлик: «Давлатда бутун ҳокимият бутунлай ва ҳақиқатан ҳам халқ қўлида бўлгандагина халқ тўла-тўкис ва амалда озодликка эришади».

Мана, қаршимда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларнинг рўйхати: улар 510 киши. Улар энг яхшиларнинг яхшиси, сараларнинг сараси. Номларини шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнат коллективлари кўрсатган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар орасида тошкентлик машинасоз Назрулла Маннопов, наманганлик қурувчилар бригадири Исматилла Қўчқоров, менинг ота юртим Оққўрғон районининг илғор пахтакори Ҳабибулла Мусабоев ва Тошкент Тўқимачилик комбинатидан дугонам ип-йигирувчи Раиса Михайлюк ўртоқларнинг номлари бор. Булар ҳаммалари ҳалол меҳнати билан элда аъзозланган кишилар. Рўйхатни ўқишда давом этаман. Олим, врач, партия ходими, ўқитувчи, сут соғувчи... Кўпмиллатли жамиятимизнинг вакиллари, совет халқининг вакиллари. Улар, улуғ Ленин таърифи билан айтганда, бутунлай ва амалда халқ қўлида бўлган ҳокимиятни ташкил этадилар.

Ҳамма жойда меҳнаткашларнинг барча сайловолди йиғилишларида кишилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўзларининг биринчи номзодлари қилиб бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, тинчлик ва кишилар бахти учун толмас курашчи, содиқ ленинчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев номзодини кўрсатдилар. ЎзССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, партия ва давлатимизнинг атоқли арбоби Шараф Рашидович Рашидов бор.

Сайлов куни —24 февралда республикамиз гражданлари коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блоки номзодлари учун якдиллик билан овоз берадилар. Бу галги сайловлар — давлатимиз қурилишидаги, социалистик демократияни янада ривожлантиришдаги бой тажриба тўла ифодаланган Ўзбекистон ССР янги Конституцияси, ҳаётимиз асосий Қонуни қабул қилинганидан кейинги биринчи сайловлардир.

Республикамизнинг коммунизм сари шахдам одимини кўриб фахрланасан. Меҳнат ғалабаларимиз ифодаси бўлган салмоқли рақамларни кўз олдингга келтирар экансан, қалбинг қувонч ва ифтихор билан тўлиб-тошади. Яқингинада, ўтган йилнинг декабрида бу ажойиб рақамлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида тилга олинган эди. Социалистик Ўзбекистон индустрияси жадал ривожланмоқда: беш йилликнинг тўрт йили ичида саноат маҳсулоти ҳажми 21,7 процент ўсди ёки тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йилидагига қараганда 15,4 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ажойиб юксалишдир!

Республика деҳқонлари ўтган йили мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Бултур улар ҳар қачонгидан ҳам кўп пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, узум, ҳўл мева, каноп, пилла етиштирдилар. 5 миллион 760 минг тонна «оқ олтин» тайёрланди! Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, республика колхозчилари, ишчилари, зиёлиларига йўллаган табрикномасида бу катта муваффақиятни ажойиб меҳнат ғалабаси, деб баҳолади.

Иқтисод, маданият, халқ фаровонлигини оширишнинг бошқа барча соҳаларида ҳам янги марралар эгалланди.

Биз кўпгина ишлар қилдик. Лекин янада улкан, илдам одимлар билан олға боришимиз, Ватанимизни янги меҳнат ғалабалари билан қувонтирмоғимиз лозим. Бу — бизнинг совет характеримизга хос анъанавий фазилатдир.

Мамлакатимиз 1980 йилга қадам қўйди. У ўнинчи беш йилликнинг якунловчи, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йил.

КПСС Марказий Комитети «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида коммунистлар, комсомоллар, барча совет кишиларини буюк доҳиймиз юбилейини коммунизм учун курашда янги ғалабалар билан кутиб олишга, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор иш йилига айлантиришга даъват этди. Муҳим партиявий ҳужжатдан руҳланган республикамиз меҳнаткашлари В. И. Ленининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Диёримизнинг турли томонларидан ҳар куни қувончли хабарлар келиб турибди. Пўлат эритувчилар ва машинасозлар, кимёгарлар ва тўқимачилар, қурувчилар ва шахтёрлар, халқ хўжалиги барча тармоқларининг вакиллари улуғ доҳиймиз туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапортлар йўлламоқдалар. Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йил Ноябрь пленумидаги нутқида баён этилган кўрсатмаларига изчил амал қилаётган республикамиз меҳнат аҳли ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини янада оширишни таъминлашга бел боғлаб, жонбозлик кўрсатмоқда.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар республикамиз меҳнаткашларининг ленинчи партияга, улуғ Ватанимизга, коммунизм ишига бўлган муҳаббати ва содиқлигининг яна бир ёрқин намойишига айланади.

Дилбар ҚУЛМАТОВА,
Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига Сайлов ўтказувчи Марказий Сайлов комиссиясининг раиси, Тошкент Тўқимачилик комбинати тўқувчиси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Олимжон БЎРИЕВ

Ёшлигим

Қўшиқ айтар зилол чашмалар,
Беқасам тўн, бу Ҳисор тоғи.
Тош юзида гулдан кашталар,
Сийнасида асрлар доғи.
Хаёлимда ҳамон шилдираб,
Тоғ сувлари ўйнаб оқмоқда.
Чопмоқдаман мен ҳам
пилдираб,
Онам кулиб ортдан
боқмоқда.
Болалигим сув каби оқиб,
Эриб кетди тоғларнинг қори.
Жамолингга бир карра боқиб,
Кўрай сени, ёшлик баҳори.
Ҳисордаман, яна қўлимда
Ўзим севган қирмизи лола.
Оҳангларга тўлиб, йўлимда
Ёшлигимдек оқар шалола.

Йўллар

Йўллар, сизни босиб ўтдим мен,
Хотирамга ёзиб ўтдим мен.
Хаёлларим уланди сизга,
Гоҳо сўқмоқ, гоҳ пўлат изга.
Йўллар, сизда кезганда илк бор,
Туғилганди қалбимда ашъор.
Йўллар, сизни олиб кетдим мен,
Қўшиқларга солиб кетдим мен.
Босган изим ўчиб кетмасин.
Ёзган сўзим ўчиб кетмасин.
Босган йўлим гулга тўлар, деб,
Босган йўлим қўшиқ бўлар, деб,
Йўловчидек кезаман ҳамон,
Қалбингга йўл топай, деб, инсон.

Ёмғир

Тонг ёмғири куй каби эриб,
Томар эди заминга чак-чак.
Юмшоқ замин бағрини ёриб,
Юз юварди маъсум бойчечак.
Роҳат қилиб тамшанарди ер,
Кўк майсалар кипригида нам.
Абри найсон, майли, ёғавер,
Сенинг билан яшнасин олам.
Дарё каби тошар севинчим,
Орзуларим мисоли кўклам.
Ёмғир эса ёғарди сим-сим,
Баҳорий тўн киярди ўлкам.

Тошкент

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Гулистон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

2 (360) Февраль 1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Беш йиллик режалари амалда

А. ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри

НУРАФШОН ЙЎЛДАН

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор берган эди. Унинг орзуси бутун мамлакатни, айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалигини жадал электрлаштиришдан иборат эди. Коммунизм қуриш учун аввало бутун мамлакатни электрлаштириш зарур деб башорат қилган, фантаст ёзувчи Г. Уэллсга хаёлпараст бўлиб кўринган Ленин орзулари бугун тўла рўёбга чиқди. Совет Иттифоқи жаҳонда энг қудратли энергетика ресурсларига эга бўлган мамлакатга айланди. Агар ГОЭЛРО плани қабул қилинган йили, яъни бундан олтмиш йил муқаддам Россияда электр қуввати ҳосил қилиш 500 миллион киловатт-соатни ташкил этган бўлса, ҳозирги энергетика 2400 марта кўп қувват — нур ҳосил қилмоқда.

Мамлакатимиз энергетика тармоқларини улкан бир занжирга қиёсласак, серқуёш республикамиз унинг энг мустаҳкам кўзанакларидан бири эканлиги маълум бўлади. Бу — Ленин ғоялари, коммунистлар бошчилигида халқимиз олиб борган улкан бунёдкорлик ишлари самарасидир. Ваҳоланки, мустамлака Туркистон территориясида 1913 йили 179 хусусий электр қурилмаси бўлиб, уларнинг йиллик электр қувватини 3,3 миллион киловатт-соат ташкил этарди, аҳоли жон бошига эса бир киловатт-соатдан энергия тўғри келар эди.

ГОЭЛРО планида Туркистонни электрлаштиришга алоҳида эътибор берилди, Туркистонга доир масалалар билан бу ўлканинг сув, ёнилғи ресурсларини, географик тузилишини яхши биладиган мутахассислар шуғулландилар. В. И. Ленин кўрсатмалари асосида иш кўрган олимлар пахта далаларини суғориш масаласига алоҳида аҳамият бердилар. 1921—1922 йиллари республиканинг саноат марказлари, темир йўл тармоқлари ва устаханалари учун хизмат қиладиган электр станциялар қурила бошланди. 1923 йили ГОЭЛРО планида кўзда тутилганидек, Бўзсув ГЭСини қуришга киришилди. Ўша пайтларда қурилиш механизмлари, цемент, металл каби бинокорлик материаллари етишмас эди. ГЭС қурилишидаги барча ишлар қарийб қўлда бажарилди. Халқимиз республиканинг тўнғич энергетика иншооти қурилишида қаҳрамонона меҳнат қилди. Шу туфайли Бўзсув ГЭСи қисқа муддатда барпо этилиб, 1926 йилнинг 1 май байрами куни ишга туширилди. Бу воқеа Ўзбекистоннинг катта энергетикасига дебоча бўлди. Сўнгра, Тошкент, Бухоро, Самарқанд областларида энергетика иншоотлари вужудга келди. Биринчи беш йилликлар даврида эса янги пахта тозалаш, ёғ-мой ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари барпо этиш, эскиларини янада ривожлантириш имконини берадиган қудратли электр станциялари бунёд қилинди. Натижада 1940 йилга келиб, электр қуввати ҳосил қилиш 482 миллион киловатт-соатга етди — 1913 йилдагига нисбатан 146 мартага кўпайди. Улуғ Ватан уруши йилларида душман вақтинча эгаллаган саноат районларидаги корхоналар кўчириб келингач, Ўзбекистон индустрия ўлкасига айланди. Айни пайтда Ватан ҳимоячиларига қурол-яроғ, ўқ-дори тайёрлашда электр қувватидан янада кўпроқ ва самаралироқ фойдаланиш эҳтиёжи туғилди. Шунинг учун бу йилларда республикамизда бир қанча йирик ГЭСлар қурилди. 1953 йили 600 минг киловатт энергия берадиган, ўз вақтида Ўрта Осиёда энг қудратли ҳисобланган Ангрен ГРЭСи қурилиши бошланди. 1960 йилга келиб, республикада электр энергия ҳосил қилиш 5,9 миллиард киловатт-соатга етди.

50-йилларнинг охирларида республикамиз территориясида жуда катта газ конлари топилди. Бу энергетиканинг ривожида муҳим босқич бўлди. Тошкент, Навоий ва Тахиатошда газ ҳамда қорамой билан ишлайдиган ГРЭСлар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориладиган ерларни кўпайтириш мақсадида Чирчиқ дарёси ҳавзасида Чорвоқ гидроузели қурилди. 60-йилларнинг бошларида Ўрта Осиёнинг улкан иншооти — Сирдарё ГРЭСи бунёд этилди. ГРЭСнинг ҳозир ишлаб турган 8 энергетика блокининг ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга.

Электр станциялар ҳосил қилаётган энергия ҳажмининг ошиши, энергетика қувватига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши ягона энергетика системасини вужудга келтириш масаласини кун тартибига қўйди. 60-йиллар бошида Тошкент, Фарғона электр станциялари ва шимолий Тожикистон энергетика системалари алоҳида-алоҳида ишлаб турар эди. Бу эса мавжуд энергетика қуввати ва гидроресурслардан унумли, бир меъёрда фойдаланишни қийинлаштирар, исрофгарчиликка олиб келар эди. Шунинг учун Тошкентда Ўрта Осиё энергетика системаларининг бирлашган диспетчерлик бошқармасини ташкил этиш эҳтиёжи туғилди. Ўрта Осиё энергетика системаси еттинчи беш йилликда қурилган Тошкент ГРЭСи — Чимкент, Ангрен ГРЭСи — Фарғона, Қайроққум ГРЭСи — Узловая — Самарқанд Электр узатиш линиялари негизида ташкил этилди. Саккизинчи беш йилликда Олмаота, Туркманистон, Тожикистон жанубий ва Қирғизистонда 220—500 киловольтли линиялар монтаж қилиниб, бирлашган энергетика системасига уланди.

Республикамизда 1926 йили қурилган биринчи электр тармоқлари линиясининг кучланиши 6 киловольт эди. Кейинроқ 35, 110 киловольтли электр тармоқлари линиялари барпо этилди. 1974 йилга келиб, 500 киловольтли электр ўтказгич линиялари қурилди. Ҳозир Ўзбекистондаги электр тармоқларининг узунлиги 160 минг километрдан зиёддир. Унинг 11 минг километрини 110 ва 500 киловольтли электр ўтказгич линиялари ташкил этади. Шу сабабли энергетика системаси Ўзбекистон халқ хўжалигининг қарийб ҳамма тармоқларини электр энергияси билан таъминламоқда. Чунончи, республикамизда 1950 йили 2,53 миллиард, 1970 йили 28,8 миллиард, 1975 йили эса 32,8 миллиард киловатт-соат энергия сарфланди.

Ягона энергетика системаси ташкил этилиб, энергиядан рационал фойдаланиш имконияти яратилгач, электр билан ишлайдиган кўплаб саноат корхоналари пайдо бўлди. Бу ўринда Фарғонадаги Азотли ўғитлар заводи, Навоий Кимё комбинати, Олмалиқ Кимё заводи, Чирчиқ Электр кимё ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам ишлаб чиқариш участкаси каби тўла электрлаштирилган гигант корхоналарни мисолга келтириш мумкин. Республикамиз саноатида электр қувватидан фойдаланиш бўйича кимё саноати биринчи, рангли металлургия саноати иккинчи ўринда туради. Нефть кимёси, пахта тозалаш саноатлари, қурилиш ишлаб чиқаришида ҳам оғир иш жараёнларини электрлаштиришга биринчи галдаги масала сифатида қаралмоқда. Қишлоқ хўжалигини индустрлаштиришда электр қуввати борган сари катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозир пахта тайёрлаш пунктлари, паррандачилик фабрикалари, сутговар фермалари, йирик чорвачилик комплекслари асосан электр қуввати ёрдамида ишламоқда. Эндиликда Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларда умумий қуввати 600 минг киловатт бўлган саксон минг электр двигатель ишлаб турибди. Қишлоқларнинг электрлаштирилиши деҳқончилик маданиятини, колхозчиларнинг турмуш даражасини ошириш, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотишга хизмат қилаётир. Колхозчиларнинг хонадонларида электр печкалар, холодильниклар, конденционерлар бор. Бундан олтмиш етти йил илгари — 1913 йил Туркистоннинг энергия хўжалиги атиги 20 минг от кучини ташкил этарди. Электр энергияси бир ҳовуч бойлар ва подшо амалдорлари тасарруфида эди.

Эндиликда Ўзбекистон қудратли энергетика ўлкасига айланди. Масалан, Қарши магистрал каналига 450 минг киловаттли, Аму — Бухоро каналига 300 минг киловаттли насослар ўрнатилганки, улар мамлакатимиздаги энг қудратли иншоотлардан ҳисобланади. Республикадаги экин майдонларининг 30 проценти насослар ёрдамида суғорилмоқда.

Энергетикларимиз Иттифоқда биринчи бўлиб, бошқаришнинг автоматик системасини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Унинг биринчи навбати 1974 йили, иккинчиси эса 1978 йили ишга туширилди.

Республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари уйғун равишда ривожланмоқда. 1940—1978 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 14 марта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,2 марта ўсди. Электр қувватидан фойдаланиш ҳажми етмиш марта ошди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига электр қуввати ҳосил қилиш 2,2 минг киловатт-соатни ташкил этмоқда. Бу инқилобгача Туркистон ўлкасида аҳоли жон бошига тўғри келган барча электр қувватидан 2,2 минг марта кўпдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил Декабрь пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика халқ хўжалигининг ривожланишида энергетиканинг роли хусусида шундай деди: «Ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш муҳим вазифадир. Бутун иқтисодий соҳада қўлга киритадиган муваффақиятларимиз шу вазифанинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ёқилғи-энергетика ресурслари ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқаришда, унинг иқтисодий структурасида алоҳида ўрин олади. Бизнинг республикамиз барқарор ёқилғи-энергетика базасига эгадир ва келгусида узоқ вақт мобайнида шундай базага эга бўлаверади. КПСС Марказий Комитети ва шахсан Л. И. Брежнев бу проблемага катта эътибор бераётганликларини мамлакатнинг тез ривожланиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашга интилиш тақозо этди».

Бинобарин, Ўзбекистон энергетиклари жонажон Коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг халқимиз бахт-саодатини таъминлашга қаратилган йўл-йўриқлари, кўрсатмаларини ўз иш фаолиятларининг бош йўналиши деб қабул қилаётганлари, ленинча ГОЭЛРО планини ҳаётга изчил татбиқ этаётганлари туфайли катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик охиригача республикамизда 2,6 миллион киловатт-соат қувватли янги энергетика иншоотлари, 445 минг киловатт кучланишли гидростанциялар ишга туширилади. 2 минг километр масофада 220—500 киловольтли электр узатиш линиялари барпо этилади. 1981 йилга бориб, бирлашган энергетика тармоғига кирувчи электр станцияларнинг қуввати 8,8 миллион киловаттни ташкил этади. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларида айтиб ўтилганидек, Сирдарё ГРЭСининг қуввати лойиҳада белгиланган маррага —2,7 миллион киловаттга етади. Янги Ангрен, Таллимаржон ГРЭСларининг қурилишлари давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги республиканинг улкан муассасаси ҳисобланади. Унинг корхона ва ташкилотларида ўн минглаб инженер-техник ва ишчи, шу жумладан юз нафар Олий, I ва II классли уста меҳнат қилади. Наманган, Тошкент, Сирдарё электр тармоқлари корхоналарининг Х. Убайдул-

лаев, Е. Пеньков, В. Герасимов каби кўпгина ходимлари Олий классли уста деган шарафли номни самарали меҳнатлари билан оқлаб келмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили якунларига кўра, министрлигимизнинг 180 ходими ўз касбининг устаси деган номни олишга муяссар бўлди. Сурхондарё ва Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхоналарининг В. Гарайшин, Р. Тўраб оев каби монтёрлари, Тошкент ва Сирдарё ГРЭСлари энергоблокларининг М. Дадабоев, В. Козлов сингари машинистлари чинакам зарбдорлардир. Коллективларимиз ўртасида ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасидаги социалистик мусобақа борган сари қизғин тус олмоқда. Бу оммавий ҳаракатда энергетикларимизнинг 87,3 проценти, яъни 26 минг киши иштирок этмоқда. Улар юксак марраларни қўлга киритмоқдалар, ишлаб чиқаришга янги иш усулларини, илғор технологияни дадил жорий қилмоқдалар. Самарқанд область Булунғур райони, Қорақалпоғистон АССР Беруний райони электр тармоқлари, Ангрен ГРЭСидаги Иккинчи қозон турбина цехи коллективлари социалистик мусобақа пешқадамларидир. Ўтган йилги топшириқларини муддатидан илгари бажарган бу илғор корхоналар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллик юбилейигача 1980 йилнинг биринчи квартали планларини адо этиш, доҳий юбилейига атаб ўтказиладиган Коммунистик шанбаликда юксак кўрсаткичларга эришиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарори ривожланган социализм воқелигида, она Ватанимизда ҳукм сураётган юксак ижтимоий-сиёсий, ижодий руҳни янада ёрқин намоён қилди.

«Энг муҳим проблемалар: ёқилғи-хом ашё базасини, энергетикани, металлургияни, машинасозлик ва кимё саноатини ривожлантириш, транспортдаги, капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини ҳеч кечиктирмай ва анча яхшилаш, қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш, озиқ-овқат, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш проблемалари партиянинг диққат марказида турибди,— дейилади бу тарихий қарорда.— Экономикани планлаштириш ва бошқариш, бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш соҳасида катта ишлар авж олдириб юборилди. Партия барча партия, давлат ва жамоат ташкилотларидан, хўжалик органларидан интизом ва тартибни янада мустаҳкамлашни, кун сайин қунт билан ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб боришни, ишга ташаббускорлик ва масъулият билан қарашни, қабул этилган қарорларни беками кўст бажаришни талаб этмоқда».

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўсағасида, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш умумхалқ мусобақаси шароитида ўтиши эса ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бутун иш сифатини янада ошириш, план топшириқларини ҳеч сўзсиз бажариш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш, электр қуввати, ёқилғи ва металлни тежаб сарфлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун шахсий масъулият туйғуси руҳида тарбиялаш масалаларининг ижодий ҳал этилишига имкон беради. «Бизнинг Советларимиз, совет демократияси замирида зўр ҳаётий куч бор,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўтган йили Москванинг Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида.— Ана шу кучдан мавжуд резервларни аниқлаш, камчиликларни танқид қилиш, фикрларни таққослаш ва асосланган қарорлар ишлаб чиқиш учун янада тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Совет демократияси иқтисодий тараққиётга янада яхшироқ хизмат қила олади ва хизмат қилиши лозим. Иқтисодий тараққиёт эса совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тобора тўлиқроқ таъминлаш учун, социалистик демократияни янада равнақ топтириш учун пойдевор, моддий негиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Хуллас, бизнинг ҳуқуқларимиз ва эркинликларимиз совет қонунларининг бутун кучи билан, социалистик давлатнинг бутун қудрати билан пухта ҳимоя этилган. Бу сайлов — бу катта ва қувончли байрам ҳам халқимиз ғоявий-сиёсий бирлигининг, унинг чинакам ҳокимиятининг, Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашганлигининг, коммунистик қурилиш улуғ ишига садоқатининг янги, ёрқин тимсолига айланади. Доҳий Ленининг бутун мамлакатни электрлаштириш ҳақидаги буюк орзусини амалга оширишга ўз муносиб ҳиссасини қўшаётган Ўзбекистон энергетиклари бунга аминдирлар.

АНДИЖОН ДЕНГИЗИ

Сув ҳақида афсоналар кўп, ҳикматлар, ривоятлар, ҳикоятлар кўп...

Обиҳаёт, дейдилар уни. Сув — ҳаётнинг боши, фаровон турмуш рамзи, тирикликнинг таянчи!

Шунинг учун ҳам ўзбекнинг отахон шоири Ғафур Ғулом:

Нур ва сув — халқларнинг қадим орзуси,
Хусусан, ўзбекка бу — эски умид...
У «Фарҳод — Ширин» деб айтар афсона,
Замири — тилакнинг зўр шабчироғи.
Афсона умидга дастак, баҳона,
Ҳатто макон тайин — Сирнинг қирғоғи,—

деб ёзган эди.

Сувнинг сифати кўп, сифатидан шарофати, фазилати кўп...

Мана, кўз олдимизда Андижон сув омбори мавжланиб, осмон этагига бошини қўйиб ётибди. Даралар, тоғлар барини кўмиб, қуёшга кўзгу бўлиб мавжланади. Тиниқ, шаффоф. Ёз осмони ўзини бу кўзгуда кўриб, юзларидаги булут доғларини артади.

Сув мавжи, ундан эсган шабада танга ором бағишлайди. Инсон қўли билан чирой топаётган табиатдан ҳузур қилар эканмиз, Андижон сув омборининг бутун салобати фикримизни қамрайди. Оддий рақамларга эътибор қилинг: сув омборининг сатҳи 55 квадрат километр, 1 миллиард 750 минг кубметр сувни ўз бағрида асрайди. Бу азим қурилишда 6 минг 500 киши меҳнат қилмоқда. Қурилиш битганда, 460 минг гектар ерни сув билан таъминлайди. Соҳилида 50 минг кишига мўлжалланган Советобод шаҳри бунёдга келмоқда. Бу сунъий денгиз атрофида ажойиб оромгоҳлар пайдо бўлади.

Мана шу рақамларда Андижон сув омборининг қисқача таржимаи ҳолини уқдим. Чунки бу рақамлар замирида катта коллективнинг кўп йиллик меҳнати ётибди. Қурилиш кўлами катта, келадиган нафу даромад мислсиз...

Ҳамроҳимиз Қўрғонтепа район партия комитетининг секретари Маҳбубахон Музаффарова ўз меҳнат фаолиятини шу қурилишда комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлашдан бошлаган. Қурилиш унга хонадонидек таниш. Тоғдек салобат тўкиб турган Кампирравот қучоғида у қизалоқдек яйраб кетади, тўлқинланиб гапиради:

— Бу денгизнинг 33 дарвозаси бор,— деб сувни тўсиб турган баҳайбат бетон деворларга ишора қилади Маҳбубахон. Сўнгра қўлларини чўзиб, ҳамроҳларни ишонтириш учунми, тўғоннинг ҳар бўлинмасини бир-бир санаб ўтади.

Дарҳақиқат, бу ерда қурилиш ягона усул билан олиб борилаётир. Бетон ётқизиш фронти бирваракайига эмас, ўттиз уч қисмга бўлинган: ўттиз уч пойдевор, ўттиз уч устун. Ҳар бирининг орасида ҳавоза, бўшлиқ. Бу табиий шароит тақозоси билан бўлган. Ер қимирласа, уларнинг тебраниш имкони бор. Елка тирашиб турган «дарвоза»лар бир-бирини тутиб ҳам қола олади, бетон ётқизиш иши ҳам осонлашади. Бетон тежалади. Ҳар қандай шароитда ҳам дарз кетмайди...

Гапга қурилишнинг тош йўнувчиси Эгамберди Рўзиев қўшилди:


— Қуршоб ва Ясси дарёлари шу томонга келиб қўшилади-да, Қорадарё ҳосил бўлади. У ёғини биласиз: Қорадарё Норинга туташади. Сирдарё туғилади... Дарёни измимизга олмасак, нотаниш йўловчидек бенаф ёнингдан ўтади-кетади-да.

Бир оздан кейин яна бир қурувчи ёнимизга келиб, бошидан муҳофаза қалпоғини олди, бетон юқи қўлларини барига артиб, бизга қўл узатди.

— Ғуломжон Султонов биринчи комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи. Сув омборининг биринчи бетонини қўйганлардан,— деб таништирди уни райком секретари.— Ҳов ана, кўряпсизми электр станцияси қурилишига йўл очилаётган ердан иш бошлаган!

Ҳаммамиз баҳайбат шаршарага тикиламиз. Товуши етиб келмаса ҳам салобати, шаштини сезиб турибмиз. У ерда Советобод шаҳрини ва ён-атрофларни Ильич нури билан таъмин этадиган 140 минг киловатт қувватга эга бўлган электр станция бунёд этилмоқда.

«Сув ичганда қудуқ қазиган кишини ёд эт!», деган гап хаёлимиздан ўтди. Биз кўриб турган оби-



Тўғон қурилишининг умумий кўриниши.

ҳаёт манбаининг улуғворлигини бирор нимага қиёс этиш мушкул. Нима ҳақда ўй сураётганимизни сезгандай, суҳбатни қурилиш ишчилар комитетининг раиси, қурилиш бошлангандан бери шу ерда хизмат қилаётган Муҳаммадали Қамбаров давом эттирди:

— Одамдан ном қолади. Қурувчилар ўзларига ажойиб ҳайкал ўрнатаётирлар.

Балли, меҳнатга ҳайкал бу. Совет ишчисининг меҳнати, салобати, иншоотнинг беқиёс кўлами, ҳайбатли қадди одамни ҳайратга солади. Сув омбори гўё буюк бир саҳна. Узоқдан, Советобод шаҳрининг осма-ҳаво «трамвай»идан қараганда, Кампирравот шундай жозибали кўринади. Унда янги ҳаёт, келажак лавҳалари гавдалангандай бўлди.

Бу кошонага меҳнати сингганлардан бири — етук мутахассис, қурилиш партия ташкилотининг секретари ўртоқ Саенкодир. У кишининг гапига қараганда Қорадарёда 35 кубметргача сув оққан. Бу бир районнинг эҳтиёжига зўрға етади. Лекин ўшандай вақтларда шу сув бутун Андижон областига тақсим этилган. Бугун эса бир район 40 кубметр сув олмоқда.

— Илгари бундай серобликни кўрган эмасмиз. Денгизнинг шарофати шу-да!— дейди Саенко.

У кишининг оддий, ҳақ-ҳалол гапларини эшитиб, беҳосдан Алишер Навоийнинг: «Сувсизга сув ишқи бўлур жондин ортиқ», деган мисраларини эсладик. Ахир, сувсизлик балоси айниқса Ўрта Осиё халқларини асрлар давомида қийнаб келган. Бу ерликлар ўз қишлоғининг тарихини ҳамма вақт сув билан боғлашлари бежиз эмас. X аср бошларида тўғон қуриш ишлари амалда қўлланилган: кичик сойлар, ариқларга тўсмалар, тарновлар, тўғонлар солинган. XIII асрда худди шу ерда қурилган тўғонни Чингизхон қўшинлари яксон қилган. Кейинроқ рус инженерлари, бу ерларда тўғон қуриб ташна ерларни обод қилиш режаларини тузганлар. Лекин у даврлар бошқа эди, қўл калта, сармоя мисқоллаб ўлчанар эди.

Бу ерда қуёшнинг ўткир тиғи боғ-роғларни, экин майдонларини қовжиратиб кетган вақтлар кўп бўлган. Шунда жафокаш деҳқон худога илтижо қиларди. Унсиз, кўз ёшисиз йиғларди. Худо нолаларини эшитавермагач, жомни тескари тўнкариб, сувсизликдан қуриган новдалар билан уриб чаларди... Бу алам, бу беҳуда нолалар етмаганидай, баҳор дамлари бебош дарё лойқаланиб қутириб келар, эндигина униб чиққан экинни пайҳон қилиб, кулбаларни қулатар, қишлоқларни оқизар, қанча-қанча тирик жонга зомин бўлар эди. Ортида қора лойқа билан мудҳиш, чанқоқ кунлар хотираси — ривоят қолар эди: эмишки, она сувга зор бўлиб, «Дарёни ҳайдаб кел», деб ёлғиз ўғлини йўлга отлантирган. Ўғил тоғ-тош кезиб дарёни излаб кетган... Сув келтираман, деб чақир тошларга дош беролмай оламдан ўтган. Она ўғли ҳажрида, уни интизор кута-кута сувсираб, чанқоқликдан тошга айланиб қолган...

Мана, биз ўша тошга айланиб қолган она ҳайкали олдида бош эгиб турибмиз.

Шу она тупроқ фарзандлари, ўғил-қизлари жонбозлик кўрсатиб, халқнинг азалий орзуларини рўёбга чиқардилар. Сув омбори ҳам унинг номи билан Кампирравот деб аталади. Ҳозир шу тош она оёқлари остидан қардош қирғиз элига дўстлик поёндозидек тўшалиб дарё оқиб ўтаётир.



Андижон гидроиншоотлари қурилиши бошлиғи В. Медведев.



Саттор Абдуқодиров бошлиқ электр пайвандчи комсомол-ёшлар бригадаси қурилишнинг илғор коллективи ҳисобланади.

Унинг рўпарасида элни сувга сероб этгали сув омбори тўғони юксалиб турибди.

Одамлар қўли билан яратилган денгиз мавжига тикилар эканмиз, унинг зилол сув кўзгусида ўтмиш экранда кўрингандек намоён бўларди. Айқириб оққан Норин сувини олган Сирдарё неча асрлар водийни шарқдан ғарбга кесиб ўтиб, томчи сувидан элни баҳраманд этмай, Оролга қараб оқиб кетаверарди. Ҳар йили 20 миллиард кубметр сув бекорга оқиб ўтарди. Неча замонлардан отабоболаримиз шу катта сувни водийга буришни орзу қилганлар. Деҳқонлар Норин сувини Қорадарёга буриб, ундан водийга канал чиқаришни кўпдан ўйлаганлар. Даври келиб, Улуғ Ленин партияси халқни бу қутлуғ ишга сафарбар этди. Халқ оёққа турди. Сув йўлида фидокорлик билан ишга бел боғлади.

Биз бу гапларни Фарғона водийсининг бош мироби, машҳур Бузрукхўжа отанинг кундалик дафтаридан ўқидик. Ўша дафтарда бир ҳикматли ибора бор экан. Уни лавҳамизга кўчириб олгимиз келди. «Ўша вақтлар Шаҳрихонда тик турган одам қораси Учқўрғондан кўринар эди, шундоқ яйдоқ бўлган». Энди бу ерда мевазор боғлар, уфқи беқиёс пахтазору экинзорлар ҳамма ёқни тутиб кетган.

Бу ўзидан ўзи бўлмади, албатта. Ҳамма баробар курашга отланди, эркин меҳнат мўъжиза кўрсатди. «Меҳнат унуми янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир», деб уқтирган эди Владимир Ильич. Доҳий 1918 йил май ойидаёқ Ўрта Осиёда қўриқ ерларни ўзлаштириш, сув хўжалигини тартибга солиш хусусида тарихий декретга имзо чеккан эди.

Бу шарофатли ҳужжат элимизга дарёлар бошлаган.

Вақт



Мирпўлат МИРЗАЕВ

Етиб балоғатга, ақлимни таниб
Шу кўҳна ҳикматни англадим яққол:
Таъриф билмас экан Вақт махзани,
Фақат дунёда у экан безавол.

Унинг жиловини бўлмагай тутиб,
Фақат у — оламда одил, музаффар.
Ахир, қуёш кимни ўлтирган кутиб,—
Раъйингга парвосиз ботар-да, кетар.

Кунлар юрагимдан ўтмоқда сизиб,
Вужуд-вужудимга сингиб борар Вақт,—
Гоҳ сочга оқ солиб, гоҳ манглай чизиб,
Гоҳ ғамга дуч айлаб, гоҳ лутф этиб бахт.

Чексизликлар аро мардона юриб,
Айтинг, у қайларга ошиқар, елар?
Вақтнинг шамолига юзингни буриб,
Баъзида ич-ичдан ҳўнграгинг келар...

Ял-ял уфқ бағрида жилваланди тонг,
Аммо қучоқ очиб кутар уни шом...
Гоҳида мунғайиб, гоҳи уриб бонг
Инсон Фурсат ила баҳс айлар мудом!

* * *

...Бунчалар безовта бу қадим ҳаёт,
Наҳот ғам-ташвиш-ла кечгай бу умр?

Руҳимдаги вазмин идрок ила мен
Кенг кўча бўйида боқдим бир зум лол —
Узлуксиз ошиққан автолар
ҳамда
Асабий,
паришон,
тунд чеҳраларга,
Улар ҳам қайгадир шошарди, шаксиз.
Шу лаҳзада менга инсон қисмати
Фараҳсиз ва ғариб туюлди илк бор.
Ахир,
яшнасаю атрофда баҳор,
Юксак арғувонлар ёзсаю куртак,
Сиз эса,
одамлар,
қилмайсиз парво
Кўҳна замин чархи,
фоний ҳуснга...
Ажаб,
не хаёллар сизни этган банд?



Арматурачилар бригадаси бошлиғи, учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени кавалери Елена Ивановна Гуц шогирдлари (чапдан) Акмал Абдуллаев, Ҳамидулла Раҳмонов ва Неъматжон Болтабоевга топшириқ бермоқда.



Бетончилар бригадаси бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори Эгамберди Рўзиев қурилиш ветерани, ёшларнинг ғамхўр устозидир.

А. ЖДАНОВ фотолари

лаб келди. Асрий чанқоқликни қондириш учун янги-янги сув ўзанларини очиб берди. Қатор сунъий денгизлар ўлкамиз ҳаётига кўзгу бўлиб мавжланиб турибди. Олтин пахтамиз жилосида, яшноқ далаларимизнинг тароватида сув мавжи, обиҳаёт хосияти барқ урган.

— Районимиз бўйича ўрта ҳисобда ҳар гектар ерга ўн центнердан пахта ҳосили қўшилди. Бу қутлуғ ишда Кампирравот обиҳаёти қўл келаётир,— дейди Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Узоқбой Саримсоқов.

Икки дарё устидаги қўш кўприкдан сув омбори биқинидаги ишчи шаҳарчасига ўтамиз. У ерда биз сув омбори қурилишининг директори Виктор Медведев билан учрашдик.

— Қурилиш 1963 йилда бошланган эди,— дея гап бошлади у,— аввалига кичик бир тўғон қуриш мўлжалланган. Бора-бора Бутуниттифоқ зарбдор қурилишига айланиб кетди. Кўриб турибсиз, денгиз пайдо бўлди! Кампирравот аҳолисига 8 миллион сўм сарф қилиб, тоғ ёнбағрида шаҳарча қуриб бердик. Энди улар сув тошқинидан ҳам бир йўла қутилишди. Андижон денгизининг каромати шундаки, сув танқис йилда ҳам хўжаликка, деҳқончиликка етарли обиҳаётни етказиб бераверади.

Виктор Данилович навқирон, бақувват киши. Ундаги қатъият, ишонч, ўз ишига муҳаббатдан меҳрингиз ортиб кетади.

— Қурилишимизни партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигисиз тасаввур этолмаймиз. Ҳар куни, ҳар дақиқа назарлари бизда. Ҳурматли Шароф Рашидович Рашидов ҳар келганида қурилишимизнинг қадди яна бир юксалгандай бўлади. У киши бир келганида қурилиш битадиган муддатни сўради. Қувонганимиздан ваъдани катта бериб юбордик. Лекин цемент тайёрлаб юборувчилар ишимизни сал орқага судраб туришибди. Ҳар куни ўн вагон ўрнига беш-олти вагон цемент оламиз, холос. Ўшанда Шароф Рашидович мендан: «Қурилишдан қанча пул тежаб қоласиз?», деб сўраб қолди. «30 миллион сўмга яқин!», дедик. «Уни нимага сарф этасиз?», деди Шароф Рашидович. «Фаровонликка. Денгизимиз соҳилларида дам олиш жойлари қурамиз. Шифобахш оромгоҳлар яратамиз»,— дедик. Режамиз ўртоқ Рашидовга маъқул бўлди. Кучимизга куч қўшилди.

Жилғалар бирлашиб сой бўлади. Сойлар қўшилиб — дарё. Кампирравот сув омбори эса ошиб-тошиб, поёнсиз Андижон денгизига айланди. У бағрига сиғдирган обиҳаёт битмас-туганмас... Орзу-умидимизга яраша беқиёс, бемиқёс...

Андижон сув омбори ҳақидаги бу кичик лавҳа у ердаги катта, жўшқин ҳаётнинг дебочасидир. Истиқболи порлоқ бу оламшумул қурилишнинг ҳикояси ҳали давом этади...

Наҳот ташвишингиз бари улуғвор?
Йўқса,
жўн,
бедовруғ қисқа умрда
Завқдан ҳам бебаҳра ўтмоқлик нечун?!
. . . . . .
Менингча, бу ўйлар
бир сўлим оқшом
Тарих музейидан чиқиб келувчи —
Ҳар кимса кўнглида кечар илк дафъа.

* * *

Туғилган юрт.
Қадрдон қишлоқ.
Сен олис манзилдан қайтганда гоҳ-гоҳ,
Ажиб болалигинг ўтган жойларга
Энтикиб боқасан,
Дилдан сиғиниб...
Кўзингга беармон туюлар шунда
Тенгқур жўраларинг — муқим дўстларинг.
Яна хайрлашиш.
Сафар.
Масофа.
Тўймай ҳам қоласан
Ложувард уфқлар,
Самимий дунёнинг шан дийдорига.
Ёлғиз йўлга чиққунг —
Қалбингни ташлаб.
Аммо манзилингга етганда эса
Ҳар чоқ содир бўлар шу ғаройиб ҳол:
Калитни бурайсан
Ва остонага
Паришон илк қадам қўйишинг билан
Сени кутиб олар
Ўша ўз қалбинг...

* * *

Шодмон юрар эдим сендан олисда,
Дунёни унутиб, ғамни унутиб.
Бир кеч ўз-ўзимдан сесканиб кетдим —
Унутган эканман сени ҳам ҳатто!
Ўша тун
тун бўйи тинмади ёмғир,
Дарахтзорлар аро бўзлади шамол.
Бу ҳам етмагандек,
денгиз бетиним —
Гувранди, оҳ тортди бағримни эзиб.
Мен эса шу кеча қоқмадим мижжа,
Сенинг хаёлларинг бағрида ёндим
Ва сени унутмоқ нақадар оғир —
Гуноҳ эканига инондим...

* * *

Нашъаси ўзгадир ажиб наҳорнинг,
Мунгли боқишлари қорайган қорнинг...
Билсангиз, мудом мен эрта баҳорнинг
Ёрқин рангларини севаман!

Гавжум шаҳар аро юрсанг-да бу дам,
Юрагинг орзиқиб кетар дафъатан.
Олис болалигим ёдга туширган
Кўча чангларини севаман!

Дилга виқор солиб узаяр кунлар,
Таралар самодан найсоний унлар;
Музлар билан карахт дарёнинг тунлар —
Қилган жангларини севаман!

Ифор ёғдуларда яйрагай жонинг,
Беҳиштда топилмас ўтган бу онинг...
Билсангиз, дўстлар, мен кўҳна дунёнинг
Шўх оҳангларини севаман!..

* * *

Дунё кезиб, билдим — дунё уфқи бепоён,
Ҳайратларим этолмасман бирйўла баён.
Ҳали бир ғўр куйчидирман эҳтимол, лекин
Чўнг дунёга чўнг бир меҳр орттирдим аён.

ИНСОН БАХТИ

ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ учун ғоят оғир келган 1979 йилнинг ғалвир сувдан кўтариладиган энг долзарб палласи. Далаларда йиғим-терим қизғин. Абдуваҳоб Турғунов бошлиқ бригада аъзолари «Пешана теримиз билан етиштирган «оқ олтин»-ни сўнгги граммигача териб оламиз», деган қатъий қарор билан меҳнат қилмоқдалар.

Бугун 6 ноябрь. Улуғ байрам арафаси. Абдуваҳоб бир кун олдин бўлган правление йиғилишида «6 ноябрда бригадамиз бўйича 35 тонна пахта топширамиз», деб сўз берган эди. Бугун сўзининг устидан чиқиши керак. Кун бўйи шу ташвиш кетида юрди, тўққиз звено даласини айланди, ҳар бирининг имконини чамалаб чиқди. Қанча одам теримда, нечта кўрак чувиш машинаси ишлаяпти — барчасини ён дафтарига ёзиб, кечқурун тайёр бўладиган пахтани қайта-қайта хомчўт қилди. Мана, қош қорайди. У звенолар хирмонидан яна хабар олиш учун машина рулига ўтирди, Юсуфжон Тўраев звеносига келди. Звено бошлиғи қабул пунктига икки шатакда пахта юборганини, хирмонда яна бир шатакли пахта қолганини, уни ҳам соат биргача тайёрлов пунктига етказажагини айтди. Шу вақт хирмонга кулранг «Москвич» келиб тўхтади. Машинадан тушган табелчи йигит Абдуваҳоб акага телефонда райком секретари сўраётганини айтди.

Бригадир машинада шийпонга етиб келди.

— Абдуваҳоб ака, эртага бориб байрам билан табриклаш ниятида эдим, лекин қувончимни ичимга сиғдиролмай телефон қиляпман...— Район партия комитетининг биринчи секретари Ўлмас Холдоровнинг сўзлари телефонда жаранглаб эшитиларди.— Сизни партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофоти билан қутлайман. СССР Давлат мукофоти билан тақдирландингиз. Ҳозиргина Тошкентдан телефон қилиб шу хушхабарни айтишди.

Абдуваҳоб ака ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўяёзди, нуқул: «Раҳмат, раҳмат...», дейди, тилига бошқа сўз келмайди. Шийпондагилар — табелчи, ошпаз, юкчилар ҳайрон.

— Бригадамизга СССР Давлат мукофоти берилибди. Ўртоқ Холдоров ҳаммамизни табриклади,— деди у қувончини яширолмай.— Энди бу юксак ишончни оқлашимиз керак.

Қувончли хабар ҳаш-паш дегунча бутун бригадага, колхозга тарқалди.

Ўша куни Турғунов бригадаси ваъдадаги 35 тонна ўрнига, 36,5 тонна пахта топширди. Абдуваҳоб ака соат тунги бир яримда шийпоннинг дам олиш хонасига кириб каравотлардан бирига оҳиста чўзилди. Кунлик терилган ва машиналарда чувилган пахтанинг ҳаммасини пунктга жўнатиб тинчиган бўлса ҳам уйқуси келмади. Хаёл уни узоқ-узоқларга олиб кетди.

...1942 йил. Фронтдаги вазиятнинг таъсири бутун мамлакатимизда бўлганидек Абдуваҳоб яшайдиган Қайрағочовул қишлоғида ҳам ҳар соат ва минутда сезилиб турар эди. Абдуваҳоб 4-синфда ўқирди. Ҳамқишлоқларига, ўқитувчиларига кетма-кет чақириқ қоғози келиб, улар бирин-кетин фронтга кетдилар. Математика муаллими Шомил Бахтиёров универсал ўқитувчига айланди. У фронтга кетганларнинг ўрнига она тили ва тарихдан ҳам дарс беришга мажбур бўлди. Бир куни унинг ҳам қўлига чақириқ қоғози тегди. Мактабда ўқиш тўхтади. Ўша йилнинг кузида отаси Турғунбой Раҳмонов ҳам меҳнат батальонига чақирилди. Онаси Қурбоной бир этак бола билан қолди. Энг кичик укаси бир ярим ойлик чақалоқ эди. Рўзғорни тебратиш, беш жонни боқиш ташвиши ўн икки ёшли Абдуваҳоб зиммасига тушди. Дастлаб пахта қуритиш хонасига ўт ёқувчилик қилди. Ўшанда онаси ўғлининг меҳнат кунига тегадиган арпа ёки зоғора нонни охирги увоғигача эҳтиётлаб болаларининг оғзига тутарди. Юртдошлари, ҳамқишлоқлари фронтда ғалаба учун жанг қилсалар, Абдуваҳоб тенгдошлари қатори деҳқончиликда уларга ўринбосар бўлиб қолди. Келаси йил баҳорига чиқиб чигит экадиган сеялкага қўшилган отни етаклади. Ўша йили норасида уч укаси турли касалликка чалиниб, бирин-кетин ҳаётдан кўз юмди. Ўн тўрт яшар Абдуваҳоб жудолик ғамини онаси билан баравар тортди. Кузда пунктда пахта ғарамлади, қишда аёллар кўтарган замбилга гўнг солиб бериб турди. 1943 йилнинг баҳорида Валихон ака бошлиқ пахтачилик бригадасига қишлоқнинг саводхон кишиси сифатида табелчи қилиб тайинланди. Одамлар билан муомала қилишни, ёш бўлса ҳам бригадирга суяниб коллективни бошқаришни ўрганди. Шу орада отаси хизматдан қайтиб келди. Лекин у меҳнатга лаёқатсиз, икки оёғини ҳам совуққа олдирган эди. Рўзғор етакчиси яна Абдуваҳобнинг ўзи бўлиб қолди, отасининг маслаҳатига таянди. Ўша йили бригадада 42 гектар-майдоннинг ҳар гектаридан 9 центнердан пахта олинди. Бу ўша йиллар учун дуруст кўрсаткич эди.

Абдуваҳоб 1946 йилгача табелчи, «Саноат» колхозида бош бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишлади, оғир йиллар юкини тортиб меҳнатда чиниқди, кўзи пишди. Ҳаётнинг моҳиятини, эртадан кечгача ишлаб топилган бурда нонниг қадрини тушуна борди. Айниқса, эркаклар фронтга кетиб, бутун оғирлик ўзи сингари ўсмирлар ва хотин-қизлар зиммасига тушганда пахтачиликда қўл меҳнати қанчалик машаққатли эканини ҳис қилди.

1946 йилнинг кузида «Жомашўй МТСида трактрочилар тайёрлайдиган курс очилаётганмиш», деган хабар Қайрағочовулга ҳам етиб келди. Абдуваҳоб раисга учраб, шу курсга юборишини илтимос қилди, хўжалик бошлиғи йигитнинг иштиёқини кўриб қувонди.

Уч ойлик ўқиш унинг учун камолот мактаби бўлди.

Жомашўй қишлоқ советига еттита майда колхоз қарарди. Бу хўжаликлар учун МТСдан иккита трактор ажратилган эди. Курсни тамомлагач Абдуваҳоб шу тракторлардан бирига навбатчи механизатор қилиб биркитилди. Трактор рулига илк марта ўтирганда механизм қудратига қойил қолди: лаънати фашизм уруш бошламаганда бундай машиналар кўпроқ ишлаб чиқарилар ва деҳқончиликдаги барча оғир жараёнлар машиналарда бажарилар, меҳнат унумдорлиги юз карра ошиб, элимизда маъмурчилик бўлар эди! У ҳаётга кенгроқ назар билан қарай бошлади. Кечагина оила тирикчилигини асосий масала деб билган Абдуваҳоб энди ҳамқишлоқлари, колхози тўғрисида ўйлар эди.

Уруш тугагач хўжаликни тиклаш, иқтисодий камчиликларни тезроқ бартараф қилиш кун тартибига қўйилди.

Партия ва ҳукуматимиз бу соҳада зарур тадбирларни амалга оширарди. Майда хўжаликлар бирлашиб, йирик колхозлар ташкил топди. 1950 йилнинг бошида Абдуваҳоб яшайдиган «Саноат» колхози «Гигант» хўжалигига қўшилди. Шу йўл билан ишлаб чиқариш кучлари марказлаштирилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш биринчи даражали вазифа эди. Шунинг учун хўжалик майдонининг асосий қисмига шоли экиладиган бўлди. Лекин бунинг учун сув шаҳобчалари етишмас эди. Колхозда канал қазиш бош-



— Ер чуқур ҳайдалиб, тупроқ юмшоқ бўлса, чигит тез ва осон унади,— дейди Абдуваҳоб Турғунов бригада механизатори Иброҳимжон Исоқалиевга.

«Гигант» колхозининг бригадирлари (чапдан) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зафар Имонбердиев, СССР Давлат мукофоти лауреати Абдуваҳоб Турғунов ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожибой Тошбоев деҳқончилик маданияти хусусида суҳбатлашмоқдалар.



ланди. Абдуваҳоб ҳам трактор рулини вақтинча тарк этиб, қўлига бел ушлади. Бир кунда 12 куб метр тупроқ қазиб, уч нормани бажарди. Ўшанда уни каналдагилар «Абдуваҳоб полвон» деб таърифлардилар.

1957 йил ноябрининг охирлари эди. Колхоз раиси уни идорага чақиртирди.

— 10-бригадага шу йигитни бошлиқ қилиб тайинласак. Ўзи механизатор, ҳисоб-китобга ҳам уқуви бор. Нима дейсизлар?— деб раис правление аъзоларига юзланди.

— Маъқул!— дейишди улар бир оғиздан.

Шу-шу у пахтачилик бригадири. Колхоз оқсоқолларининг ишончини оқлаш учун тиниб-тинчимади. 65 гектар ерни кузда маромига етказиб шудгор қилди, эрта баҳорда ерни олдин чизеллаб, кетидан мола юритиб экишга тайёрлади. Чигитни ҳам ўзи экди, текис унган ниҳолларни парвариш қилди, кузга бориб ҳосилни машинада терди: шўрхок ерда гектарига 26 центнердан пахта олдилар. Бу, бошқа бригадаларникига қараганда 2,5 центнер ошиқ эди.

Колхоз правлениесининг Абдуваҳобга ишончи ортди. Кейинги йил қолоқ 12-бригадага бошлиқ қилиб ўтказдилар. Деҳқончиликни тобора мукаммал эгаллаб бораётган Абдуваҳоб ҳосилдорликни бир йилда 22 центнерга етказди, қолоқ бригаданинг илғорлар қаторига ўтиб олишига эришди.

Кейинроқ правление иккита бригадани қўшиб, уни йирик коллективга бошлиқ қилиб тайинлади. Экин майдони қарийб икки баробар кўпайиб, 130 гектарга етди. Лекин Абдуваҳоб шошиб қолмади. Иш кучлари ва механизмлардан тўғри фойдаланишга, меҳнат харажатларини тежашга интилди, ҳар бир агротехника тадбирини муддатида, сифатли ўтказишга эришди. Ўша йили гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу шўрхок Задарё райони шароити учун юқори кўрсаткич эди. Партия ва ҳукуматимиз оддий деҳқоннинг хизматини муносиб тақдирлади. Унинг кўксини Ленин ордени безади. Юксак мукофот кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Энди расмий йиғилишларда «Ленин орденли бригадир» деб тилга олинадиган бўлди. Ўшанда бетоб ётган отаси: «Ўғлим, эл назарига тушдингми, ҳамиша эътибордан қолмасликка интил!», деган эди. Ота ўгити бир умр қулоғига қуйилиб қолди...

...Абдуваҳоб ширин хаёллар оғушида ётарди. Гарчи мириқиб ухламаган бўлса-да руҳи тетик, ҳаётидаги бахтли дақиқалар ёлқини шу топда унга қайтадан ҳузур бағишлар эди. Яна ўй суриб

1969 йилнинг июнидаги қувончли воқеани ҳеч унутолмайди. Бригадасига КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов келди. У яшнаб ўсаётган бўлиқ ғўзаларни кўриб қувонди, Абдуваҳоб Турғуновга раҳмат айтди. Унинг ён дафтарчасини сўраб олиб, қуйидаги сўзларни ёзди: «Гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун омилкор бригадир коллективига омад тилайман».

— Ҳосилдорликни сиз айтган мўлжалга албатта етказамиз,— деб ишонтирди Абдуваҳоб.

Партиямиз атоқли арбобининг илиқ сўзлари унга қанот боғлади. Кеча-кундуз тинмади, «Ўртада қатъий ваъда бор», деб звено бошлиқларини ҳам, механизаторларни ҳам ишга даъват этди. Кузга бориб ваъда ортиғи билан адо этилди: гектарига 35,7 центнердан ҳосил кўтардилар.

Абдуваҳоб ўша дамларни эслар экан, қувончи кўксига сиғмаётгандек сезарди ўзини. У секин ўрнидан туриб, дала шийпони ёнидаги хиёбонни айланди. Қулоғига яқин-яқиндаги звеноларнинг хирмонларида бетўхтов ишлаётган кўрак чувиш машиналарининг товуши эшитилди. Қудратли моторлар садосида ўз қалбига қандайдир рамзий ҳамоҳанглик сезди. Чунки машиналар эртанги кун учун ишларди. Янги иш кунининг салмоғи шу машиналар юрагининг бир маромда уришига боғлиқ эди.

Тунда тиним билмай меҳнат қилаётган кўмакдошларининг ишидан кўнгли тўқ бўлгач, Абдуваҳоб қайта хонага кирди, тонгга яқин уйқуга кетди.

У ташкилотчилиги, уддабуронлиги билан йил сайин янги-янги ютуқларни қўлга кирита борди. 1972 йили ҳосилдорликни 37 центнерга кўтарди. Ўша йилги якун учун иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди.



Колхоз раиси Кенжабой Пирматов (ўнгдан иккинчи) правление аъзолари — ер ўлчовчи инженер Қозоқжон Тошхонов, бош агроном Турдиали Нурматов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Абдулҳай Холбоев, бош иқтисодчи Иброҳимжон Собиров ва бригадир Абдуваҳоб Турғунов билан агрокимё харитаси бўйича алмашлаб экиш схемасини муҳокама қилмоқда.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

У кундалик тараққиётдан орқада қолмаслик учун деҳқончилик тажрибаларига оид адабиётларни ўқишга киришди. Кечки қишлоқ ёшлари мактабига кириб ўқиди, ўнинчи синфни тамомлаб, етуклик аттестати олди. Шундан сўнг қишлоқ хўжалигига доир адабиётларни қийналмай тушунадиган бўлди. Ўз тажрибасини китобдаги ёзилганларига қараб ўзгалар тажрибаси билан фикран муқояса қилди, ибратли томонларини амалда қўллашга интилди.

1977 йили ҳосилдорликни яна бир центнер оширдилар. Республика ҳукумати ўша йили унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор деган унвон берди.

Энди Турғуновнинг даласи колхоз учунгина эмас, балки бутун район деҳқонлари учун ибратли тажриба майдонига айланган эди. Бу ерда деҳқончилик маданиятини оширишга бағишланган семинар-кенгашлар тез-тез ўтадиган бўлди, қўшни хўжаликлардан вакиллар келиб, бригада тажрибасини ўрганиш анъанага айланди.

1978 йил бошида Турғунов бригадасига яна тўртта бригада бирлаштирилди, умумий майдон 411 гектарга етди. Колхоз правлениеси бригадада нарядсиз звено системасини жорий қилди.

«Маълумотим чала ўрта. Нарядсиз система мутахассисроқ бошлиқнинг бригадасидан бошланса маъқул бўлар эди. Янгиликни жорий қиламиз деб тағин...» Бошда Турғунов шундай мулоҳазага ҳам борди, раис Кенжабой Пирматовга ўз фикрини айтди. Раис: «Бухгалтериядаги иқтисодчи ходимларимиз сизларни яхшилаб ўқитади, йил давомида ҳисоб-китоб қилиб борилади», деб Абдуваҳобни кўндирди. Етарли техника ва бошқа иш кучлари ажратилди. Бухгалтериянинг билимдон ходимлари Абдуваҳоб Турғунов ва унинг звенолари бошлиқларига нарядсиз система тартибини яхшилаб тушунтирдилар, ҳисоб-китобга оид схемаларни тайёрлаб бердилар.

1978 йил Турғунов бригадаси учун чинакам юксалиш йили бўлди. 411 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,2 центнердан пахта олдилар. Фақат шу ҳисобга колхоз қарийб 1 миллион сўм даромад кўрди. Бригада коллективи келтирган соф фойда эса 450 минг сўмни ташкил этди, иқтисодий тежам 200 минг сўмдан ошди.

— Нарядсиз системадаги звено усулининг афзалликлари нимада?— деган савол билан мурожаат қилдик Турғуновга.

— 1979 йилги кўрсаткичимиз олдинги йилдагига бормади,— деди у.— Йигирма уч йилдан буён бригадирлик қилиб келаётган бўлсам, ҳаммасидан ҳам шу бир йилнинг ташвиши ошиб тушди. Июннинг бошларида ҳам ерни бузиб чигит экдик.

— Хўжаликда биринчи бўлиб планни бажарибсизлар. Бунинг устига ҳукуматимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландингиз. Энди янги йилда парвозни яна ҳам баландроқ оларкансиз-да?— дедик унга.

— Ҳа, айтмоқчи. Нарядсиз, системанинг фойдасини сўраган эдингиз,— дея у, ўзини ноқулай сезиб гап мавзуини ўзгартирди.— Бунда ер ҳам, техника ҳам звенога биркитилади. Ишнинг сифатли бажарилишидан звенонинг ҳар бир аъзоси манфаатдор. Коллектив ёқилғидан тортиб ҳамма моддий харажатларни тежашга уринади. Лўнда қилиб айтганда, ишловчи ғўза ниҳолини ҳовлисидаги гулдек авайлаб асрайди. Яхшиси, янги усулнинг иқтисодий ҳисоб-китобини рўпарамизда ўтирган мана шу иқтисодчимиз Иброҳимжон Собировдан сўранг, сув қилиб ичиб юборган. Шу ҳақда диссертация ҳам ёқлаган,— деб Абдуваҳоб ака қаршимизда ўтирган хушбичим, очиқ чеҳрали ўттиз ёшлардаги йигитга ишора қилди.

— Дастлабки йилги тажриба шуни кўрсатдики,— деди салмоқлаб иқтисодчи,— нарядсиз системадаги звенода йил давомида иш ҳақи, фонди, ўғит, ёнилғи, уруғлик ва бошқа моддий харажатлар тежаб борилади. Масалан, Абдуваҳоб аканинг бригадасидаги нарядсиз усулдаги Абулқосим Холдоров звеноси билан нарядли, яъни ишбай системасидаги Абдураҳим Садиров звеносини таққослаб кўрайлик. Етмиш саккизинчи йил якунида Садировда асосий иш ҳақининг ҳар сўмига 80 тийиндан устама мукофот тўланган бўлса, Холдоровда 1 сўм 82 тийинни ташкил этди. Биринчисида бир центнер пахтанинг таннархи 32 сўм 50 тийин бўлгани ҳолда иккинчисида 29 сўм 80 тийинга тушди. Нарядсиз системада иш ҳақи фонди ишловчиларга тўрт категория бўйича тақсимланади. Биринчи категорияга звено бошлиқлари, механизаторлар, сувчилар киради ва уларга ойлик иш ҳақи 130—150 сўм доирасида белгиланади. Меҳнат қилиш қобилияти нисбатан юқори бўлган ишловчилар иккинчи категория ҳисобланиб, ойига 110—130 сўмдан ҳақ оладилар. Учинчи категорияга пахта ва минерал ўғит ташувчи, ҳашаротларни текширувчилар киради ва уларга 90—110 сўмдан ҳақ тўланади. Тўртинчи категорияни эса ошпаз, қоровул ва ясли ходимлари ташкил этадилар. Уларга 70—80 сўм миқдорида иш ҳақи берилади. Демак, меҳнатда ихтисос ва ишловчилар малакаси муҳим омил саналади. Шунинг учун ҳам улар охирги натижадан манфаатдор. Холдоров звеноси ғўза парвариши

Редакция почтасидан

ЮРТДОШИМИЗ ЖАСОРАТИ

Ҳурматли ўртоқлар! Мен асли Қашқадарё областининг Ульянов районида туғилиб ўсганман. Ҳозир хизмат тақозосига кўра, Марий АССРнинг пойтахти Йошкар-Ола шаҳрида истиқомат қилмоқдаман. Яқинда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа мени бу мактубни ёзишга ундади.

Қишнинг сўнгги кунлари эди. Қош қорайиб қолган. Ишдан қайтиб келаётган эдим. Муюлишга яқинлашсам, гала-ғовур, рўпарадаги икки қаватли ёғоч уй гуриллаб ёнмоқда. Тўсатдан иккинчи қаватдаги деразалардан бирининг ойнаси чил-чил синди-да, қари кампирнинг фарёди эшитилди. Ҳарбий кийимдаги ёшгина сержант оломон орасидан отилиб чиқиб, уйга кириб кетди. Ҳамма қўлига илинган нарса билан ўтни ўчиришга киришди. Сержант зум ўтмай тўрт ёшлар чамасидаги гўдакни кўтариб чиқди-да, кимгадир тутқазиб, изига қайтди. Ёнғин тобора кучаяр, аксига олгандек кучли шамол уни баттар алангалатар эди. Барчанинг кўзи эшикда. Бир пайт кампирни суяб келаётган сержант кўринди. У эшик олдидаги зинапоядан тушдию оппоқ қорга мункасидан йиқилди. Устидаги шинели, оёғидаги этиги ловуллаб ёнарди. Дарҳол кўмакка отилдик. Унинг юз-кўзи, қошлари жизғанак бўлиб кетган. Эгнидан шинелини ечаётганимизда лабларини базўр қимирлатиб: «Ҳужжатларим... чўнтагимда», дея шивирлади. Ўқдай учиб келган «Тез ёрдам» машинаси уни касалхонага олиб кетди. Мен шоша-пиша шинель чўнтагини қарадим. Ҳарбий билети ва комсомол билети, иккинчи чўнтагидан хат ва кулимсираб турган қиз сурати чиқди. Ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечирдим: «Саторов Эркин Ҳақбердиевич, Қашқадарё область, Ульянов район ҳарбий комиссарлиги». Алланечук бўлиб кетдим. Юртдошимнинг бу жасоратидан кўнглим ғурурга тўлди. Эртаси куни шаҳар «Тез ёрдам» станциясидан у даволанаётган касалхонани суриштириб, олдига бордим. Биз эндигина танишиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлаша бошлаган ҳам эдикки, ҳамшира бир ёшгина аёл билан баланд бўйли эркакни бошлаб кирди. «Мана, Саторов шу киши бўлади», деди ҳамшира Эркинжонни кўрсатиб. Юз-кўзлари дока билан чирмаб ташланган қорамағиз йигитга келганлар ўзларини Оксана Абросимовна ва Дмитрий Николаевич деб таништирдилар. Маълум бўлишича, улар Эркин Саторов ёнғиндан қутқарган боланинг ота-онаси экан. Дмитрий Николаевичнинг айтишига қараганда, у эрталаб уйни қулфлаб, калитини хаёл билан ёнида олиб кетган. Онаси Людмила Николаевна ҳамда тўрт яшар ўғли Юра ичкарида қолганлар.

Эр-хотин сержантга қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этиб, эрта яна келишга ваъда бериб хайрлашдилар. Улар кетгач, Эркинжон менга қараб кулди: «Яхши бўлмади-да, ўзи госпиталдан чиққанимга тўрт кун бўлган эди, буни қаранг, яна касалхонага тушиб қолдим».

Ўша куни биз узоқ суҳбатлаша олмадик — ҳамшира рухсат этмади. Эртасига яна бордим. Минг афсуски, ҳаяллаб қолибман — уни госпиталга олиб кетишибди. Ҳамшира қўлимга бир парча қоғоз тутқазди: «Бакир ака, узр, мени госпиталга олиб кетишаётибди. Сиз билан бир ярим ойдан сўнг қуйидаги адресда кўришамиз», деб ҳарбий қисмининг адресини қолдирибди.

Бир ойдан кейин у хизмат қилаётган қисмга бордим. «Ҳали келгани йўқ», дейишди. Штаб олдидаги «Ҳурмат тахтаси»да Эркинжон Сатторовнинг портретини кўриб севиндим. Рота командири капитан Н. Алексеев ҳамюртим ҳақида кўп яхши гаплар айтди.

Орадан бир ярим ой ўтгач, мен яна Эркинжонни излаб бордим. Бокуда командировкада экан. «Ҳали-вери қайтмайди», дейишди. Кейинги борганимда эса у хизматини тугатиб, уйига жўнаб кетган экан.

Ҳурматли редакция ходимлари! Жасур юртдошимизга севимли «Гулистон» журнали орқали менинг ва Николаевлар оиласининг ташаккурини етказсангизлар. Эркинжонга ғойибона салом йўллаш билан бирга келгуси ҳаётида сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Салом билан:

Бакир ҲУСАНОВ

Йошкар-Ола

ва терим даврида четдан кишилар ёлламади, ҳамма ишни улар ўз кучлари билан, асосан механизмларда бажардилар. Шу туфайли катта тежам билан 38 минг сўм қўшимча мукофот олдилар.

Идорадаги суҳбатдан сўнг Абдуваҳоб аканинг машинасида далага йўл олдик.

— Бригадангизнинг экин майдони ҳам жуда кенг экан, ташвиши шунга яраша бўлса керак?— дедим.

— Аввалари пахтани қандай экиб, қандай етиштирганимизни билмай қолардик. Лекин 1979 йил ниҳоятда оғир бўлди,— дея вазмин давом этди у.— Чигитни уч мартагача қайта экдик. Қатқалоқ, бегона ўтларнинг ташвишини айтманг. Имкониятимиз борлиги, техниканинг етарли бўлиши катта ёрдам берди. Агар қўлимиз бурунгидай калта бўлганда бу йилги об-ҳаво шароитида дуруст ҳосил етиштириш қаёқда эди!

Бригадир бизни тўғри дала шийпонига олиб борди. Шийпон биноси эскироқ бўлса ҳам, унда ҳамма қулайликлар мавжуд экан: телевизор ва радиоли кенг дам олиш хонаси, китоблар дид билан жавонларга терилган, газета-журналлар тартиб билан сақланаётган кутубхона.

Теварак-атрофни кузатарканмиз, девордаги: «Бригада кенгашининг состави» деган ёзувга кўзимиз тушди.

— Кенгаш қандай масалалар билан шуғулланади?.

— Бригада кенгашининг составини колхоз правлениеси тасдиқлайди,— деди Абдуваҳоб ака рўйхатга қараб.— Ишловчиларнинг маданий-маиший шароитидан тортиб, культивация сифатигача бўлган барча кундалик масалалар билан шуғулланамиз. Ҳар ўн беш кунда ўтказиладиган йиғилишда тегишли масалаларни муҳокама қиламиз. Масалан, декабрь ойининг охиридаги мажлисида биринчи шўр ювиш сифатини анализ қиламиз. Еримиз шўр. Агар шўрни муттасил ювиб турмасак, карталаримизни қордан олдин шўр қоплайди. Январь-февраль ойларида яна бир марта суғориб, тупроқдаги тузни пастроққа чўктирамиз.

Колхозимиз бўйича умумий узунлиги 100 километрли зовур бор. Шунинг 25 километри бизнинг ерларимиздан ўтган. Ҳар уч йилда уни бир марта тозалаймиз. Шундай қилиб шўрнинг олдини оламиз...

Тушдан кейин колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулҳай Холбоев ва касаба союз раиси Мирзабой Олимов билан хўжалик посёлкасини айландик.

— Мана бу клубни марҳум раисимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лим Мин Гик 50-йилларнинг охирида, «Ҳали қўлимиз калта», деб хом ғиштдан қурдирган эди,— деди Абдулҳай ака марказий кўча ёқасидаги қизғиш бинони кўрсатиб.— Тиниб-тинчимайдиган, ишнинг кўзини биладиган одам эди. Роса ўн йил —1955 йилдан 1965 йилгача хўжаликни бошқарди. Шу даврда у билан тўрт ҳамқишлоғимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди. Бригадирларимиздан Тожибой Тошев, Зафар Имонбердиевнинг кўксига ўшанда «Ўроқ ва Болға» олтин юлдузи тақилган эди... Хуллас, уддабуронлиги билан колхозимизни равон йўлга чиқариб кетди. Шундан сўнг Собиржон Бадалов раислик қилди. У ҳам ажойиб ташкилотчи чиқди. Хўжалигимизни ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан юксалтиришда хизмати катта бўлди. 1971 йили колхозимиз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Эрталаб идорада сиз суҳбатлашган иқтисодчи йигит Собиржон аканинг ўғли. От ўрнини той босар, деганларидек, Иброҳимжон ҳам марҳум отаси улгуролмай қолган ишларни, орзуларини рўёбга чиқаришда правлениенинг фаол аъзоси сифатида хизмат қиляпти. Ҳар йили 2 минг 300 гектар майдонда пахта экиб, салмоқли миқдорда чорва маҳсулотлари, кўплаб пилла, полиз экинлари ва мева етиштириб, ҳар йили ўрта ҳисобда 6—6,5 миллион сўм даромад олаётган бўлсак, шу маблағнинг тийинидан сўмигача унинг қўлидан ўтади. Ўзи фан кандидати. Хўжалигимиз мисолида «Колхозчиларга иш ҳақи тўлаш тартиби» деган мавзуда диссертация ёқлаган. Нарядсиз системанинг ташаббускори. Қўйингки, меҳмон, колхоз ҳам худди рўзғорга ўхшайди. Қаловини билиб иш тутсангиз, ҳамма томони бут бўлиб, гуллайверади. Бухоро газини районимиз маркази Жомашўйгача келган. Уни колхозимизга олиб келиш ҳаракатидамиз.

Абдулҳай аканинг гаплари диққатимни тортди: «Бухоро газини колхозимизга олиб келиш ҳаракатидамиз...»

Ҳисоблаб қарасак, Бухоронинг газ булоғидан «Гигант» колхозигача бўлган масофа қарийб минг километр. Зарафшон водийсидаги кўпгина колхозларнинг шундай эшиги тағидан улкан газ олиб ўтилган. Афсуски, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек аҳолини «зангори олов»дан баҳраманд қилишга эътибор бермайдилар.

Ҳа, раҳбари тадбирли, уддабуррон, эл-юрт ғамини ейдиган инсонпарвар бўлса, ўша хўжалик меҳнат аҳлининг турмуши фаровон, бахтиёр бўлади, деган гапга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Кўркам боғ қўйнида жойлашган икки қаватли касалхонадан тортиб автотехника паркининг диспетчерлик хонасигача — ҳаммаси буғ ёрдамида иситилади. Шийпонлар қошидаги мавсумий яслиларнинг бинолари ҳам пишиқ ғиштдан тикланган. Эндигина даладан чиқариб гаражга киритилган 52 терим машинасини мойлаб-артиб, ёпиқ айвонларга жойлашга ҳам улгуришган.

Биз хўжаликнинг ҳар бир участкасида Турғуновга ўхшаган касбини дилдан севадиган, ўз манфаатини эмас, коллектив манфаатини ўйлайдиган, ҳақиқий жонкуярлар меҳнат қилаётганини кўрдик. Уларнинг муомала лексиконидан «Мен», «Меники» деган сўзлар аллақачонлар тушиб қолган, устахонадаги оддий ускуна ҳақидами ёки кетма-кет қад ростлаётган муҳташам уй-жой тўғрисидами гап кетса фахр билан «Бизларники», «Колхозимизники», дейдилар.

Ҳа, бу ерда заҳматкаш, қалби пок, софдил кишилар елкама-елка меҳнат қилиб, ўз бахтларини яратмоқдалар, эл оқсоқоллари ортидан эргашиб, обрў топмоқдалар.

Жўнашимиз олдидан раис Кенжабой Пирматов бир илиқ гапни айтиб қолди:

— Мана, икки кун бўлиб колхозимиз ҳаёти билан танишдингиз. Эҳтимол, Абдулҳай ака Холбоевдан эшитгандирсиз, мен бу ерда ҳали янгиман, менгача хўжаликни ажойиб ташкилотчи одамлар бошқарган, колхозни юксалтиришда уларнинг хизмати беқиёс. Шу эл оғаларининг хотирасини абадийлаштириш ниятидамиз. Қишлоқ совети билан маслаҳатлашиб, марказий кўчаларимизга марҳум икки раисимизнинг номини қўйдик. Бундай хайрли ишларни шаҳарлардагидек анъанага айлантирамиз. Қишлоқларимизни ободонлаштириш, турмуш маданиятини кўтариш бўйича янги режалар тузиб чиққанмиз. Бухоро гази районимиз маркази Жомашўйгача келган. 1981 йилгача колхозчиларимизнинг хонадонларига табиий газ ўтказамиз. Техник ҳужжатларини тегишли идоралар тайёрлаб беришди. Ҳозир хўжалигимизнинг ҳам, ишловчиларимизнинг ҳам имконияти катта. Биргина Турғунов бригадасининг ўзи ҳар йили бир миллион сўм даромад келтиряпти.

— Раисимиз тўғри айтадилар,— дея гапга аралашди Абдуваҳоб ака,— бригадамизнинг ҳар бир аъзоси йил якунида асосий иш ҳақидан ташқари бир ярим — икки минг сўмдан устама мукофот олмоқдалар. Ҳаммасининг турмуш шароити яхши. Замонавий янги уйларда яшайдилар. Енгил машиналар олиш учун рўйхатга ёзилганларнинг сони эса йигирмадан ошади. Меҳнатнинг таги роҳат, деб шуни айтадилар-да.

Дарҳақиқат шундай. Байроғида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турган «Гигант» колхозининг эртаси бугунидан ҳам истиқболли. Чунки унинг ишбилармон, заҳматкаш аъзолари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида юксак марраларни кўзламоқда.

Шомурод СИДДИҚОВ

ҚАЙИНЗОРДА ҚОЛГАН ОРЗУЛАР

Полковник ***Аҳмаджон Азизов*** *хотираларидан*

Нурали ҚОБУЛ

БИРИНЧИ СИНОВ

Ўша куни тонг маҳали дадам чўлга жўнаркан, қўлимга эллик тийин тутқазди. Ўйнагани кўчага чиқдим. Йигирма тийинга билет олиб, Жанггоҳдаги истироҳат боғига кирдим. Гуруҳ-гуруҳ одамлар сайр қилиб юрар, боғ тўрида дорбозлар томоша кўрсатмоқда эдилар.

Бирдан радиодан киши юрагига ғулғула соладиган қатъий оҳангда «Диққат! Диққат!», деган сўзлар янгради. Атрофдан бирпасда тумонат одам тўпланди. Радиога қулоқ тутаётган кишилар ёшланган кўзларини артар, айримлари пиқиллаб йиғлар эдилар. Нима гап бўлаётганлигини ҳам, одамларнинг ташвишию кўз ёшларининг боисини ҳам дафъатан англаб ололмадим. Кейин билдимки, бу СССР Ташқи ишлар Халқ Комиссари В. М. Молотовнинг баёноти экан. Фашистлар Германияси уруш эълон қилмасдан бизнинг мамлакатимизга хоинона бостириб кирибди.

Ёшим ўн еттини қоралаб қолган, сентябрь ойида тўққизинчи синфга боришим керак эди. Одамлар хомуш бўлиб аста-секин боғни тарк этдилар. Мен ҳам ҳовлиқиб уйга қайтдим. Дадам Сирдарё районидаги бўз ерларни ўзлаштираётганлар қаторида меҳнат қилар, ўша райондаги Ворошилов номли колхоз раиси эди.

Ойимга уруш бошланганлигини айтсам, лол бўлиб қолди. Гапимга ишонқирамагандай:

— Бор ухла,— деди кейин ҳорғингина.

Бу воқеаларнинг машъум маъносини кейинчалик бор вужудим билан ҳис этдим. Одамлар нон, керосин учун тонг қоронғисида навбатга тизилар эдилар. Эсимда, бир кечаси керосин олиш учун соат учда Ишчилар шаҳарчасига жўнадим ва неча юзинчи ҳам бўлиб навбатга ёзилдим. Навбат номерлари идишга, қўлга ёзиб қўйиларди. Саҳарда магазин очилиши билан бир чақиримга чўзилиб кетган навбат идишларини тарақлатиб, шовқин-сурон билан олдинга силжиди. Чеҳраларда шодхуррамлик сўнган, одамлар бир-бирлари билан ўйчан ва ташвишли сўрашар эдилар.

Бу вақтда бизнинг оиламиз: онам — Рисолат хола, опам Хадича, мен, Маҳмуд, Эргашвой, Салима, Йўлдош, Муҳаббат. Дадам Муҳаммаджон Азизов аҳён-аҳён ҳолимиздан хабар олар, егулик майда-чуйда олиб келар эди. Тирикчилик оғирлашиб кетди, мактабда кунига биттадан булкача еймиз, холос. Нон олиш учун ҳам шомдан тонггача навбатда турилади. Уйда онам озуқани қаттиқ тежаб тақсимлар, нон ва қанд-курсни қулфлаб қўяр эди. Дадам анча қаттиққўл одам эди. Бу пайтда у колхоз активлари ёрдамида фронт учун озиқ-овқат тайёрлаш ва жўнатиш билан банд эди.

Ўша кунлари Тошкентга ва республикамизнинг бошқа ерларига Украина ва Белоруссиянинг вақтинча босиб олинган шаҳар-қишлоқларидан минглаб кишилар кўчириб келтирилмоқда эди. Бир куни дадам мени Сирдарёга олиб кетадиган бўлди. Кечқурун йўлга чиқдик. Вокзалда минглаб кексалар, болалар ва аёллар қаерга жойлашишни, ўзларига бошпана берилишини кутиб навбатда турар эдилар.

Ташвишли 1941 йил яна ҳам уқубатли 1942 йил билан алмашинди. Радиодан берилаётган хабарлар бир-биридан совуқ. Халқ орасида тарғибот-ташвиқот ишларини фаол олиб бориш зарур, Гитлернинг фронтдаги устунлиги вақтинча ва совет халқининг ғалабаси муқаррар эканлигини ҳамманинг юрагига ва онгига етказиш ғоят муҳим эди.

Корхоналар ва муассасаларда ҳарбий даврга хос темир интизом жорий қилинди. Халқ фашизм устидан қозонилажак ғалабага қатъий ишонч билан яшаб меҳнат қиларди. Одамларда интизом ва фидойилик руҳи ҳар қачонгидан кўра кучайди. Ҳамма ғалабани сабрсизлик билан кутарди.

...Укам Эргаш ва синглим Салима кетма-кет ҳаётдан кўз юмдилар. Бизнинг бу мусибатимиз оғир, лекин бошқаларнинг қайғуси ҳам ошиб-тошиб ётар эди. Қўни-қўшниларимиз ўз суянган тоғлари — оталари, эрлари, ака-укаларидан хабар кутар, лекин кун ора кимгадир машъум қора хат келар эди.

Мактабни тамомлаб, тенгқурларим қатори Ватан ҳимоясига отланадиган кунни кута бошладим. Абдуллин деган киши бизга ҳарбий машқларни ўргатарди. У ярадор бўлиб фронтдан қайтган. Олдинда кутиб турган оғир жангларга бизни қунт билан тайёрлар эди.

1942 йилнинг 6 июнь куни битирувчилар кечаси бўлди ва ўша куниёқ ҳамма синфдошларим чақирув қоғози олдилар. Унда икки кунга етарли озиқ-овқат ғамлаб Киров район ҳарбий комиссарлигига етиб келишимиз кераклиги айтилган эди.



Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, полковник Аҳмаджон Азизовнинг жанговар йўли алоҳида ибратли.

Комиссарлик менга пиёдалар ўқув юртига йўлланма берди. Минглаб йигитлар қатори эшелонга жойлашиб, Самарқанд томон жўнадик. Она даргоҳдан илк марта ажралиб узоқ йўлга чиқишим. Кечаси кўзимга уйқу келмади. Эртаси куни тунда эшелонимиз Каттақўрғон станциясида тўхтади. Билсак, бу ерга Гомель ҳарбий пиёдалар мактаби кўчиб келган экан.

Бу ерда бизнинг имконият ва қобилиятимиз синовдан ўтди. Орамизда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар, украинлар, белоруслар, яҳудийлар ва бошқа кўп миллат болалари ҳам бор, ўқув юрти интернационал, дўстона оила эди.

Машғулотдан қўлимиз бўшамайди, тонг-саҳардан қора тунгача машқ ва ўқиш билан бандмиз. Юксак жанговар тайёргарликни даврнинг ўзи тақозо қиларди. Душман Сталинград остонасига яқинлашиб қолган. Ленинград — қамалда. Биз ўқув юртини муддатидан олдин тугалладик. 1942 йилнинг август ойида сержант ва старшина ҳарбий унвонларини олган курсантлар фронтга жўнашга шай эди.

Орадан кўп ўтмай Тихвин шаҳрига етдик. Эшелонлар тез-тез бомбардимон қилинар эди. Тундаги тревога бизни оёққа қалқитди. Ўзбек кавалерия дивизиясининг жангчилари билан биргаликда бошқа эшелонга жойлашдик. Дивизиянинг ярадор отлиқларига тез ёрдам кўрсатдик. Тун бўйи тиним бўлмади, уст-бошимиз ярадор одамлар ва отларнинг қонига бўялган эди. Босқинчиларга нисбатан ғазаб-нафрат бизни қасосга даъват этарди. Катта талафот, ўлган юртдошларимизни кўриш, ярадорларнинг аянчли аҳволи биз ёшлар учун дастлабки синов бўлди.

Бу даҳшатли вазият бизни янада жиддийлаштирди, биз ўзимизни бирдан улғайиб қолгандек ҳис қилдик. Халқ ва давлат тақдири тўғрисида чуқурроқ ўйлай бошладик. Бу ҳеч нима билан тенглаб бўлмайдиган қудратли туйғу эди.

Эртаси эшелонимиз йўлга тушди. Бизни Волхов фронтидаги 19-гвардия ўқчи дивизияси кутмоқда эди.

СИНЯВИНО ҚУРШОВИ

1942 йил 24 сентябрида биз катта талафот бердик. Полкимизда мададсиз ва мадорсиз ярадорларгина қолган эди. Нима қилиш керак? Қуршаб келаётган душманни қандай чалғитиш мумкин?

Олдинги маррадан сал берида катта ертўла топиб, ярадорларни ўқ ёмғири остида ўша ерга таший бошладик. Бу ерга жуда кўп бошқа ярадорлар ҳам тўпланган экан. Тиббий ёрдам пакетлари ишлатиб бўлинган, яраларини ички кийимларни йиртиб боғладик...

Ниҳоят, олдинги марралар тинчиб қолди. Энг қулай марраларни эгаллаб олган фашистлар ўз истеҳкомларини шундоққина кўзимиз ўнгида мустаҳкамлашга киришдилар; душман ўзини ёш арча шохлари билан маскировка қилар, ҳатто шохларнинг қарсиллаб синдирилгани ҳам эшитилиб турар эди. Ярадорларнинг аҳволи жуда оғирлашди. Башарти душман ҳужум қилиб қолса, қаршилик кўрсатиш қўлимиздан келмаслигига энди ҳамма ишонган эди. Қуршовга тушиб қолганимизни, ундан чиқиб кетиш чораси йўқлигини яхши билардик. Кечқурун ертўлага, кўринишидан — белорус бўлса керак, бир лейтенант кирди. Боши дока билан боғланган, ўзи қатъиятли ва ғазабли. «Енгил ярадорлар бир уриниб кўрамиз, ўзимизникиларга етиб олиш учун фақат анави ботқоқдан олтмиш-етмиш метр масофани югуриб ўтиш керак, фақат шовқин-суронсиз! Немиснинг нақ тумшуғи остидамиз!», деди.

Бутун бошли полкдан йигирма уч киши тўпланди, ўзимизникилар томонга ўтиб олиш умиди ҳамманинг юзида ўтдек акс этиб турарди. Кечқурун йўлга чиқишга аҳд қилдик.

Бир-биримизга ёпишиб кетаётганимизданми, ё одам кўплигиданми, ертўла иссиқ, дим уйга ўхшарди, ҳаммага жон кирди, орзу-умидларимизни ўртоқлашардик.

— Йигитлар,— деди украиналик Окружко,— агар мен тирик қолсам, ҳаммани бу ердан олиб чиқмагунча тинчимайман!

...Ўшандан буён қанча вақт ўтди, полкдошларимнинг умид тўла сўзлари ҳамон қулоғим остида янграётгандек. Афсуски, ҳамма ўша орзуларга эриша олмади. Баъзи қуролдош дўстларимнинг орзулари уларнинг ўзлари билан Синявино яқинидаги ботқоқлик қаърига кўмилди.

У ерларда ўсаётган ҳар бир туп арча ёки қарағай, қайин ёки эманда Ватан учун жонини фидо қилган солдатларни — азиз полкдошларимни, уларнинг нурдай пок орзу-умидларини кўргандек бўламан.

МУЗИКА ВА ВАҲШИЙЛИК

Ленинград яқинидаги Синявино бўсағасида мудофаада турардик. Фашистлар окопларимизни миномёт, автомат ва тўплардан ўққа тутди, кейин радиони ишга солади: «Ахтунг! Ахтунг! Асир тушмаган ҳар бир рус солдатининг аҳволи ундай бўлади, бундай бўлади», деб вайсарди душман. Биз кулар эдик. Ҳаводан ташланадиган немис варақаларини ҳар ким ҳар нарсага — бировлар махорка ўрашга, кўпчилик бошқа зарурий мақсадларга ишлатарди...

Яқинда мен Тошкентдаги бир музика мактабида ёшгина болаларнинг ҳамма нарсани унутиб, бутун вужудлари билан навога берилиб, катта

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

«Қадрдоним Григорий Ильич! Суриштириб-суриштириб, ниҳоят адресингизни топдим. Қувончим кўксимга сиғмай кетди. Байроғида Суворов, Богдан Хмельницкий, Қизил Байроқ орденлари порлаган 133-Смоленск ўқчи дивизияси жангчиларининг ғалаба учун кўрсатган мислсиз жасорати сира кўз олдимдан кетмайди... Эҳтимол, сиз мени Ярцев шаҳри бўсағасидаги аёвсиз жангда ҳалок бўлгандир, деб ўйлаб юргансиз. Мен ўшанда оғир яралар бўлиб госпиталга тушдим. Қайта кўришолмадик... Ҳозир дивизиямизнинг Москвадаги ветеранлар кенгаши раиси сифатида қуролдош дўстларимизнинг жанговар анъаналарини давом эттиришдек хайрли ишни бажараётганингиз мени чексиз қувонтиради... Албатта меҳмон бўлиб келинг. Бизда пахта учун сафарбарлик эълон қилинган палла. Ҳаммамиз деҳқонларимиз ташвишига шерикмиз. Бўлмаса қанот боғлаб Москвага, сиз томон учган бўлардим. Ўзингиз келинг. Интизорлик билан кутаман. 133-ўқчи дивизиянинг собиқ жангчиси, рассом Розиқ Давлатов».

Григорий Шиприн ўз кўзига ишонмагандек мактубга қайта-қайта тикилди, ундаги «...Ярцев шаҳри... дивизия рассоми Розиқ Давлатов» деган сўзларни пичирлаб такрор ўқиди. «Наҳотки, тирик бўлса?..» деганча чуқур ўйга толди. Хаёл уни ўша жанггоҳлар тўфонига бошлади.

1943 йилнинг 3 марти. Дивизиянинг 418-ўқчи полки Смоленск областининг Сафонов шаҳрини мудофаа қиларди. Йўлини топиб душманнинг ҳужумга ўтиш-ўтмаслигини билиш лозим эди. Юқоридан шундай топшириқ бўлган. Нима қилиш керак? Зудлик билан офицер клуби ташкил этиш ҳақида буйруқ олинди. Клубни безаш учун эса рассом керак эди. Взводма-взвод суриштирилди: «Рассомликка кимнинг уқуви бор?»

Шунда лейтенант Розиқ Давлатов сафдан бир қадам олдинга чиқди. У дарров ишга киришди. Суворов, Кутузов ва бошқа саркардаларнинг портретларини чизди. Зал шинам безатилди. Ўшанда дивизия қўмондонининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Григорий Ильич Шиприн Розиқ Давлатовнинг маҳоратига қойил қолди.

Ўша куни клубда катта концерт қўйилди. Душман узоқдан буни эшитиб, «Қизиллар ҳужумга ўтмасалар керак», деб ўйлади. Лекин эртаси тонгда полк жанг бошлади.

Душман тепаликда жойлашган эди. Совет солдатлари «Ура-а!» садолари остида ҳужумга ўтдилар. Розиқ Давлатов пулемётини судраб, ўзини чакалакзорга урди. Бирдан ўзига қараб эмаклаб келаётган душман галасини кўриб қолди. Пулемётини тўғрилаб пайт пойлади. Душман тобора яқинлашиб келарди. Чамаси қирқ беш-эллик метр қолганда Розиқ пулемётини сайратиб юборди, душманнинг ўн чоғли аскари бирин-кетин ер тишлади. Орқа томонда совет жангчиларининг «Ватан учун!», деган хитоблари эшитиларди. Давлатов бошини кўтарган эди, кўкраги жиз этди...

Ўша дақиқаларда Шиприн кузатиш пунктидан дурбин орқали жанг майдонини кузатар эди. Пулемёт олдида ётган совет жангчисига кўзи тушди. «Давлатов-ку! Оббо...», деб маъюс тортди у. Шу пайт унинг олдига ҳамшира югуриб келганини ҳам кўрди. Ҳамшира уни қўлтиғидан олиб судрай бошлади. «Хайрият, тирик экан», деб сал енгил тортди полковник.

Григорий Ильич ертўлага келтирилган яралорларни бирма-бир кўздан кечирди. У ҳушига келиб, чалқанча ётган Давлатовнинг жароҳатини қўли билан пайпаслаб кўрди:

— Қўлтиғингни ўқ сал ялаб ўтибди, тузалиб кетади... Балли, азамат, йиртқичларнинг таъзирини бердинг. Ҳали Берлингача бирга борамиз,— дея Розиқнинг кўнглини кўтарди.

Григорий Ильич шундай деди-ю, лекин докторнинг «Ўқ юраги яқинига теккан, жароҳати жиддий», деганини эшитиб кўнгли алланечук бўлиб кетди...

Шиприн бундай нохушликларни умрида кўп кўрган.

Немис-фашист босқинчилари совет Украинасига ҳам қўққисдан бостириб кирди, маҳаллий аҳолини қира бошлади. Қайсидир Ватан хоини Григорий Ильичнинг ака-укалари ва уларнинг болаларини кўрсатиб, «Сиёсий раҳбар, полковник Григорий Ильич Шиприн шуларнинг қариндоши бўлади», деб душманга оғзидан гуллади. Шундан кейин фашистлар Григорий Ильичнинг туғишганлари эҳтирос билан қўшиқ ижро этаётганликларини кўрдиму кўзим ёшланиб кетди... Кўз олдимдан 1942 йили Синявино яқинидаги окопларда ётган қуролдошларим ўта бошлади. Душман музикадан ваҳшийлик мақсадида фойдаланарди. Шопен ва Бетховен музикаси ижро этилганда тажрибасиз ёш солдат беихтиёр окопдан бош кўтариб, музикага маҳлиё бўлиб, фашист снайперининг ўқига учрар эди. Ўша содда полкдошларимнинг сиймоси кўз ўнгимга келганда, бир дақиқа ҳамма нарсани унутаман, улар хотираси олдида ҳамон бош эгаман.

Ленинград остоналарида оғир жанглар борарди. Атрофимиз ботқоқ, иқлим шароити оғир. Лекин биз бир ота, бир онанинг фарзандларидек, бир жону бир тан бўлиб, манфур душманга зарба берардик. Фашистлар катта қурбонлар, талафотлар эвазига бўлса ҳам Ленинградни қамал қилишга, Синявино ва бошқа жойлардаги кўпгина қисмларимизни қуршаб олишга муваффақ бўлди. Уларнинг техникаси ва кучи кўп, бунинг устига ботқоқликлар бизларга қулайроқ маррани эгаллашга имкон бермас эди. Шунга қарамай, заҳматкаш пиёдаларимиз Синявино ботқоқликларида Ленинград қамали ёриб ўтилгунгача истеҳкомларини тарк этмай, мудофаада турдилар.

ХАЙР, ҚУРОЛИМ!

1942 йилнинг 2 октябрида мен қадрдон пиёдалар полки билан хайрлашдим. Эслашга оғир, аммо очиғини айтиш керак, Синявинодаги жанг майдонида энг яхши дўстларимизни қолдирдик. Ҳатто айрим ўртоқларимизга ёрдам ҳам кўрсатолмадик. Чунки фашистлар оғир яралорларни кўздан қочирмай турар, уларга яқинлашганимиз заҳоти снайперларининг ўқлари ғувиллаб қолар эди. Қоронғи тушишини кутишга тўғри келарди. Аммо қоронғи тушганда, фашистлар мушак отиб атрофни ёритар ва олдинги қаторда нималар бўлаётганини аниқ кўрар эди.

Госпиталда даволаниб, соғайиб кетганимдан сўнг, ҳарбий комиссия мени қаёққа юборишини ҳал қилмоқда эди. Ўтирганлар орасида врач аёл тўсатдан шундай деб қолди: «Вой тавба, бу менинг ҳамшаҳарим Аҳмад Азизов-ку! Бундан энди қанақа жангчи чиқади? Уни соғайиб келаётганлар батальонига жўнатинглар». (Афсус ўша аёлнинг исм-фамилияси эсимда қолмаган). Ленинград фронти шароитида «соғайиб келаётган батальони» дегани яна бир оз қувватга кириш дегани эди. Бу батальонда ўша вақтнинг энг яхши ва мазали овқатларини еганим ҳали-ҳали ёдимда.

Мени яна ҳарбий комиссия кўрди. Саф олдига ёшгина бошқирд лейтенанти келди. Фамилияси Иброҳимов эди.

— Сизлар 210-алоҳида гвардиячи миномётчилар дивизиясига қабул қилинасизлар. Ватан сизларга ниҳоятда қудратли қуролни топширади. Аммо билиб қўйинглар, немислар уни қўлга киритишни ўйлаб юришибди.

Қисмга етиб келгач, биз бу қурол билан танишдик. У БМ-13 қурилмаси, яъни афсонавий «Катюша» эди. Биз унинг сир-асрорини тез ўзлаштирдик. Шу қурол билан ишлаётганлигимиздан фахрланардик. 1942 йилнинг 1 ноябригача «Катюша»ни тўлиқ ўрганиб бўлдим. Мени қурол командири қилиб тайинлашди ва энди ўрним НАТИ-1 трактори олдида эди.

Бизнинг асосий рақибимиз немисларнинг олти ствolли миномёти. Ўт очиш позициясига яқинлашишимиз билан немислар ҳам яхшилаб жавоб беришга тайёрланади. Лекин бизнинг «Катюша»миз тез ҳаракат қиладиган, маневрли қурол. Уни жангга тайёрлаш учун уч-тўрт минут кифоя, 16 снаряд 1—16 шкаласи бўйича туширилиб, рельс бўйича 30—60 секунд ичида отилади. Ўт очиш пайтида аниқ ҳисоблаш нуқтаси қуролдан 50—100 метр нари кетади ва бир дақиқа ичида қуролга ғилоф кийгазиб ичкарига, ўз позициямизга олиб кетиш мумкин.

Ачинадиган жойи шу эдики, биз ўша ишимизнинг натижасини тезда кўролмас эдик. Аммо қўшинларимиз бостириб киргандан кейин бизлар снарядларимиз портлаган жойларни, абжағи чиққан душман техникасини аниқ кўра олардик. Энг осойишта кунларда ҳам душманни беш-олти марта ўққа тутамиз. 1943 йил январига келиб ҳисобни йўқотиб ҳам қўйдик. Жанг олдидан ҳар бир қуролга 640 тадан снаряд йиғардик.

Бизнинг 20-гвардиячи миномёт полкимиз 1, 2, 3-посёлкалардан ўтадиган олдинги маррага жойлашган эди. Январь ойи, қаҳратон қиш. Қимирламасанг, турган жойингда тарашадек қотиб қоласан. Тун бўйи беш метрли котлованни қазишга базўр улгурардик. Бу котлованга БМ-13 ўрнатилади, НАТИ-1 трактори жойлашиши керак. Тўпчилар командаси ернинг музлаган қатламини мисранг ва чўкич билан уриб майдалайди. Муз қатлами кўчгач, белкурак билан ишлаш осонлашади. Тонг пайтида қуроллар ва тўпчилар командаси учун ҳандақлар тайёр бўлди. Кундузи ҳандақлардан чиқиш ман этилган, немис миномётчилари ва артиллерияси бизни аниқ мўлжалга олиб ўққа тутиб туради. Бир тўпдан иккинчисига ўтишга ҳам рухсат йўқ, чунки жойлашган еримиз яйдоқ, теп-текис яланглик.

Бу тайёргарликлар 1943 йилнинг 8 январидан 18 январигача давом этди. Ленинград қамалини ёриб ўтиш бошланган эди. 11 январдан бошлаб кечалар снарядлар тўплай бошладик. Ҳар куни саккиз-ўн машина снаряд келтирилади. Тўпларни кетма-кет ўқлаб, отиш олдидан пистирмаларга югуриб бориб бекинар эдик.

Олдинга силжир эканмиз, янчилган душман техникасига кўзимиз тушади, гоҳида «Катюша»ларимиз зарбасидан пайдо бўлган ўпқонлар олдинга сурилишимизни қийинлаштиради.

Ниҳоят 18 январда момақалдироқдай «ура» садоси янгради. Синявино районида Ленинград ва Волхов фронти қўшинлари учрашдилар. Жангчиларнинг қувончига олам торлик қиларди. Кекса жангчилар бахтиёрлигидан йиғлар, бизни «Ўғилгинам, ғолибларим», деб қайта-қайта ўпар эдилар.

Энди орадан ўттиз йил ўтиб, ўша кезларда чоллар нега йиғлаганликларини эслайман. Улар ўзларини бахтли ҳисоблардилар, яқин орада болаларини, хотинларини кўришдан умидвор эдилар. Афсуски, уларнинг кўпи ғалабани ўз кўзи билан кўрмади. Уларнинг орзулари тирикларга насиб этди.

Бизга ўша пайтда ғалаба яқинлашиб қолгандай туюларди. Ўзимизни жасур ҳис қилардик, бардам қадам ташлардик. Болаликка хос қўрқув ва довдираш аллақачон йўқолиб кетган.

Ўша йили март ойидан мен севимли «Катюшам» ва қуролдош дўстларим билан хайрлашдим. Кейинчалик жангларда қатнашолмадим. Аммо мен иккинчи эшелонда юриб ҳам, бизнинг полкимиз фашистларни қандай қилиб ўз уясида тор-мор қилганини кўрдим.

Бизлар 1945 йилнинг 11 майида, Берлиндаги Империя канцеляриясини кўргани бордик. Ҳамма солдат ва офицерлар қатори мен ҳам Рейхстагдаги устунлардан бирига фамилиямни ёзиб қолдирдим.

Биз фашистларни шафқатсизлик билан қирдик. Лекин социалистик жамиятнинг гуманистик одатларига амал қилиб, оддий немис меҳнаткашларига зиён-захмат етказмадик. Аксинча, шаҳар аҳолиси билан озиқ-овқатимизни баҳам кўрардик.

Ҳа! Биз тирик қолган солдатлар яшамоқдамиз, ҳалок бўлган дўстларимиз доғи ва халқ бошидан ўтган кулфатларнинг аччиқ хотираси билан яшамоқдамиз. Ниманики кўрган, бошимиздан кечирган бўлсак хотирамизда тирик. Оғир туйғулар, чекилган кулфат ва азобларни ўзимиз билан олиб юрибмиз...

...Россия, Украина ва Белоруссиянинг бепоён қайинзорларида тез-тез бўламан. Бир-биридан вазмин ва ҳаёлчан оқ қайинлар. Улар ҳали бирорта қизга муҳаббатини изҳор қилолмай, бор орзу-умидлари билан она ерга бош қўйган дўстларим, полкдошларим, буюк Советлар диёрининг бугунги гўзал ҳаёти учун жон фидо этган азиз инсонлар! Дўстларим — менинг қайинзорларда қолиб кетган орзуларим! Энг бахтиёр дақиқаларимда сизларни ёнимда ҳис этаман! Сизлар ҳалок бўлганингиз йўқ! Фақат покизалик ва садоқат рамзи — оқ қайинларга айланиб қолдингиз! Кўз илғамас қайинзорларга тикиламану кўзимдан ёш қуйилади! Қалбимда оқ қайин ҳақидаги мен севадиган қўшиқ сатрлари жаранглайди:

Зангор ўрмон бағрида мағрур ўсган оқ қайин,
Сенга келдим атайин, кел, қўшиғим айтайин.
Сени кўрдим, эсладим оқ билак малагимни.
Ёшликнинг тор йўлида йўқотган тилагимни.
Орзуим шамолида сархуш ҳисларим елар,
Сархуш ҳислар қатидан бахт деган қўшиқ келар.
Ҳавасим келар сенга, оҳ, гўзалим оқ қайин,
Кўм-кўк сочинг сийпалаб ёмғир бўлиб оқайин!

ридан саккиз кишини бир уйга қамаб, устидан ўт қўйиб юбордилар. Буни эшитиб Григорий Ильичнинг қалби ларзага келди. Душманнинг бу ёвузлиги учун ҳам ундан ўч олишга қасд қилди.

Полковник Шиприн Руминия, Чехословакия, Венгрияни ҳам душмандан озод этиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашди.

— 1944 йилнинг апрель ойи эди,— деб эслайди Григорий Ильич ўша йиллардаги воқеаларни,— давлатимиз чегарасидан ўтиб, Руминияга кириб бордик. Бир қишлоққа дуч келдик. Ҳамма уйларнинг тепасида оқ байроқ. Хоналарда эса ҳеч ким йўқ эди. Ҳайрон бўлдик. Сабабини черковдаги бир попдан сўрадик. Фашистлар маҳаллий халққа «Совет Армияси бу ерларни эгаллагач, сизларни Сибирга сургун қилади», деб чўчитган. Шунинг учун қишлоқ аҳли ўрмонга қочиб кетган. Биз бу бўҳтон эканини тушунтирдик. Руминлар дарров иссиқ жойларига қайтиб келишди.

Истеъфодаги полковник Григорий Ильичнинг бутун ҳаёт йўли ана шундай унутилмас воқеаларга бой. Унинг кўксини безаб турган Ленин ордени, учта Қизил Байроқ ордени ва Қизил Юлдуз ордени оғир жанговар хизматлари рамзи.

Ҳали айтганимиздек, Розиқ Давлатов қуролдош дўстини кўп йил излади, ўттиз йилдан сўнг адресини топиб уни юртига таклиф қилди.

Улар 1979 йилнинг сентябрида дийдор кўришдилар. Григорий Ильич Сирдарёда, Розиқ Давлатовнинг уйида меҳмон бўлди.

— Мирзачўлда,— деди Григорий Ильич,— ўн икки кун бўлдим. Ростини айтсам, кетгим йўқ. Мирзачўлни, йўқ, йўқ, Гулистонни севиб қолдим. Унинг ширин мевалари, ширази тилни ёрадиган қовунларининг мазаси оғзимдан бир умр кетмаса керак. Айниқса, кишиларини, уларнинг меҳмондўстлигини айтмайсизми! Кимлигимни билмасалар ҳам ёшу қари мен билан «Салом, оқсоқол», деб сўрашади. Мен сизлардан миннатдорман,— дея гапида давом этди у.— Расмий учрашувларда мендан «Совет Армияси ғалабасининг сири нимада?», деб сўрашади. «Халқлар дўстлигининг монолитлигида», деб жавоб бераман. Қадрдоним Розиқ Давлатов билан ўртамиздаги самимий туйғу ҳам шу дўстликнинг оддий кўриниши. Мен ўзбек қариндошларимнинг меҳнатда ҳам мислсиз жасорат кўрсатаётганликларини кўриб қувондим. Бу ерга келиб шу деҳқон халқининг Назира Йўлдошева, Қўзибоқар Синдоров, Шарофат Бозорова, Тўхтахон Қирғизбоева каби қаҳрамон фарзандлари таърифини эшитдим, улар билан мулоқотда бўлдим. Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози посёлкасини кўриб, очиғи, ҳайратга тушдим. Қаранг, колхоз қишлоғини шаҳардан фарқ қилолмайсиз. Колхоз тузумининг бутун афзалликлари шу хўжалик мисолида яққол кўриниб турибди. Бу қадимий чўлда шундай гўзал шаҳарчалар қад кўтаришининг ўзи совет кишиларининг ҳар қандай ишга қодирлигини кўрсатади. Москвага қайтгач кўрганларимни ҳамшаҳарларимга ҳикоя қилиб бераман.

Григорий Шиприн Сирдарё район умумий овқатланиш идораси ходими Розиқ Давлатовни «Дўстим, қандай ажойиб замонда яшаяпмиз-а», дегандек ғурур билан бағрига босиб хайрлашди.

Ҳа, бугунги бахтимизда бу қуролдош дўстларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Турғун ЖАМОЛОВ



Истеъфодаги полковник Григорий Шиприн қуролдош дўсти Розиқ Давлатов билан ўттиз бир йилдан сўнг дийдор кўришди.
Ю. ЕЛХИН фотоси

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

УЗАЙМОҚДА ҲАР КУНИ УМРИМ

Ҳайкаллар

Қандай бахтдир
Ўлгандан сўнг
Ҳайкал бўлиб юксалмоқлик.
Кўп муқаддас,
Кўп салмоқли
Ҳаёт бордир ҳайкалларда.
Аммо тирик ҳайкалларга
Дуч келганда гоҳ-гоҳида,
Зарра ҳаёт нишонасин кўра олмай
Уларнинг тунд нигоҳида,
Ғижинаман
Ва уларнинг аҳволига
Ич-ичимдан ачинаман...

Ғанимат меҳмонлар

Ҳар кун, ҳар бир лаҳза ғанимат,
Ҳар кун, ҳар бир лаҳза меҳмондир.
Ҳар кун, ҳар бир лаҳзада келиб,
Кетиб турар бахту надомат.
Ҳар кун, ҳар бир лаҳзага, яъни —
Надомату бахтга юрагим —
Дарвозаси очиқ мезбондир,
Бамисоли шоҳу гадога
Баробардай қуёш — валломат.

Қуёш ботаётганда

Ҳар кун қуёш ботаётганда
Ўғилчам одатий ташвишин қилмайди канда:
— Кеч бўлди, уҳ... Кеч бўлиб қолди.
Офтоб кетиб қолади энди...
Айтинглар, эртага кетиб қолмасин!
Эртага сира ҳам кечқурун бўлмасин!

Бизда ҳам,
Ҳаммада бўлсайди шундайин ташвиш,
изтироб,
Эҳтимол, сира ҳам ботмасди офтоб.

Тупроқнинг ҳиди

Ўғилчам хуш кўрар тупроқнинг ҳидин.
Айниқса кўкламда, нам бўлса тупроқ.
Завқ билан керилар ва тиклар қаддин,
Ҳавони шимириб, шимириб кўпроқ.

Бу ҳолдан завқ олиб, бўламан сархуш,
Демакки, бор яна битта сирдошим.
Сирдошим тупроқни кўрганидан хуш,
Ҳамиша осмондир, осмондир бошим,
Айниқса кўкламда, нам бўлса тупроқ.

Баҳорлар келарки...

Ҳали яна шундай баҳорлар келарки,
Олчазор,
Олмазор
Боғлари
Садафдан тиниқроқ бўларки,
— «Тушимми,
Ўнгимми?», деб ҳайрон қоларсан.
Олчазор,
Олмазор
Боғлари
Садафдан тиниқроқ гул тўкиб,
Куларки,
Кўзларинг тингандан чарчарсан,
Толарсан.
...Жонгинам...
Ҳозир куз
Ва аммо
Садафдан тиниқроқ
Ва аъло
Баҳорлар хаёли —
Ишончим!

Гулхан олдида айтилган қўшиқ

Қўшиқ айтганмисан гулхан олдида?
Йўлга чиққанингда бўлсин ёдингда:
Гулхан олдида айтилган қўшиқ
Кўп ажиб, сурурли, авжли бўлади,
Гулхандай ярқироқ, гулхандай титроқ,
Ҳим-ҳим товланувчи, мавжли бўлади.
Гулхан олдида айтилган қўшиқ —
Ишқ, вафо қўшиғи, висол қўшиғи,
Бир ажиб ва ширин хаёл қўшиғи,
Занжирдан қутилган тутқун сингари,
Гулхандан сачраган учқун сингари
Учади, эрийди кеча қаърида.
Ўзинг ҳам хаёлот қанотларида
Қўшиқдай учасан тун бағрин ёриб.
Қанча куйласанг ҳам қолмайсан ҳориб.
Қайтага жуда ҳам кеча қисқариб,
Қўшиғинг битмасдан саҳар оқариб,
Сўнг уфқ жимжима қирмиз бўлади,
Гулхан чўғларига ўхшаб қолади.
Эҳтимол битади ўшанда қўшиқ,
Кечанинг қаридан кундузнинг бағрига
Югуриб кетади ўшанда қўшиқ —
Гулхан ёнида айтилган қўшиқ.

Севги сурури

Орамизда узун масофа,
Кетмоқдаман сенга, сурурим.
Қисқармоқда ҳар кун масофа,
Узаймоқда ҳар куни умрим.



Нортўхта ҚИЛИЧЕВ

ЮГАН

Ҳикоя

— Демак, икс баробар зет, плюс...

Эшик ғичирлаб очилди. Болалар ялт этиб орқага ўгирилдилар. Бўсағада бароқ қошли, бошида соявони кенг шапка, оёғида брезент этик, белбоғига садаф сопли пичоқ осиб олган авзойи бузуқ барваста бир киши турар эди. Синфдошлари «Нима гап?» дегандек Ўлмасга қарадилар. Ўлмаснинг ранг-рўйидан қон қочди — отаси ҳеч қачон мактабга келмасди.

Доскага формулаларни тақ-туқ ёзаётган муаллима шивир-шивирдан жаҳли чиқиб, қайрилиб қарадию остонада кўзи олма-кесак тераётган кишининг важоҳатини кўриб, ҳайрон бўлди. Безовталаниб олдинга юрди. Нотаниш кишини таниди... Дабдурустдан ҳадиксираётганини ҳис этди: Эркин Қўчқоров! Бу одам бир пайтлар зўр ўқитувчи эди. Бутун мактаб ундан ҳайиқарди. Ёдида, Суннатилла деган синфдоши мактабга сабабсиз икки кун келмагани учун ҳовуз бўйидаги теракка боғлаб қўйган эди. Ҳозир ўша Суннатилла пиёда юрмайдиган каттаконлардан бўлиб кетган.

Қизиқ, орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, ҳануз бу одамдан — ўқитувчисидан ҳайиқаркан.

Муаллима бўр юқили қўлларини бир-бирига ишқаларкан, синф ўртасида тўхтаб:

— Келинг, марҳамат...— деди.— Яхшимисиз?

— Раҳмат. Кечирасиз, Ўлмасга келган эдим.

Муаллима енгил тортиб, Ўлмасга юзланди. Унинг кўзларидаги аллақандай безовталикни пайқаб:

— Борақол, Ўлмасжон,— деди.

Ўлмас зўраки бамайлихотирлик билан ўрнидан турди. Партадош жўраси унга бир қараб, йўл бўшатди.

— Сумканг қолмасин,— деди отаси бўсағадан.— Олиб чиқ!

Ўлмас орқасига ўгириларкан, отасининг негадир қизғиш тус олган катта-катта кўзлари чақнаётганини сезди. Кейин ўқитувчисига илтижоли назар билан термилди.

— Майли, борақол, Ўлмасжон...— Муаллима шундай дея мулойимгина қўшиб қўйди:— Синф раҳбарингга ўзим айтарман...

Ўлмас тумшайди. Китоб-дафтарларини эран-қаран олиб, портфелига солди. Сўнг олдинги партада ўтирган кулча юзли қиз билан кўз уриштириб, индамай отасига эргашди.

Ташқарида қуёш тиғида мисдай қизиган деворлардан ҳовур тараларди. Бир-бирига туташ хоналарнинг очиқ дераза-ларидан ўқитувчиларнинг овозлари эшитиларди.

Ота қўлларини орқасига қисганча атрофга ғамгин назар ташлаб, олдинда борарди. Йўлканинг ўнг ёқасидаги юқори синф ўқувчилари ўқийдиган бино сояда мудраётган айиқ полвонга ўхшаб кўринади. Сершох тераклар унга қуюқ соя ташлаган.

Эркин Қўчқоров бир пайтлар ана шу бинода ўқувчиларга математикадан дарс берган, газеталарга мақолалар ёзган, суратлари ҳам босилиб чиққан эди...

У ёниқ бир армон ҳиссини туйиб, чуқур энтикди. «Келяпсанми?», деган-дек орқасига қараб қўйди. Ўлмас портфелини осилтириб, хомуш одимларди.

Бола отасининг одатини яхши билади. Мабодо ўзи ё укаларидан бирортаси гуноҳ қилиб қўйса ҳам, отаси бундай қидириб юрмасди. Кечки овқатдан сўнг «Қани, энди гапир-чи!», деб тергашга тушарди. Демак, жиддийроқ гап борга ўхшайди. Нима гап экан?

Эркин Қўчқоров шу тобда мактабга нима учун келганини ҳам унутгандек. Юриши бошқача: қачонлардир бой бериб қўйган азиз туйғуларига гўё унсизгина аза тутаётгани оғир одим отишидан ҳам сезилиб турарди. Марҳум тоғаси: «Бўтам, бахт, деб билган бадбахтлигинг — қадрига етмаган бахтиёрлигинг эвазига берилади», деб тўғри айтган экан. Тоғаси бу гапни «Ҳали уйланмайман», деганида айтган эди шекилли.

Кейин... кейинроқ «Э-э, майли», деб уйланди. Беш йилгача болалари турмади: бир ой, узоғи билан қирқ кунга етар-етмас ўлаверди. Докторнинг дориси ҳам, табибнинг гиёҳию азаймхоннинг кўчириғи ҳам кор қилмади. Мана шу ўғли туғилганда қўшниси Рўзигул биби: «Энди шу ҳам нобуд бўлмасин, ўғлимнинг отини қўяйлик», деди. Исмини Ўлмас қўйдилар. Кетма-кет Барчиной, Фикрат туғилди. Бу пайтда ўзи Хўжакент деган узоқ бир қишлоқ мактабида директор эди. Тонг қоронғисида эски велосипедини миниб ишга йўл олар, қора хуфтонда ҳориб-толиб уйга қайтар эди. Қўш бешик ўртасида қорни бурнига теккудай бўлиб, тиззасида тағин бир бола билан озиб-тўзиб ўтирган хотинини кўрардию юраги-бағри эзилиб кетарди.

Содда экан-да ўзи ҳам. Бўлмаса... Майли, ишқилиб умрларини берсин.

Бир куни ишдан жуда кеч қайтди. Аксига олиб шу куни район маориф бўлими мудири билан жанжаллашган, ўзича: «Энди директорлик қилмайман», деб кўнглига тугиб келаётган эди.

— Қанақа эркаксиз ўзи?!— дея увос солди хотини жиғибийрони чиқиб.— Худойим буларни бизга синаб бердими, сийлаб бердими — қаердан биласиз? Ўзим икки йўлнинг ўртасида зўрға турган бўлсам, мол-ҳолга қарайми, бола-чақангизни боқайми, қозон-товоққа югурайми? Икки кўзингизни демаса, ўзингиз ҳам рамақижон бўлиб қолдингиз. Э-э, ўт тушсин бунақа турмушга!

Эркин Қўчқоров ота-онадан ёш қолиб, гоҳ тоғаси, гоҳ холасининг эшигида юриб қаторга қўшилган, етимликнинг нони тиши билан бирга ақлини ҳам анча ўткир қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам уйланмасдан бурунроқ болаларини ҳеч нарсага муҳтожлик сезмайдиган, довюрак, зеҳнли қилиб ўстириш режаларини тузган эди. Бироқ машҳур педагог бўлиш орзуси ва турмуш икир-чикирлари билан ўралашиб, ҳанузгача болаларини бундай бағрига босиб яйраб ўтиролмаган эди. Хотинининг оҳ-ноласидан кейин бир зум гарангсиб турди. Шу лаҳзада мудир билан бўлган можаро кўз ўнгидан лип этиб ўтдию йўлдаги қарори ёдига тушди — алам билан қўл силтади. «Мен бўлолмасам — ўғилларим бўлади, қизларим бўлади. Уларга шароит яратиб бераман», деб ўйлади-да, уйининг ёнгинасидаги сельпога бухгалтер бўлиб кирди. Сельпо тугатилганидан сўнг эса колхозга бригадирликка таклиф қилишди. Мана, ўшандан буён у бригадир.

Энди ҳар замон-ҳар замонда ўша орзу-армонлари хуруж қилиб қўяди. Шундай кезларда олам кўзига тор кўриниб, янглишганига ўкинч аралаш иқрор бўлар, лекин болаларининг соғ-омон ўсаётганидан кўнгли таскин топар эди. Уларнинг ўқишини текширишни эса канда қилмасди. Озгина вақт топса, дарҳол ёнига ўтқазиб оларди-да, дафтарларини бирма-бир кўздан кечириб, ўқитиб кўрар, мисол, масала ечдириб, билганича сабоқ берар эди. Қизи Барчиной унчалик эмас, аммо Ўлмасдан умиди катта. «Бир яхши институтга кириб олса эди!— деб ўйларди орзиқиб.— Кейин — укалари. Кейин, насиб қилса, Ўлмасни аспирантурада ўқитаман!»

Лекин Ўлмас ёшлик қилибми ё эркатойликми, баъзан шўхликни ҳаддан ошириб юборади. Мана бугун ҳам...

Молхона қоровули чошгоҳда шийпонга келиб, кўпчиликнинг олдида:

— Ўзингиз асли муаллимсиз,— деди дабдурустдан.— Бола бошидан, деган гап бор. Гапираверайми?..

— Хўш-хўш?

— Ўғилни сал тергаб қўйинг. Ҳозирдан олдини олмасангиз, сўғин ўғривоши бўлиб кетади.

— Ҳа, нима қилди?— Эркин Қўчқоров бирдан қизариб кетди.— Тушунтириброқ айтинг, ахир!

— Қаноргa ўт жойлаётсам...

— Ўб-бо!..— дея ҳангоматалаблардан бири луқма ташлади:— Нима қилганингизни эмас, нима бўлганини айтинг-қўйинг-да!

— Балли!— деб гап қўшди иккинчиси.— Отангизга раҳмат!

Қоровулнинг панг товуш билан минғирлаши Эркин Қўчқоровнинг қулоғига момақалдироқ гумбурлагандек даҳшатли эшитилди. Назарида эл нигоҳи уни «Мана, кўрдик!», дегандек, масхарали таъқиб қилаётгандек эди. Айримларнинг «Бола-да, шўхлик қилгандир», қабилидаги гаплари эса баттар оғир ботди. Ҳўплаган яхна чойи томоғини куйдирди. Даврадан секин суғурилиб чиқди-да, мактабга жўнади.

Мана энди, ўғлини эргаштирганча уй томон бораркан, дам ўтмиш кунларини хотирлаб, гоҳ қоровулнинг кесатиқларини эслаб восвос бўлган одамдек беихтиёр шивирлаб қўярди: «Наҳотки, ўғрилик қилса?» Шу савол миясига игнадек санчилиб, яна юраги зирқираб кетди.

Эркин Қўчқоров толзор билан мактабни ажратиб турган тахта кўприкка етиб тўхтади. Шарқираб оқаётган сувга бир дам тикилиб, салқин ҳаводан тўйиб нафас олди. Мажнунтол новдалари сув бетини сийпалар, ниначилар қамишдан-қамишга учиб-қўниб юрар эди.

— Нима ишингиз бор эди, деб бир оғиз сўрамайсан ҳам!

Бола отасидан бундай гинахонлик оҳангидаги саволни кутмаган эди. Вужудига таралган енгилликдан эркин тортиб, энсасини қашлаб қўйди. Индамади.

— Юравер-чи, қани.

Улар олдинма-кейин бориб, толзорни оралаб ўтган хиёбонга кирдилар. Намчил майдонга бир ҳовуч кумуш сочиб юборилгандек танга-танга офтоб тушиб турарди. Дарвозадан чиқиб, катта йўлга бурилганларида:

— Ота, айтаман, деб ҳали ҳам айтмадингиз-ку?— деди Ўлмас малолсиз эркаланиб.

— Ҳа-я. Колхоздан от беришди. Бориб шуни олиб келишимиз керак.

— Эҳ-ҳ, сизни қаранг-а!— Ўлмас қувончдан ҳовлиқиб, отасининг енгидан ушлаб олди.— Нимага аввалроқ айтмадингиз? Ман бўлсам...

Ўғли ҳозир «Ота, уйда юган бор», дейиши керак. Йўқ, индамади. Демак...

«Бекор шошилибман,— дея ота ўзини койиди.— Мактабга келиб, дарсидан қолдириб... Яхши бўлмади. Кутишим керак эди. Хаҳ, хом сут эмган банда-я!»

— Сен ақлли, катта йигитсан-ку, ўғлим. Бизларни уялтирадиган, ўзинг хавотир оладиган иш қилмайсан. Шундайми? Нима дединг?

Ўлмас отасини яхши кўрар, шу билан бирга ундан ҳайиқар ҳам эди. Тасдиқ маъносида шоша-пиша бош иргади:

— Ҳа.

— Терларингни артиб ол.

Ўлмас пешанасига тушиб турган бир тутам сочини бармоқлари билан ёнига тараб, манглайини артди. Сўнг отасига меҳр билан тикилиб, бундан кейин яна ҳам ақлли бўлишга ичида қаттиқ аҳд қилди. «Энди отимиз ҳам бор!— У ўзини худди кинодаги каби яйдоқ от устида учиб бораётгандек тасаввур қилиб, энтикиб қўйди.— Куррам ҳам бор. Маза! Отам... отам яхшилар!»

Ота-бола йўл бўйидаги ариқчани ёқалаб боришарди.

Ўлмас атрофига завқланиб боқди. Йўлнинг нариги томонида, бозорнинг қўштавақали дарвозаси ёнидаги симёғочга бири кулранг, иккинчиси қорамтир иккита эшак боғлаб қўйилибди. Дарвозанинг кунботарида эса баланд қўрғон ҳайбат билан кўзга ташланади.

— Ота, анавини қаранг!— деб Ўлмас кулранг эшакнинг қизил гиламдан тикилган тўқимига ишора қилди.— Зўр экан-а! Куррамга ҳам шундай тўқим олиб беринг.

— Аввал отга эгар олайлик-чи.

— Ота, қанақа от беришди?

— Бригаданинг молхонасидаги-чи, сариқ той?

— Э-ҳа, саманними?

— Ҳа-да! Сен қайсинисини деб ўйловдинг?— Эркин Қўчқоров ўғлининг чақнаётган кўзларида шумлик ва ҳадикдан заррача ҳам аломат сезмади. Аммо ўзини андак ноқулай сезаётган бўлса-да, бари бир, гапни узоқдан бошлади.— Мактабга киришимдан бурун тоғангникига бордим, юган сўраб. «Юган йўқ», деди тоғанг. Қаердан бўлса ҳам юган топишимиз керак, ўғлим.

Ўлмаснинг юраги бирдан шув этиб кетди. Лекин сир бой бермай, одимини секинлатди. Бироқ отасини хафа қилиб қўйишдан хавотирланиб, фикридан қайтди. «Эҳ-ҳ, каллаварам! Саман-ку, бари бир ўзимизники бўларкан. Бекор олган эканман-да! Шу... курра ҳам...»

Курраси кўзига кўриниб кетди. Бултур куз кунларининг бирида эрталаб мактабга шошилганча ҳовлидан чопқиллаб чиқдию дарвозанинг соявони остида жунжикиб турган почалари чўпдек бир хўтикни кўрди. Раҳми келиб, устидаги қорни қоқди, оғилга олиб кириб боғлади. Кечқурун ёвондан қайтган отаси қовоғини солиб хўмрайди. Онаси «Совуқдан ўлиб кетади-ку, увол эмасми? Эгаси чиқ-

қунча тураверсин», деганидан кейин индамади.

Курранинг эгаси топилмади. Ўлмас қиш бўйи уни боқди. Баҳорда тўқим босди. Курра бошқани ёнига яқин ҳам йўлатмайди. Ўлмас уни миниб, ҳафтада икки-уч марта сигир-бузоқларига ўт олиб келади.

Ўтган куни молхонага борганида устундаги гулмихда осиғлиқ турган юганга кўзи тушди. Садаф мунчоқлар қадалиб, ипак попуклар тақилган сўлиқ жуда чиройли эди. Ҳаваси келиб, куррасига тақиб кўрди. Сал каттагини айтмаса, жуда ярашиб тушди.

— Эрдон бобо, бу юганингизни беринг. Зўр экан!— деди қаноргa кўмкўк йўнғичқадан жойлаётган қоровулнинг ёнига келиб.— Сизга отамдан пулини олиб бераман, ҳайми?

— Қўй жойига! Саманники у.

— Яхшиликча хўп, денг, Эрдон бобо!— Ўлмас ёлғондакам пўписа қилди.— Бермасангиз, бари бир ўғирлаб кетаман! Мана, кўрасиз!

— Иби-и, кўрасизмиш-а!— дея ўдағайлаб ўрнидан турди қоровул.— Нонингни нун, деб юрибсану нимани кўрамиз?! Бурнингни арт аввал, мишиқи.

— Бурним билан сизнинг ишингиз бўлмасин.

— Қани, ҳозир жойига қўй-чи!

Ўлмас қоровулга хўмрайиб қаради. Кўнглида ундан боплаб ўч олмоқчи бўлди: «Кўрамиз!»

— Ана, ҳай, қўйдим.

Бироқ ўч олиш истаги борган сари кучаярди. Боз устига сўлиқ чиройли эди...

Қўққисдан отаси яна сўз қотди. Бола дафъатан нима гаплигини англолмай қошларини чимирди.

— Нимага индамайсан? Юган йўқми уйда, деяпман?

— Қанақа юган?— Ўлмас гарангсиб бош чайқади.— Йўқ. Яна билмадим лекин...

— Ҳм-м, билмадим, де?

Орага жимлик чўкди. Олдинда сарбозор майдони кўринди. Майдон теварагида магазинлар, почта ва чойхона бир-бирига туташиб кетган. Анҳор лабида уч-тўрт ўспирин тарвуз еб ўтирарди.

Ўлмас чанқаганини ҳис этди, қуруқшаган лабларини ялади. Тўсатдан: «Отам билган бўлса-я?— деган фикр хаёлига келдию юрагига ғулғула тушиб, бўғинлари бўшашди.— Айтсам, «Нимага ҳозиргача айтмадинг, нимага олувдинг?», деб ура кетса... Айтмасам... Эҳ-ҳ!»

Нимдош дўппи устидан белбоғини салла қилиб ўраган, калта мўйловли қовунфуруш Эркин Қўчқоровга салом бериб, қовунга таклиф қилди. Отаси бошини қимирлата-қимирлата раҳмат айтиб, қадамини тезлаштирди.

Ота-ўғил тор кўчага бурилдилар. Дарвозаларининг соявони йўл бошиданоқ кўриниб турарди. Ҳовлига кираётганларида отаси бир зум тўхтаб, ўғлига тикилди:

— Сен ҳозир тўғри амакингникига бор. «Отам айтдилар, қаердан бўлса ҳам битта юган топиб бераркансиз», де.

Ўлмас портфелини негадир қўлтиғига қисиб, отасининг кўзларига жавдираб қаради-да:

— Ота, уйда юган бор!— деб юборди ва бирдан ўзини енгил сезиб, дадил қўшиб қўйди:— Саманнинг юганини уйга келтириб қўювдим.

— Қойил!— деди ота ажинлари тиришиб кетган пешанаси, юзларини ишқалаб, чўзинчоқ чаккасини сийпаларкан.— Қани юр-чи.

Ўлмас қўрқиб кетди. Отасининг гап оҳангидаги аллақандай аламзада хотиржамлик уни туйқусдан ваҳимага солди.

Эркин Қўчқоров ҳовлига аллақандай мунғайиб кирди.

Хотини олма соясида пахта саваб ўтирарди. Эрининг авзойини кўрдию қаттиқ хафалигини дарров фаҳмлади. Савағич кўтарган қўли ҳавода муаллақ қолди. Орқада судралиб келаётган ўғлига кўзи тушиб, баттар ҳайрон бўлди:

— Ҳа, отаси?

Эркин Қўчқоров хотинига хомуш қаради, индамади.

— Сен нимага дарсингни ташлаб келдинг?— деб сўради онаси ўғлига юзланиб.

— Отамга колхоз от берибди.— Ўлмас шундай дея портфелини кигиз четига қўйиб, боғ тарафга йўналди.— Бориб шуни олиб келар эканмиз... Саман той.

Дилором опа ўғлининг қандайдир гуноҳ қилганини англади. Коп-қора кўзлари жавдираб, эрига тикилди: «Айтсангиз-чи, нима бўлди?»

— Ўғлинг бригаданинг молхонасидан юган ўғирлабди.

— Иби-и, мен ўлай!— Дилором опа шоша-пиша бош чайқади.— Қўйинг-э! Ҳамма айтса ҳам, бу гапни сиз айтманг. Менинг болам мундай қилмайди. Агар шу рост бўлса, ўзим этини ерман!

Хотинининг куйиниши Эркин Қўчқоровнинг тутаб турган аламига гугурт чақди. Кўзларига қон тепди. Дилором опа лабини қимтиб, бошини яна сарак-сарак қилди. Товуши қалтираб:

— Ўлмас, чой ичасизми?— дея эрига ялина кетди.— Бир пиёлагина чой ичинг, зора мундай.. Ўзингизни босинг, астағфирулло, денг.

— Ақл ўргатма!— Эркин Қўчқоров хотинига қўл силтади.— Қани, уйга кир. Тур ўрнингдан!..

— Сезувдим, ўзим сезувдим-а...— Хотини нари сурилиб, безиллади.— Зор қолгур чап қовоғим учиб турувди. Ўлмасжон, болани урманг лекин, қарғайман. Мен ўзим ураман уни. Сиз урманг. Худо кўрсатмасин, бир таёқ — бахт, бир таёқ бадбахт. Бирон жойи синиб-нетиб, гулдай бола...

— Э-э, турсанг-чи кўп жаврамай. Тур, дейман!

Хотини савағичларни олиб, жойидан каловланиб қўзғалди. Қандайдир илинж билан ён-верига аланглади, эрига қаради. Кейин калишини оёғига пойма-пой илиб, уйга кирди-да, эшикни тарақлатганча зичлаб беркитди.

Ўлмас сўлиқни қўлида осилтирганча кўтариб келди. Эркин Қўчқоров тишларини ғижирлатди: «Қайтиб бировнинг нарсасига кўз олайтирмайдиган қиламан!»

— Ҳе-э, омон бўл-э. Қани, бер-чи!

Ўғли яқинлашиши билан ота унинг



Расмни Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ чизган

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

СЎНМАС ЖАСОРАТ МАДҲИ

Бепоён Ватанимиз тинчлигининг посбони — шавкатли Совет Қуролли Кучларининг беором, жўшқин ҳаёти, жанговар фаолияти бадиий ижоднинг турли соҳа намояндалари учун ҳамиша муқаддас ва илҳомбахш мавзу бўлиб келмоқда. Шонли Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти жангчиларининг гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларидаги тенгсиз матонати, авлодларга ўрнак жасорати, ҳозирги кунда эл-юрт осойишталиги йўлида кўрсатаётган фидокорлиги истеъдодли санъаткорларимизнинг ғоявий-бадиий юксак асарларида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг турли бўғинга мансуб намояндалари ҳам мўйқалам тили билан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини ёритишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Моҳир мўйқалам усталари яратган асарлар ёшларда юксак ватанпарварлик туйғуларини ўстириш билан бирга уларни жасорат ва қаҳрамонликка илҳомлантиради. Кекса авлоднинг бу асарларда ўз ифодасини топган шонли ишлари муносиб ворислар қалбида иккинчи умрини давом эттиради.

Улуғ Ватан уруши воқеалари ифодаланган ҳайкалтарошлик асарлари яратган рассомлар ижоди халқимизга айниқса манзур бўлмоқда. Кейинги йилларда барпо этилган кўпгина ҳайкаллар қаршисида ёш солдатларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиши эзгу анъанага айланиб қолди. Қисм музейи, офицерлар уйи каби маданият даргоҳларидаги санъат асарлари, турли мавзулардаги плакатлар жангчиларда ҳарбий хизмат моҳиятини чуқур англаш ва уларнинг эстетик савиясининг юксалишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги давр шароитида армиядаги ғоявий-тарбиявий ишлар тасвирий санъат асарларидан кенг фойдаланган ҳолда, санъаткор зиёлиларнинг ижодий меҳнати натижаларига таяниб амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳарбий қисмлар ва маданият муассасаларининг рассомлар билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги йилларда тасвирий санъат усталари замондош-жангчи образига тез-тез мурожаат этмоқдалар. Республикамизнинг Р. Аҳмедов, В. Петров, А. Абдуллаев, П. Мордвинцев, В. Ғафуров, П. Уфимцев, А. Мирзаев, В. Нечаев каби мўйқалам соҳиблари ижодида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуининг турли қирралари теран ва мазмунли очиб берилаётганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу хусусият тасвирий санъатимиз инсоннинг ички дунёсини очишга алоҳида эътибор бераётганини, совет кишиларининг маънавий гўзаллиги юксалаётганини кўрсатади. Шу билан бирга ҳозирги замон армия ҳаёти тасвирий санъатда ҳарбий турмушнинг барча жиҳатлари билан ҳар томонлама ўз ифодасини топмоқда, деб айтиш қийин. Чунки кейинги йилларда ўтказилган республика миқёсидаги бадиий кўргазмалар шундан далолат беради.

Совет жангчиларининг образлари акс эттириладиган асарлар ғоявий-бадиий жиҳатдан жозибали бўлибгина қолмай, уларда масъулиятни чуқур ҳис этган ва сергак ҳолда бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг жасоратга тўлиқ, мураккаб ва беором ҳаёти барча қирралари билан ўз ифодасини топиши керак.

Тасвирий санъатнинг турли жанрларида ижод қилувчи рассомлар ҳарбий турмуш тароналарини куйлаш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар: бизгача яратилган ажойиб анъана, бой ҳаётий материал ҳамда бу хил асарларга нисбатан юксак талаб ва қизиқиш мўйқалам соҳибларига мустаҳкам асос бўла олади.

сочига чанг солиб, бирдан пастга босди. Бола «Во-аҳҳ!», дедию мункиганча тирсакларига таяниб қолди. «Сочимни кесиб ташласалар керак», деб ўйлади у. Бир марта «Байкал» чекиб қўлга тушганида отаси уни савалаб ўтирмай, сочини шартта кесиб ташлаган, «Сочинг асл ҳолига келгунча гуноҳингни ҳам, жазони ҳам эслаб юрасан», деган эди. У эса сартарошга бориб, сочининг қолганини ҳам устарада қирдирган, кейин то ўсиб кетгунига қадар жўраларидан уялиб-пусиб юрган эди. Аттанг, айтмаса бўларкан...

Бахтига отаси бу сафар сочини кесиб ташламади. Сўлиқ елкасига чирмашганда кўзларидан ўт чақнаб, қичқириб юборди:

— Ота-а!..

Аммо шу заҳоти тишини-тишига босди. Бундай пайтда йиғласа, ёлворса, отасининг баттар жазаваси тутиб, «Терингни шилиб олсалар ҳам миқ этма, демовдимми?», деб яна қаттиқроқ уришини яхши биларди.

— Ахир, мени шарманда қилдингку!— деб бақирарди отаси.— Яна тўрт йилдан кейин сен эшак, мактабни битирасан. Одам бўласан, девдим. Ахир, қип-қизил ўғри бўлибсан-ку! Яна ўғрилик қиласанми, яна мени алдайсанми?

«Йўқ, ота!— дея унсиз нола қиларди Ўлмас тўлғаниб.— Йўқ... Ўзи «Мишиқи!», деди, «Кўрамиз», деди. Кейин... Лекин сиз... Сиз мени алдадингиз!»

Қулоғи остида онасининг фарёди эшитилди:

— Эй, мусулмон, бўлди, энди! Ҳозир дод солиб, бошимга халойиқни тўплайман!

— Ўчир овозингни!— Эркин Қўчқоров хотинига сўлиқни ўқталди.— Йўқоласанми ё...

Хотини қўрқиб орқасига тисланаркан, деразага урилиб кетди. Ойна чил-чил синди. Она аламига чидаёлмай, заҳрини ўғлига сочди:

— Ҳаҳ, чалпаккинангни ей, Ўлмасжон! Бўйинг ўсмай, муртинг чиқмай мени не кўйларга солдинг! Сенгинани туғмай ўлай!— Она ўғлининг сассадоси чиқмаётганидан ваҳимага тушиб, бир зум донг қотиб қолди, кейин эрига ўдағайлади:— Тилаб олган болагинамни нима қилдингиз? Одаммисиз, ахир?

Эркин Қўчқоров «Нима бало, ақлдан озганми бу?», дегандек серрайиб турарди. Хотини «Ҳозир кириб мени савалайди», деган ўйда ув тортиб, деразадан нари қочди.

— Бундан кўра осинг, ўлдиринг!— дея уйдан йиғи аралаш овози эшитилди хотинининг:— Ахир, мен — онаман!

— Осаман!— деди ота тутақиб.— Бундай ўғри ўғилнинг менга кераги йўқ! Юр буёққа!

Ўлмас оғриқдан афтини буриштирганча ўрнидан тураётиб, уйга мўлтираб назар ташлади: онаси кўринмасди.

«Ростдан осса-я?..— Ўлмас ўзича фикр юритиб, кўнглидан ўтказди:— Бари бир чидайман!» Тасаввурида кино қаҳрамонларини гавдалантирди. Дафъатан кўз ўнгига михбанд қилинган Спартак келди. «Бунга ҳам чидаса бўлади», деб қўйди ичида ва олдинда бораётган отасига зимдан назар ташлади.

Эркин Қўчқоров хўтик боғлиқ турган охур тепасидаги йўғон арқонга ишора қилди:

— Ё тавбангга таянасан, ё қўлимда ўласан, бола!

Ўлмас чурқ этмади.

Бирдан қулоғига онасининг ситамзада овози эшитилди. Бошини кескин кўтарди: рўмоли елкасига сирғалиб тушган онаси оёқ яланг чопиб келарди.

— Болагинамни қаёққа олиб кетяпсиз? Э, ўт тушсин юганига! Ўғлим...

— Қайт-э!— Эркин Қўчқоров афтини буриштириб, сўлиқни силкитди.— Э, сени ўша...

Дилором опа жойида тўхтаб қолди. Ёшли кўзларида ҳасрат билан ўғлига термилди-да:

— Ўт, уйга кир!— деб кўзларини этагига артди.— Нимага серрайиб турибсан?

— Йўқ, уйга кирмайди!— деди ота чўрт кесиб.— Бундай ўғри ўғилнинг баҳридан ўтаман. Сумкангни ол!

Дилором опа яна эрига қараб жавдиради. Ўлмас эса, анграйиб авval онасига, сўнг отасига тикилди.

— Орқамдан юр!

Дилором опа баланд супа лабига мажолсиз ўтириб қолди.

«Қаёққа?» Бу савол Ўлмаснинг миясини пармаламоқда эди. Сарбозор майдонидан ўтгунларича на отадан, на боладан садо чиқди. Одамлар кўзидан узоқлашгач, бола сабри чидамай сўради:

— Қаёққа кетяпмиз?

— Мактабга.

«Мактабга?!»

Ўлмаснинг кўнгли ғаш бўлди:

— Яна бир соатдан кейин дарс тугайди-ку?

Жуда соз. Чаққонроқ юр!

Эркин Қўчқоров ариқчадан сакраб ўтди-да, одимини тезлаштирди. Ўлмас ҳадиксираб, қадамини сусайтирди.

— Мактабда нима қиламиз?

— Борганда биласан.

Ўлмас турган жойида ҳайкалдек қотди.

— Мактабдаги ҳамма ўқувчиларни йиғдираман-да, «Мана бу юганни Ўлмас бригаданинг молхонасидан ўғирлаб қочган», дейман. «Шунча урдим, сўкдим, ҳатто осмоқчи ҳам бўлдим, лекин тавба қилмади. Энди жазосини сизлар беринглар», дейман. Қалай, тузукми?

Ўлмаснинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди.

— Ҳа, нимага тайсаллаб турибсан?— Эркин Қўчқоров уни қочмоқчи, деб ўйлади-да, ўз карамотидан қаноатланиб, овозига шиддатли тус берди.— Олдимга туш!

Ўлмас қирғоқларида сув ўтлари ўсиб ётган ариқчанинг бу бетида турарди.

— Ота, анави ердан ўтаман,— деди хокисорлик билан.— Бу ер кенг экан.

Ўлмаснинг кўз олди хиралашиб, бирдан ёришди. Ана, юлдузча тақкан болалар: «Қоч, ўғри келяпти!», деб бармоқ нуқиб уни кўрсатишмоқда, ана, синфдош қизлар ўғринча ҳиринглашиб кулишаётибди; ана, жўралари ўзаро қош қоқишмоқда; ана, кулча юзли қиз... Тўсатдан портфелини ерга отиб ургиси келди. Боя: «Ҳар қандай оғир қийноққа чидаса бўлади», деб тусмоллаган эди. Аммо бунга... йўқ!

Атрофга илтижо билан маъюс аланглади. Катта кўча кимсасиз. Бозор дарвозаси ёнидаги симёғочга боғланган бояги эшакларнинг фақат биттаси — қораси итпашшага таланиб, бетоқат депсиниб турарди. «Арқонини узиб шартта қочса-ку...»

«Қочса...— Ўлмас қандайдир савқи табиий сезги туйғусидан қўл ва оёқларининг пайлари таранглашаётганини ҳис этиб, отасига қаради. Отасининг қўлидаги сўлиқ кўзига илондек совуқ кўринди, ижирғаниб, кўзини қўрғон тарафга олиб қочди. Тепасида гуллаган янтоқлар қирмизи тусда ловиллаётган баланд қўрғон ягона паноҳдек туюлди,— Қўрғонга!»

Отасига яна бир разм солиб, дарвоза остидан ер бағирлаганча эмаклаб ўтди-да, орқа-олдига қарамай югурди, бир зумда бозорнинг қўрғонга туташиб кетган пастак деворига етди. Ундан ҳам ошиб, юқорига ўрлаган қумлоқ сўқмоққа интилди.

Ҳаво дим. Қўрғоннинг қаққайиб чиққан кесаклари гўё аланга пуркайди. Бирпасда жиққа терга ботди. Сўқмоқнинг ярмига етганда тўхтаб, ортига қаради. Ҳеч ким йўқ. Ҳамма нарса муаллақ қотиб қолгандек жимжит. Тепага назар ташлади.

Қўрғонга чиқасолиб оёқларининг учига кўтарилди, бўйнини чўзиб, отасини кўришга уринди, кўролмади. Қувраган ўт босган ёлғизоёқ йўлдан югурганча дўнгликка ўтди. Бозор ва ҳовлиларнинг деворлари кўчани тўсиб қўйган. У отасининг изига қайтган-қайтмаганлигини билмоқчи эди. Ҳафсаласи пир бўлиб, атрофига хушлар-хушламас кўз югуртирди. Янтоқлар орасида калтакесаклар шитирлаб ўрмалар, чигирткаларнинг тип-тип сакрагани эшитилар эди.

Ўлмас оёғи остидаги тошларни териб отиб ўйнарди. Портфелини боши тагига қўйиб, узала тушиб ётди. Осмон. Булутлар... «Қани энди, шу оппоқ булутларга учиб кетсам», деб ўйлади. Отаси орқасидан ёлвориб, елиб юрса... У эса борган сари баланд-баланд учиб кетаверса...

Тандирдек қизиган ер мўматалоқ елкасини куйдирди. Қаддини ҳорғин тиклаб, тиззаларини ўйчан қучоқларкан, юрагига бир увишиқ кирди. Бўғзига оташдек хўрсиниқ тиқилди.

Тап-туп оёқ товушлари қулоғига чалингандек бўлди. Ўлмаснинг кўз олди қоронғилашди... Эгнида сурп яктак, ялангтўш қоровул шу томонга келмоқда эди. Қоровулнинг бўйи бирдан чўзилиб, боши осмонга тиралгандек бўлиб қолди. Бўм-бўш кенглик. Баланд осмон. Тубсиз фалак қаъридан қулоғига унинг овози гумбурлаб эшитилди: «Ҳа, ўғри! Ўтирибсанми?»

«Ўғри?!— деб шивирлади Ўлмас.— Ўғри эмасман».

«Юган қани?»

«Кўрамиз!», девдим-ку!»

«Кўрдик...»

Акс садо сўнди. Ўлмас кўзларини бир юмиб-очди-да, ўрнидан туриб, боя келган йўлига қараб югурди. Лекин энди қаёққа оқишаётганини билмасди.

Бухоро

В. ҒАФУРОВ. ТАҲЛИКАЛИ БАҲОР.



Рахмонов. ФРОНТЧИЛАРГА СОВҒА.

В. Петров. ЗИРҲ ВА ГУЛЛАР.

Ш. АБДУРАШИДОВ. ВАТАН ҲИМОЯСИДА.





А. МИРЗАЕВ. СОЛДАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ.

Машраб БОБОЕВ

МЕН БИЛГАН СИР...

Иссиққўл

Иссиққўл, турибман сенга юзма-юз,
Бир сену бир менман, ўртада зот йўқ.
Сатҳингни қамрашга нигоҳим ожиз,
Чиндан улуғворсан, чиндан ҳам буюк.

Табиатинг ювош, мавжинг ҳам майин,
Пойимга беозор бош қўясан сен.
Ахир, қирғиз юрти бўлгандан кейин
Табиатинг юмшоқ бўлмай на қилсин!

Гоҳида оқ ёлли тўлқинларинг бор,
Тойчоқдек ўйноқлаб қилади пойга.
Буни англамоқ ҳам эмасдир душвор:
Ҳаёт сўнар ахир туғён йўқ жойда!

Сен эса ҳаётсан минг йиллар оша,
Яна туражаксан минг йиллар қадар.
Фақат асрим сенга шафқат айласа,
Жисмингдан айириб қўймаса агар.

Пўртана мисолдир унинг шиддати,
Унинг шиддатига дош бериш қийин.
Нимаки дуч келса юлқиб кетади,
Яхшими, ёмонми — ўйлайди кейин.

Бу гапим шаккоклик эмасдир асло,
Мен ҳам шу асрнинг бир фарзандиман.
Лекин бериб бўлмас ўзгача баҳо,
Ўйнашиб бўлмайди ҳақиқат билан.

...Қайга қочиб кетди ўйларим менинг?
Ўзим-ку турибман рўпарангда лол.
Ҳа, сен маконисан фикр, туйғунинг,
Сен яна хаёлсан, бепоён хаёл!

Нега қиёфангга чўкиб қолди мунг?
Нега ёпди қора чодирин қайғу?
Бепоёнлик даъво қилмоғинг учун
Тўсиқ бўлган тоғлар залворими бу?

Тақдиринг ғалати, Иссиққўл, чиндан,
Гирди теварагинг — тоғ дуркун-дуркун.
Улар сенга ҳаёт бергани билан
Йўлингни ҳам тўсиб қўйган-да бутун!

Балки, шунинг учун урарсан туғён,
Ўзингга йўл очиб олмоқчидирсан?
Эркдир қалбингдаги энг буюк армон,
Бошқалардай **денгиз** бўлмоқчидирсан?

Чорасиз кўринар аҳволинг гарчанд,
Хайрихоҳликларим, билгил, сенгадир!
Зое кетмагай-ку ҳеч бир ҳаракат,
Ажрсиз қолмас-ку ҳеч нарса, ахир!

Кичрайиб борарсан гарчи йилма-йил,
Туғёнинг бирор дам тинмайди лекин.
Денгиз бўлгинг келар, очинг келар йўл,
Тақдирга тан бермоқ истамайсан сен.

Мана шу туғёндир сенинг қудратинг,
Бу қудратинг асло кўрмагай завол.
Армонсиз денгизлар келмас сенга тенг,
Улар ҳавас қилар сенга, эҳтимол!

Қайтар чоғим энди, таъзимда бошим,
Армонинг, туғёнинг билан омон бўл.
Доимо ниятинг бўлсин йўлдошинг,
Денгиз бўл, гувилла, ҳайқир, Иссиққўл!

Одамларнинг менга муносабати

Гар саноқли бўлса-да, беш-олтита дўстим бор,
Ўртадаги меҳрга ҳамма қилади ҳавас.
Лекин улар эл аро мақтамас мени зинҳор,
Андиша деган гап бор — мақташи мумкин эмас.

Ўзимга ярашадир душманим ҳам — бир талай,
Ўпишиб кўришамиз, гўё адоват абас.
«Ёмонсан» деган сўзни меҳри эмас, ҳар қалай,
Номардлиги туфайли айтиши мумкин эмас.

Мени яхши кўради бу дунёда бир аёл,
Лайлию Зуҳролар ҳам унга келолмагай бас.
Лекин, «Яхши кўраман», деёлмайди бемалол,
Сабабини биласиз... Айтиши мумкин эмас.

Бошқа эшитган барча яхши-ёмон гапларим
Уринсам-уринмасам — қизиқтирмайди зарра.
Дўстим ҳам, душманим ҳам, кейин... ўша дилбарим
Менга муносабатин айтса дейман баралла.

* * *

Умримизда бир маёқдир,
Жонимиздан азизроқдир,
Лекин тоғдир, зил бир тоғдир
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Қилоламан на мен хитоб,
Бероласан на сен жавоб,
Сенга азоб, менга азоб —
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Сенга қийин, менга қийин,
Ололмаймиз бир лаҳза тин.
Чирпиратар мисли қуюн
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Юрагингда ҳадик, ҳайҳот,
Кўзларингда ўтинч, фарёд,
Таъқиб этар мисли сайёд
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Аслида-ку, қочмоқ нечун?
Нажот йўли беркдир бутун.
Охир бир кун қилар тутқун
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Сохталикка буриб юзни,
Ўзимиздан қочамизми?
Тўғри таъқиб этар бизни
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Гар бенаво муҳаббатдир,
Гар аламдир, гар кулфатдир,
Ўзимизнинг мулк-ку, ахир,
Сен билган сир,
Мен билган сир!



Уй

— Савлатинг бор, лекин салобатинг йўқ,
Бўёғинг тоза-ю, чиройинг сўниқ.
Гўёки вужудинг армонга тўлиқ?..
— Эгам чироғимни ўчириб кетган...

— Мунғайиб турасан бенаво, беҳол,
Сўқир ва сўққабош бир кекса мисол.
Айтгин, нималарни англатар бу ҳол?
— Эгам чироғимни ўчириб кетган.

— Гўё фарзандига зор онаизор,
Гўё ёр йўлига интиқ вафодор,
Сенинг ҳам недандир бир илинжинг бор?..
— Ҳамма бахтин кутар, кутаман мен ҳам.

— Ё ажаб! Уйнинг ҳам бахти бўларми?
Бундай мўъжизани биров биларми?
Бор бўлса, айт қани, қачон кулар у?
— Келиб чироғимни ёққан кун эгам!

Олисдаги чироқ

Олисдаги чироқ, бормисан — шукур,
Ҳориган йўловчи учун умидсан.
Менга ҳам ҳаёт бахш этдинг неча қур,
Жоним чиқсин агар буни унутсам!

Олисдаги чироқ, лекин сен бугун
Менинг юрагимни умид эмас, йўқ,
Ғуссага ғарқ этиб қўйдинг-ку бутун,
Ғуссаки, уммондай бепоён, буюк.

Олисдаги чироқ, айт, нима учун
Бугун чорламадинг мени олдинга?
Орқага итқитиб ташладинг нечун?
Қадрдон уйимни солдинг ёдимга.

Олисдаги чироқ, сен у маҳаллар
Она хонадонда порлаб турардинг.
Мен санқи тентираб, ҳолдан тойсам гар,
Милтиллаб, куч бериб, чорлаб турардинг.

Олисдаги чироқ, у пайт бой эдим,
Бор эди ёшлигим ва ҳамма нарсам:
Топинар масканим — қадрдон уйим,
Сиғинар одамим — отам ва онам.

Олисдаги чироқ, булар ҳаммаси
Ўтмиш бўлиб кетган энди мен учун.
Ўзга хонадонда милтиллайсан сен,
Ўзга манзилларга чорлайсан бугун.

Олисдаги чироқ, мунгли хотирот...
Қайғу-ғуссага ғарқ бўлса-да бир қур,
Одам ўтмиш билан яшамас бироқ...
Олисдаги чироқ, бормисан — шукур!

ИМКОНИЯТЛАР ЧЕКЛАНГАНМИ?

Бундан икки-уч йил бурун шаҳар ва қишлоқлардаги дўконларда мол ва қўй гўшти каноралрда осиғлиқ турарди, нархи ҳам арзон бўларди. Нега ўша дўконлар бугун бўш, тахчил, гўштнинг бозор нархи кўтарилиб кетаётибди? Аҳолининг гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш учун қандай тадбирлар кўрилмоқда? Гўшт танқислиги узоқ давом этадими?»

Ана шундай саволларни тез-тез эшитиш мумкин. Ваҳоланки, республикада чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида тўққизинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштириш йилига 1,3, сут қарийб 1,5, тухум етиштириш эса 1,8 бараварга ошганини эсласак, бу масалага қанчалик жиддий эътибор берилаётгани, чорвачилик жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Хўш, чорвачилик шу қадар ривожланаётган, маҳсулот етиштириш кўлами ошаётган бўлса, нима сабабдан гўшт етишмаслиги бартараф қилинмаётир, деган савол туғилади. Гап шундаки, аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига эҳтиёжи тинмай ортиб бормоқда. Умумий овқатланиш тармоқлари ва муассасаларида ҳам гўшт олдинги беш йилликдагига нисбатан кўп ишлатилмоқда. Шунинг учун гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш йил сайин кўпаяётгани ҳолда чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси тез ўсиб бораётган эҳтиёжларга жавоб беролмай қолмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати партиямиз XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва Ноябрь пленумлари қарорлари ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқ ва докладларидан келиб чиқадиган вазифалар, йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда иш кўриб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг янги резервларини ишга солиш асосида 1979 йили 275 минг тонна гўшт, 845 минг тонна сут ва 900 миллион дона тухум етиштириш тадбирларини белгилаган эди. Натижалар бу мўлжалнинг амалий эканини исботлади.

Кейинги йиллар тажрибаси республикамизда чорва маҳсулотлари, айниқса, гўшт етиштиришни кўпайтиришда ишга солинмаган имкониятлар борлигини кўрсатди. Саноат асосида ривожланаётган чорвачилик — хўжаликлараро бўрдоқичилик базалари, йирик комплексларнинг барпо этилиши, озуқа цехларининг кўплаб ишга туширилиши, зотчилик ва наслчилик ишларига эътибор кучайтирилганлиги, чўчқачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчиликнинг тез ривожланаётганлиги гўшт етиштиришни яқин йилларда тубдан яхшилаш имконини беради.

Илғор хўжаликлар ва районлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI ва XIV пленумлари қарорларига мувофиқ чорвачилик тараққиётини тезлаштириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ғиждувон районининг чорвадорлари 1985 йилда 1978 йилга нисбатан гўшт етиштиришни 2,7 марта, сутни, 1,6 марта, тухумни 1,8 марта кўпайтириш ва айни вақтда молдорчиликни ривожлантириш, ўз эҳтиёжларидан ташқари, хўжаликларга ва аҳолига жўжа сотиш учун мўлжалланган инкубаторлар қуриш борасида ҳам катта тажриба тўпладилар. Айни пайтда 16 бўрдоқичилик хўжалигида 5 минг қорамол, 5 минг қўй, 19 товуқхона ҳамда ёзги айвонларда 120 минг парранда оқилаётгани фикримизнинг далилидир. Молларни семиртириш ва сўқимга боқиш ҳисобига ҳар йили 4—4,5 минг тонна гўшт етиштираётган бўрдоқибоқарлар уч йилда аҳолидан сотиб олинган 22,8 минг бош мол ҳисобига бир неча минг тонна гўшт етиштирдилар.

— Биз парранда гўшти етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз,— дейди область Матлубот жамияти правлениесининг раиси З. Ҳамзаев.— Бу тармоқ «эртапишар» ҳисобланади. 1976 йили кооператорларимиз фермаларни сермаҳсул ва тез етиладиган жўжалар билан таъминлаш мақсадида икки инкубатор қуриб ишга туширган эдилар. Бу тармоқ нечоғли сердаромад эканини тажриба кўрсатди. Инкубаторда 330 минг жўжа очирилиб, 69 минги аҳолига сотилди. Шуни ҳисобга олиб, яна учта йирик инкубаторни ишга туширдик. Уларда очириладиган 2,5 миллион жўжанинг 1 миллионини аҳолига сотамиз.

Молларни бўрдоқига боқиш эвазига гўшт етиштиришни кўпайтиришда Андижон, Наманган ва Сирдарё областларининг кооператорлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар гўштга топшираётган қорамолларнинг тирик вазнини 400 килограммдан оширмоқдалар.

Бу — гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг ҳамма резервлари ишга солинмоқда, деган гап эмас, албатта. Колхоз-совхозларда бўлгани каби, «Ўзбекбирлашув»нинг бўрдоқичилик хўжаликларида ҳам молларни юқори ва ўртадан юқори семизликка етказмай гўштга топшириш, бўрдоқига боқиш муддатларини чўзиб юбориш ҳолларига йўл қўйилмоқда. 1978 йили гўштга топширилган қорамоллар ўртача 400 килограммдан чиққанида биргина «Ўзбекбирлашув» системасининг ўзидаёқ 5 минг тонна, республика бўйича эса 28 минг тонна қўшимча гўшт етиштирилган бўлар эди. Аҳолини гўшт билан таъминлашнинг фойдаланилмай қолаётган резервларидан яна бири мана шу.

Нега бундай бўлмоқда? Аввало комплекслар, хўжаликлараро бўрдоқичилик базалари ва «Ўзбекбирлашув»нинг бўрдоқичилик хўжаликларида меҳнат жараёни тўла механизмлашмаган, кўплари эски, ноқулай биноларга жойлашган. Яна бир қусур шундаки, машина-механизмларни созлайдиган, ишлатадиган кадрлар етишмайди.

Маълумки, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўплаб етиштириш озуқанинг етарли бўлишига, хилма-хил ва юқори сифатли озуқа мўллигига боғлиқ. Республика ҳукумати бу масалага биринчи даражали вазифа сифатида қараб, озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш, ҳосилдорликни кўтариш ва тайёрланган озуқадан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади. Кейинги йилларда озуқабоп экинлар майдони анча кенгайди, омухта ем тайёрловчи завод ва цехлар кўпайди, озуқа тайёрловчи ихтисослаштирилган бригада ва хўжаликлар зарур техника ҳамда ўғит билан таъминланмоқда. Бироқ ҳамма жойда ҳам чорва озуқаси резервларидан тўла фойдаланмоқдамиз, деб бўлмайди. Илғор хўжаликларда гектаридан 170—180 центнердан беда пичани, маккажўхоридан 100—110 центнердан дон олинаётган бир пайтда Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро областларида беда ва маккажўхори ҳосилдорлиги паст. «Ўзбекбирлашув» бўрдоқичилик хўжаликлари ва паррандачилик фермаларида гўшт резервларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Ҳозир кооператорларга ўз хўжаликларини озуқа билан таъминлаш учун 12 минг гектар майдон ажратиб берилган. Бу 1977 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп. Тўғри, ана шу майдонларнинг бир қисмини тошлоқ ва лалми ерлар ташкил этади. Андижон, Фарғона ва Қашқадарё кооператорлари ўз ихтиёрларига берилган майдонлардан омилкорлик билан фойдаланиб, чорвани таъминлайдиган даражада озуқа тайёрламоқдалар. Лекин ернинг ноқулайлиги, техника ва ўғит етишмаслигини баҳона қилиб, ҳосилни ошириш учун интилмаётган коллективлар ҳам йўқ эмас.

«Ўзбекбирлашув» бўрдоқибоқарлари 1985 йилга бориб тирик вазнда 200 минг тонна гўшт етиштиришлари учун областлар 1,5—2 минг гектар суғориладиган экин майдонига эга бўлган 4—5 тадан бўрдоқичилик хўжаликлари барпо этишлари керак. Иккинчидан, ҳозирги замон техникаси, янги механизм ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган чорвачилик бинолари, чўчқачилик ва паррандачилик фермалари қурилиши зарур. Шунингдек, кадрлар масаласи, суғориладиган ерлар, экин экадиган, ўриб-янчадиган техника воситалари ва минерал ўғитлар ажратиш муаммолари ҳам ҳал этилиши лозим.

Кооператорларнинг бунчалик кўп гўшт етиштиришлари мумкинлиги ҳақида ўйларканмиз, шундай бир савол туғилади: аҳолидан ҳар йили ўрта ҳисобда 150—180 минг бош қорамол ва қўй сотиб олиб, сўқимга боқиб сўйилаверса, келажакда молларнинг туёғи камайиб кетмасмикан?

— Бундай савол туғилиши жуда ҳам табиий,— дейди Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Муҳиддин Каримов.— Ҳар 100 бош сигирдан ўртача ҳисобда 89—90 бошдан бузоқ олинади. Агар биргина «Ўзбекбирлашув»нинг бўрдоқичилик хўжаликлари йилига 100—105 минг қорамолни бўрдоқига боқса, шубҳасиз, молларнинг туёқ сонига путур етади. Бунинг устига, шахсий ва ёрдамчи хўжаликлар, колхоз-совхозлар гўштга топширадиган молларни айтинг. Биз шуни ҳисобга олиб, район матлубот жамияти бўрдоқичилик базасида молларни семиртириш билан бирга, боқиб кўпайтириш ишини ҳам йўлга қўйдик. Келгуси йилдан 1,5 минг чўчқа ва 4 минг бош қорамолга мўлжалланган комплекслар ишга туширилади. Бошқа районларда ҳам ана шундай қилинса, наслдор ғунажин ва сигирлар боқишга қолдирилади.

Бизнингча, бу жуда тўғри йўл. Кооператорлар ҳозирча паррандани кўпайтириш ва семиртириш билан шуғулланаётган эканлар, келажакда қорамол, чўчқа ва қўй-эчкиларни кўпайтиришни ҳам йўлга қўйсалар, гўшт, сут ва жун резервлари янада ортади.

Гап гўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотларини кўплаб етиштириш ҳақида борар экан, саноат корхоналари, умумий овқатланиш тармоқлари ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳам муҳим имкониятлардан эканини унутмаслик керак. Лекин кўп ҳолларда ёрдамчи хўжаликларга фақат ўша коллективнинг эҳтиёжи учун маҳсулот етиштирадиган участка сифатида қаралади, етарли даражада ер, сув, техника, минерал ўғит ва бошқа воситалар билан таъминлаш ҳақида бош қотирилмайди, уларга зарур бўлган машина ва механизмлар ажратиш планларда ҳам назарда тутилмайди. Бу эса маълум хўжаликни ривожлантириш, коллектив аъзоларининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни етиштиришни қийинлаштиради.

— Гарчи номи ёрдамчи бўлса-да, бундай хўжаликларга иккинчи даражали, деб қарамаслик керак,— дейди Тошкент Тўқимачилик комбинати ёрдамчи хўжалигининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Абдукарим Иброҳимов.— Совхоз типидаги хўжалигимиз комбинат ишчилари, боғча-ясли ва даволаш муассасаларини сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум билан таъминлабгина қолмасдан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ҳам мослаштирилди.

980 гектардан кўпроқ суғориладиган экин майдони, 138 бош қорамол, 1000 бош чўчқа, 12 мингдан кўпроқ паррандага эга бўлган бу хўжаликда аҳвол қандай? Кейинги йиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик ўз озуқа базаси ҳисобига гўшт, сут, тухум етиштиришни яна ҳам кўпайтириш имкониятларига эга. Бироқ ишчи кучи, техника, ўғит етишмаслиги, чорвачилик бинолари қуриш ва моллар туёғини кўпайтиришга имкон йўқлиги сабабли кўпгина резервлар фойдаланилмай қолмоқда. Ваҳоланки, хўжаликда экин майдонларини 100 гектарга кенгайтириш, ҳосилдорлигини кўтариш ҳисобига катта миқдорда қўшимча озуқа етиштириш имкониятлари бор. Давлат хўжаликлари қатори қурилиш материаллари билан таъминланса, фермалардаги ишлар механизмлаштирилса, бу ёрдамчи хўжалик комбинат ишчилари эҳтиёжидан ортиқча чорва маҳсулотларини давлат савдо тармоқлари орқали аҳолига сотиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Аммо гап шундаки, ёрдамчи хўжаликларга техника ажратиш, уларнинг комплекс ва фермалари учун биноларни лойиҳалаш билан шуғулланадиган аниқ ташкилотлар йўқ. Шу сабабдан қатор муаммолар келиб чиқмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль пленумидан кейин Ўзбекистонда гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Учқўрғон Ёғ-экстракт заводи, Оққўрғон районидаги Автобус-таксомотор парки, Бухоро областидаги «Шофиркон» даволаш-меҳнат санаторийси, Қўқон ва Когон шаҳарларидаги умумий овқатланиш бўлимлари, шунингдек, бошқа кўплаб саноат корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотлари ёрдамчи хўжаликлар орқали ўз коллективларини арзон гўшт билан таъминлаш борасида яхши ташаббуслар бошладилар. Қўқон ва Когон шаҳар умумий овқатланиш бўлимлари ресторан ҳамда ошхоналардаги қолдиқ овқатларни тўплаб, моллар ана шулар билан боқиладиган бўрдоқичилик базалари ташкил этдилар. Учқўрғон Ёғ-экстракт заводида ҳашар йўли билан чорвачилик фермаси учун бинолар қурилиб, қорамол, қўй-эчки ва парранда боқиш йўлга қўйилди. Медицина фанлари кандидати Раҳматулла Камолов бош врач бўлган «Шофиркон» санаторийсида дастлаб бир неча бош чўчқа сотиб олинган эди. Ишнинг омилкорлик билан ташкил этилиши туфайли ёрдамчи хўжалик кўп ва арзон гўшт етиштириш манбаига айланди. 1978 йили санаторийнинг ёрдамчи хўжалиги ўз эҳтиёжидан ортиқ 37 тонна гўштни давлатга сотди. Етиштирилган ҳар бир килограмм гўштнинг таннархи 98 тийинга тўғри келди. Бугунги кунда санаторийнинг ёрдамчи хўжалигида 600 бош чўчқа, 10 бош сигир ва 1000 дан кўпроқ парранда боқилмоқда.

Ана шу тажрибалар барча министрликларнинг корхона ва муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш йўли билан озиқ-овқат балансидаги гўшт, сут ва тухум танқислигига барҳам бериш мумкинлигини кўрсатмоқда. Лекин бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муҳим бир муаммо бор: ёрдамчи хўжаликлар ҳозиргача ўз фермаларига қорамол, қўй-эчки, чўчқа ва паррандани асосан бозордан сотиб олмоқдалар. Бу, аввало, қимматга тушади, қолаверса, бозордан ҳамма вақт ҳам зотли ва наслдор моллар сотиб олиш имкони бўлавермайди. Ўша ташкилотлар жойлашган территориядаги хўжаликлар бу ишда кўмакларини аямасликлари керак. Ёрдамчи хўжаликлар учун учқўрғонликлар тажрибаси асосида ҳашар йўли билан молхоналар қуришни оммалаштириш фойдалидир. Шунинг учун кооператорлар зотли молларни кўпайтириш билан ҳам шуғулланса-лар, ёрдамчи хўжаликларни давлат хўжаликлари, колхозлар умумий харид нархида зотли бузоқлар ва қўй-эчки билан таъминлаб турсалар, айни муддао бўларди. Ёрдамчи хўжаликларни озуқабоп экин майдонлари билан таъминлаш, уларнинг эҳтиёжига яраша ишчи кучи, техника воситалари, минерал ўғит ажратиш масалаларини ҳал этиш вақти келди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг эҳтиёжини қоплайдиган даражада кўп ва арзон гўшт етиштириш резервларидир.

Ер бизда қимматли бойлик манбаидир. Унинг ҳар бир қаричи ҳисобда. Ёрдамчи хўжаликларга суғориладиган ҳамда серҳосил ерларни ажратиш учун ҳамма хўжаликларда ҳам имкон бўлавермайди. Бинобарин, ажратилган озуқабоп майдонлардан иложи борича самарали фойдаланиш керак. Кўпгина районларда ортиқча ер йўқлиги баҳона бўлиб, ёрдамчи хўжаликларга озуқабоп экинлар экиш учун ер ажратиш ҳақидаги қарорлар бажарилмай қолмоқда. Айрим ҳолларда эса бунинг акси рўй бермоқда. Сирдарё область Ворошилов райони ижроия комитетининг қарори билан 27 ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, озуқабоп экинлар учун Сирдарё соҳилларида 53,5 гектар ер ажратилди. Бир қанча ташкилотлар бу ишга бош қўшиб, ўзларининг ёрдамчи хўжаликларини таъминлайдиган даражада озуқа базаси яратдилар. Аммо 110-Ремонт-қурилиш бошқармаси, 75-Механизмлашган кўчма колонна, район Маиший хизмат кўрсатиш комбинати, Колхозлараро қурилиш бошқармаси ва бошқа ташкилотларга ажратилган ерлар фойдаланилмай қолиб кетди.

«Жамоат чорвачилигини ривожлантириш тадбирларини кўриб чиқар эканмиз, яна шуни таъкидламоқчиманки,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль пленумидаги докладида,— биз колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишимиз керак. Бу озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг муҳим манбаидир».

Бу гап нечоғли ҳаққоний эканини биргина Сирдарё райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети 1978—1980 йилларда чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқаётганда колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликларида чорва туёғини кўпайтириш, эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотларни харид қилиш ва ўз навбатида ўша шахсий хўжаликлардаги чорвани озуқа билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор бердилар. Қишлоқ Советлари, уларнинг кўп сонли депутатлари ёрдамида колхозчилар, ишчи ва хизматчилар хонадонида қанча қорамол, қўй-эчки ва парранда борлиги ҳисобга олинди. Аввало, хонадонларни зотли ва наслдор моллар билан таъминлаш, аҳолига жўжа сотадиган инкубатор ташкил этиш масаласи ҳал қилиниши керак эди. Чунки шахсий хўжалик чорваси зотли бўлмаса маҳсулдорлиги ошмайди. Шундай қилиб, «Ленинград» колхозида зотли ғунажинлар етиштириладиган комплекс, «Малик» совхозида йилига 400 минг жўжа очириладиган инкубатор ташкил этилди. Озуқа муаммосини ҳам ҳал этиш зарур эди. Райондаги мавжуд 26,5 минг гектар суғориладиган ернинг 7 минг гектарига озуқабоп экинлар экилди. Аммо бу экин майдони жамоат секторидаги чорва молларини ҳам ем-хашак билан таъминлай олмади. «Малик» совхози ва «Ленинград» колхози тажрибалари асосида, барча хўжаликларда аралаш, оралиқ ва такрорий экин экиш кенг қўлланилди. Натижада, ҳар гектар майдондан йиллик планнинг 120—130 проценти миқдорида озуқа олиниб, пландан ташқари қисми шахсий хўжалик чорвасига тақсимлаб бўлиб бериладиган бўлди.

Мана, эндиликда Сирдарё райони шахсий хўжалик ҳисобига ҳар йили 420—450 тонна гўшт, 1200—1300 тонна сут, 1 миллион донага яқин тухум тайёрламоқда.

Аҳолининг ўз эҳтиёжидан ортиқча чорва маҳсулотларини қабул қилиб олиш шартнома асосида амалга оширилади. Ҳар бир қишлоқ Совети ҳузурида колхозчилар, ишчи ва хизматчилар билан шартнома тузилади. Ана шу шартномага асосан қанча гўшт, сут ва тухум топширилиши олдиндан белгиланади. Йил давомида шартноманинг бажарилиши қатъий назорат қилиб борилади ва қишлоқ Совети ҳузуридаги комиссия шахсий чорва эгаларига давлат харид нархида аралаш озуқа сотади. Бундан ташқари, колхоз-совхозлар ҳам етиштирилган озуқанинг бир қисмини колхозчилар ва ишчиларга тақсимлаб бермоқдалар. Ишнинг бундай ташкил этилишидан икки томон ҳам манфаатдор. Районда ана шу йўл билан чорва маҳсулотлари тайёрлаш йил сайин ортиб бормоқда.

Самарқанд область Иштихон районидаги Абдувоҳид Одилов раислик қилаётган Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг иш тажрибаси ҳам ибратлидир. 1975 йилда колхоздаги 286 хонадон сигирли, 197 хонадон қўй-эчкили бўлса, бугунги кунда 508 хонадоннинг ҳаммасида сигир, бузоқ, қўй-эчки ва парранда бор. Бунга қандай эришилди?

— Колхозчининг чорвасини ҳам ўз молимиз деб биламиз,— дейди колхоз партия комитетининг секретари Тўра Муродов,— шахсий хўжаликнинг ривожланиши ҳам маҳсулот кўпайтиради. Колхозчи ортиқча маҳсулотини колхозга сотади. Шунинг учун барча хонадонларда мол бўлиши ва уларни озуқа билан таъминлашни колхоз правлениеси кундалик ишига айлантирди. Сигир ва қўй-эчки сотиб олишга имкони бўлмаган колхозчиларга беш йиллик муддат билан қарз берилади. Шунингдек, колхоз фермасидан хонадонларга 40 бош наслдор ғунажин, 100 бош қўй, 1,5 мингта жўжа сотилди. Колхозчилар чорваси учун бир йилда 105 тонна беда пичани, 139 тонна сомон, 301 тонна маккажўхори дони ва 24 тонна омухта ем ажратилди. Ана шунинг эвазига колхозчиларнинг шахсий хўжалигидан бир йилда давлатга 18 тонна гўшт, 34 тонна сут, 56 минг дона тухум, 2,5 тонна жун сотилди. Мана, чорва маҳсулотларини етиштиришнинг бой резервлари!

Колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий хўжалигини қўшимча маҳсулот етиштириш манбаига айлантириш борасида Хоразм область Урганч районидаги Калинин номли, Фарғона область Тошлоқ районидаги «Оқ олтин», Сурхондарё область Термиз районидаги Ленин номли, Қашқадарё область Ғузор районидаги «Халқобод» колхозлари ва бошқа хўжаликлар ҳам катта тажриба орттирдилар.

Лекин ана шу давлат аҳамиятига молик масалага ҳамма жойда ҳам тўғри муносабатда бўлинмаётир. Ҳали ҳам хонадонларда жайдари, маҳсулдорлиги паст моллар боқилмоқда. Натижада хўжаликларда гўштга топширилаётган қорамолларнинг тирик вазни 420—456 килограммга етаётган бир пайтда, колхозчилар ва совхоз ишчилари молни 250—280 килограмм вазнда топширмоқдалар. Айрим қишлоқларда шахсий хўжалик чорваси камайиб кетганига, гўшт ва бошқа маҳсулотларни фақат давлат савдо тармоқларидан харид қилинишига яйловлар қисқариб кетгани, озуқа етишмаслигини важ қилиб кўрсатадилар. Ваҳоланки, кўп томорқалар йиллар давомида бўш ётади. Маҳаллий ташкилотлар бу масалага лоқайд қараб келмоқдалар.

Сирдарё районини шахсий хўжалик ҳисобига қўшимча чорва маҳсулотлари етиштиришда катта тажриба тўплаган район сифатида мисол келтирдик. Негадир сирдарёликларнинг бу тажрибаси областнинг бошқа районларида оммалаштирилмаётир. Айни пайтда область қишлоқларидаги 38,3 минг хонадондан 13,7 мингтасида ёки 35,3 процентида чорва молларн йўқлиги область раҳбарларини ташвишга солмаётгани ажабланарлидир.

Хуллас, гўшт йўқ эмас, республикамиз меҳнаткашлари эҳтиёжини таъминлаш учун бой резерв ва имкониятлар бор. Эл дастурхонини тўкин қилиш ҳақида партия ва ҳукуматимиз тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Фақат кимларнингдир айби, лоқайдлиги ва зиммасидаги масъулиятни

ШОИРНИНГ БОЛАЛИК ИЗЛАРИ

Мақсуд ШАЙХЗОДА

Қизил аскар қўшиғи

Биз жанговар аскармиз,
Эл ишига дастёрмиз.
Халқ эркини сақлашга
Кеча-кундуз тайёрмиз.
Биз жанговар аскармиз
Энг шиддатли жабҳада.
Муҳаққақ ғолиблармиз
Метин олов сафларда.
Севинчимиз — юрт ишқи,
Таянчимиз — бирдамлик.
Ватан бурчи — олий
бурч,
Бизга ётдир беғамлик.

Кураш жабҳаларида
Қадамларимиз шахдам,
Тўп каби гумбурлаймиз,
Сафларимиз мустаҳкам.
Титра, қонхўр
жаллодлар,
Қора туғинг йўқолди.
Салтанатинг янчилур,
Ишчи ўғли қўзғалди.
Меҳнат аҳли, отланинг!
Тақдир ўз қўлимизда,
Қора куч ғов бўлолмас
Тарихий йўлимизда!

1920 йил

Оғи билан суҳбат

Эй, дунёнинг шамъи бўлмиш ғамгин Ой,
На боқурсан юқоридан қуйига?
Йўқдир сенда на бир ғавғо, на жанжал,
На боқурсан бизим жаҳон уйига?
Сенга қолса, дарё, тоғлар, денгизлар,
Ўз-ўзидан зулматларни таратса.
Йўқ, бундайин ҳеч бўлмаган, бўлмайди,
Лоқайдликдир дунёда ёмон нарса.
Шафқат қилиб одамият наслига
Қўлдан келган хизматингни аямай,
Инсоният аҳволига кўз очгин.
Шуъланг билан Шарқу Ғарбни ёритиб
Руҳимизга нур сочгин сен, нур сочгин!

1922 йил

Улкан сўз санъаткори Мақсуд Шайхзоданинг 70 йиллик юбилейи аввал Тошкентда, сўнгра Бокуда икки қардош халқ адабиёти ва маданиятининг катта байрами сифатида нишонланди. Озарбойжон пойтахтида ўтган тантаналардан кейин биз шоир туғилиб ўсган, болалик йиллари кечган қутлуғ юрт — Оғдошга йўл олдик. Шаҳарга кираверишдаёқ кўзга ташланадиган биринчи манзил — Мақсуд Шайхзода номидаги кўчада қад кўтарган, шоирнинг табаррук номи билан аталган интернат мактабнинг муҳташам биноси эди. Бино олдидаги хиёбонда дўстлик куйчисининг ҳайкали ўрнатилган. Устоз ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдик. Шинам, озода ўқув корпуси, дарсхона ва ётоқхоналар, бой кутубхона ва энг муҳими — Мақсуд Шайхзода музейи бизда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар билан ўтказилган адабий учрашувда шоирнинг энг яхши шеърлари ўзбек ва озарбойжон тилларида янгради. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сўзларида атоқли ҳамюртлари билан ифтихор ҳисси яққол сезилиб турарди.

Шаҳар партия комитетидаги суҳбатда шоир ҳайкали ва гулзор қутлуғ қадамжога айланиб қолганини айтдилар. Шаҳар ва теваракдаги қишлоқ ёшлари Совет Армияси сафига ҳарбий хизматга жўнаб кетишдан олдин ёки никоҳ маросимларида бу ерга келиб шоирни ёд этадилар, ҳайкал пойига гулчамбарлар қўядилар.

Биз Мақсуд Шайхзода уй-музейини ҳам зиёрат қилдик. Икки қаватли чоғроққина бу уйда 1908 йилнинг 7 ноябрида ҳаким Маъсумбек билан Фотимахоним оиласида тўнғич фарзанд — бўлажак шоир Мақсудбек дунёга келган. Шоирнинг энагаси, тўқсон ёшга яқинлашиб қолган муҳтарама Сабохоним ўз оиласи билан ҳали ҳам шу ерда истиқомат қилади.

Аввал Оғдош шаҳар жамоатчилиги билан учрашув, кейин эса Оғдош қишлоқ хўжалик техникумида Мақсуд Шайхзода ижодига бағишланган маросимли адабий кечалар бўлиб ўтди. Бу тантаналарда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Халфа Иброҳим ўғли ва бошқа раҳбарлар, ишчилар, интеллигенция вакиллари актив иштирок этдилар. Учрашувларда Шайхзоданинг ажойиб асарлари ҳақида қизғин фикр юритилди, шоирнинг ҳозир барҳаёт сабоқдош дўстлари сўзлаган ёркин хотиралар иштирокчиларда айниқса катта қизиқиш уйғотди. Йиғинлардан бирида мен ўртоқ Идрис Алиев билан танишдим. Бу муҳтарам маориф ветерани ёшлигида Шайхзода билан бир синфда сабоқ олган, айни кунда эса кексалигига қарамай, ҳамон ўша ўзи ўқиган мактабда директорлик лавозимида ишлар экан. Қизғин суҳбат бошланиб кетди.

— Биз — Мақсуд, Саид (атоқли озарбойжон бастакори, Озарбойжон халқ артисти Саид Рустам), Шоҳид (Озарбойжон халқ рассоми) бир синфда ўқир эдик,— дея ҳикоя қилди Идрис муаллим.— Оғдошда биз таълим олган билим даргоҳи инқилобдан анча аввал Мақсуднинг отаси Маъсумбекнинг саъй-ҳаракати туфайли ташкил топган янги усулдаги ягона мактаб бўлган. Маъсумбек мактаб ва ўқувчилар аҳволидан тез-тез хабар олиб турарди. Петербург университетининг тиббиёт факультетини тугатган бу маърифатпарвар зот шаҳарнинг энг баобрў кишиларидан эди. Инқилобдан сўнг мазкур ўқув маскани илк совет мактабига айлантирилди. Бу борада ҳам Маъсумбек муаллимнинг фаол иштироки бор. Ўрни келганда айтай: Мақсуднинг онаси Фотимабегим дугоналари Фотимахон ва Озодабегим билан биргаликда Оғдошда хотин-қизлар шуъбаси ташкил этиб, аёллар озодлиги йўлида кураш бошлаган биринчи онахонларимиздан эди. Халқ уларни «Қўш Фотима ва бир Озода», дея меҳр билан тилга оларди.

Мақсуд ёшлигида ўзи ҳам тинибтинчимас, бизларга ҳам тинчлик бермас эди. Зийрак, синчков, шижоатли, бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайдиган йигит эди. Мен, Мақсуд, Саид ва Шоҳид биринчилардан бўлиб комсомол сафига кирдик. Ячейка тузилди. Ячейкамизнинг котиблигига ҳам Мақсудни сайладик.

Мақсуд ёшлигидан адабиётга жуда ҳавасманд эди. Эсимда, мактабда ўқиб юрган кезларимизда у кичик бир пьеса ёзди. Мен, Мақсуд, Саид, Шоҳид ва бир неча ўқувчилар иштирокида «28 апрель инқилоби» деган шу пьесани саҳнага қўйдик. Томошага ўқувчиларгина эмас, кўпчилик ота-оналар ҳам йиғилиб, бизни қизғин олқишлаганлари ҳали-ҳали ёдимда.

Мактабимизда бўлган бир тарихий воқеа ҳануз кўз ўнгимда: 1920 йилнинг охирлари эди шекилли, шаҳримизга Наримон Наримонов келиб қолди. Халқни мактабга тўплаб, катта йиғин ўтказди. Шунда Мақсуд минбарга чиқиб шеър ўқиди. Бағоят таъсирланган Наримон Наримонов Мақсудни бағрига босиб, пешанасидан ўпди, «Қизил аскар қўшиғи» деган ўша шеърни олиб кетиб, Боку газетасида нашр эттирди.

Мақсуд билан сўнгги бор 1961 йили кўришдик. У Оғдошга келган эди. Мактабга бордик, соясида ёшлигимиз ўтган азим чинор тагида ўтириб, болалигимизни эсладик. Мен Мақсудга, унинг ўқувчилик йилларида ёзган шеърларини ҳали ҳам сақлаб юрганимни айтдим. Хотирасидан кўтарилган шекилли, «Қайси шеърлар?», деб сўради. «Инқилобнинг отаси — Ленин», «Инқилобга», «Афғонистон истиқболи», «Қишлоқда қиш кечаси», «Оймомо», «Етим бола», «Қоринбой», «Азмойиш», «Ғарб жаллодларига» каби шеърларини эслатдим. У мендан нусха кўчириб юборишимни илтимос қилди. Ваъда бердим-у, дўстим барҳаётлигида сўзимнинг устидан чиқолмадим. Унинг вафоти ҳақидаги хабар мени ларзага солди... Тошкентдан, ўзбек адабиётининг вакили бўлиб келган бирор кишини учратсам, шу шеърларни тортиқ қилиш орзусида эдим.

Эртаси мазкур шеърлардан нусха кўчириб олдим. Янги ҳаёт, замон ва замин ишқи билан йўғрилган, жўшқин мурғак қалбнинг юрак садоси бўлмиш бу мисралар ёш шоирнинг зийрак зеҳни ва ёркин истеъдодидан далолат беради, ёш Мақсуд Шайхзода социалистик инқилобнинг жанговар курашчанлик ва сафарбарликка чорловчи руҳига, замон эҳтиёжларига жўр бўлишга интилганини ифодалайди. Оқгвардиячилар, мусоватчи ва дашноқларга қарши ўтли нафрат, коммунистлар партиясига, элюртга садоқат мазкур шеърларнинг етакчи руҳини белгилайди. Бу шеърларни мутолаа қилганда Мақсуд Шайхзода ижодий умрининг илк палласидаёқ муҳим ижтимоий мавзуларга қўл урганини, ўз эстетик мезони борасида жиддий фикр юритганини кўриш мумкин. Шоир ўша йилларда ёзилган бир шеърида:

Биз бадиий сўз ротасига
аскармиз,
Батареядан оташ билан
сўзлаймиз!—

деб хитоб қилар экан, ўз бадиий муддаосини аниқ-равшан тасаввур этганлиги яққол англашилади. Гражданлик ва қизғин ватанпарварлик туйғуларини шеърий сўз воситасида ифодалаш бора-бора шоир ижодий фаолиятининг етакчи фазилатига айланди.

Юқорида Идрис муаллим лутфан тақдим этган Мақсуд Шайхзоданинг илк ижодидан айрим намуналарни муҳтарам журналхонлар эътиборига ҳавола қилдик.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
Мақсуд Шайхзода адабий меросини ўрганиш комиссиясининг масъул котиби, филология фанлари кандидати

чуқур ҳис этмаётганлиги сабабли гоҳо гўшт танқислиги сезилиб қолмоқда. Савдо соҳасидаги айрим қўли эгрилар эса бундан фойдаланиб, бозор нархини кўтаришга, ана шу танқисликни шахсий бойлик орттириш манбаига айлантиришга уринадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» деб қабул қилган қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» деб чиқарган қарорида таъкидланганидек, 1985 йилга бориб республикадаги барча хўжаликларда гўшт етиштириш тирик вазнда 740 минг тоннага етказилади ёки 1978 йилдагига нисбатан 48 процентга кўпайтирилади. Сут етиштириш 2 миллион 900 минг тоннага етказилиб, 45 процентга, тухум етиштириш 2 миллиард 680 минг донага етказилиб, икки бараварга кўпайтирилади.

Бу жуда катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик ишларини амалга оширишни талаб қилади. Моллар туёқ сони ва паррандаларни кўпайтириш билан бирга, наслчилик ишларини яхшилаш, урчитиб кўпайтириш, бўрдоқига боқиш ва бошқа воситалардан самарали фойдаланишга тўғри келади. Шунингдек, озуқабоп майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, жамоат чорваси билан бирга ёрдамчи ва шахсий хўжалик молларини ҳам озуқа билан таъминлаш вазифасини ҳал этиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

«Минг-минглаб янги ферма ва комплекслар қурилди. Чорва моллари туёғи жуда кўпайди. Бундан бир неча йил муқаддам чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар ишлаб чиқарувчи махсус тармоқ вужудга келтирилди,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Ноябрь (1979 йил) пленумида сўзлаган ёркин нутқида.— Аммо буларнинг қайтими ҳозирча ниҳоятда кам. Бир неча йилдирки, гўшт етиштириш жуда секинлик билан ўсмоқда. Озуқанинг оқсил бўйича баланслаштирилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Бундай проблеманинг мавжудлигини шубҳага олмоқчи эмасман. Аммо ишончим комилки, хўжалигимизнинг ҳозирги даражасида, чорвачиликка сарфлаётган сарф-харажатларимизнинг ҳозирги миқёсида бошқа муаммолар қатори бу проблемани ҳам анча тезроқ ҳал эта оламиз».

Хулоса қилиб айтганда, дахлдор ташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсалар, бор ресурсларни тўғри тақсимлаш устидан қатъий назорат ўрнатилса, чорва маҳсулотлари кундалик эҳтиёжимиздан ортиб қолишига ишончимиз комил.

Жамол ШАРОПОВ

ҚУДРАТЛИ ҚАЛАМ СЕҲРИ

БУ ЙИЛ Алишер Навоий туғилганига 540 йил тўлди. Қарийб беш ярим асрдан буён шоир ўнлаб авлодларни доҳиёна шеъриятидан баҳраманд этиб келмоқда. Унинг қудратли қалами очган теран маънолар хазинаси давр ўтган сайин янги-янги қирралари билан жилваланмоқда. Устоднинг ажойиб қаҳрамонлари — Ширин ва Лайли, Фарҳод ва Шопур, Аҳий ва Фарруҳ ҳар бир янги бўғин кишиларининг жонли ҳамроҳи бўлиб келади. Айтиш мумкинки, улар бугун ҳам энг илғор идеаллари билан сафимизда бораётирлар.

Навоийнинг буюк шоир ва мутафаккир сифатидаги юксак жасорати шундан иборатки, унинг ўлмас асарлари жаҳон адабиётининг бошқа шоҳ асарлари қатори, халқимизнинг ўзўзини англаши ва жамиятда тутган ўрни ҳамда тарихий бурчини яхши тушуниб олишига ёрдам берди. Шота Руставели айтганидек, шеърият инсон руҳини юксалтирувчи, онгини ўстирувчи кучлар тоифасига киради. Шунинг учун ҳам Навоий шеъриятидан руҳланган халқимиз жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган бошқа халқлар сафида қаддини мағрур кўтариб, ўз кучига, талант ва ақл-идрокига ишонч ҳосил қилди.

Навоий ўз ватанининг содиқ фарзанди сифатида ҳақиқий Инсон учун курашнинг олдинги сафларида борди. Одамларнинг ирқи, эътиқодидан қатъи назар, барчага баробар ҳурмат билан қаради. Бошқа элларнинг қайғу ва мусибатини ҳам чуқур алам билан ҳис этди. Акс ҳолда, унинг асарлари умумбашарий характерга эга бўлмас, ўзи эса улкан гуманист даражасига кўтарилмас эди.

Давлат арбоби сифатида кўп фалокатларнинг олдини олган, меҳнат аҳли ва маданият намояндаларига ҳамма вақт мурувват қўлини чўзган Навоий ҳаётлигидаёқ кенг танилди. Моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож кишилар бу атоқли зотнинг ҳузурига мадад тилаб келар эдилар. Табризлик мавлоно Зиё, ширвонлик мавлоно Масъуд, бухоролик мавлоно Кавсарий, нишопурлик Мир Абдуллоҳ, бадахшонлик мавлоно Абу Тоҳир ва бошқа ўнлаб шоирлар турли тарафдан Алишерни деб Ҳиротга келадилар, унинг олий мажлисидан жой топадилар.

Халқлар дўстлиги ғояларини ўз асарларига сингдириб юборган Навоийнинг қаҳрамонлари турли миллат вакилларидир. Унинг ўз ватани ҳудудларидан чиқиб, машриқдан мағрибгача бўлган элларнинг қалбидан жой олиши сабаби ҳам шунда. Шоир ҳаётлигидаёқ, шунингдек, вафотидан кейин кўп вақт ўтмасдан турли элларда тилшунос олимлар унинг асарлари асосида луғатлар туза бошладилар. Булар орасида XVI асрнинг биринчи ярмида Туркияда тузилган «Ал-луғат ул-Навоият вал истишҳодат ул-чиғатоият» («Чиғатой тилидан шаҳодат берувчи Навоий луғати») алоҳида ўрин тутади. Луғат «абушқа» (эр, кекса эр) сўзи билан бошлангани сабабли илмий жамоатчилик орасида «Абушқа» номи билан ҳам машҳурдир.

Европада Алишер Навоийга оид дастлабки маълумотлар XVII асрда тарқалган. Аммо шоир ижодини кенгроқ ўрганиш XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Француз шарқшунослари Катремер ва М. Белин Навоийнинг айрим асарларини француз тилига таржима қиладилар, шоирнинг ҳаёти ва адабий фаолияти билан китобхонларни таништирадилар. Россияда Навоий ижоди билан қизиққан, унинг асарлари ҳақида тадқиқотлар яратган шарқшунослар жумласига М. Никитский, В. Вельяминов-Зернов, В. Радлов, П. Мелиоранский, В. Бартольд каби олимларни киритиш мумкин.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин «Л. Н. Толстой» мақоласида адибнинг ижодини «бутун инсониятнинг бадиий тараққиётида олға томон қўйилган бир қадам», деб баҳоларкан, «санъаткор Толстой ҳатто Россияда ҳам жуда оз одамларга маълум»лигига ачинади. Худди шунга ўхшаш, жаҳонга овозаси кетган Навоий ҳам илгари ўзбек халқи ўртасида кам танилган эди. Халқ орасида саводли кишилар жуда оз бўлганидан шоир ҳозирдаги каби барча хонадонларга кириб боролмаган эди.

Навоий асарларини оммалаштиришга бел боғлаганлардан бири XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Умар Боқий эди. У «Хамса»даги «Ҳайрат ул-аброр»дан бошқа достонларни ихчамлаштирган ҳолда насрда тасвирлаб, «Насри «Хамса»и беназир» деб ном қўяди ва сўзбоши қисмида ёзади: «...Хамса»и Навоийнинг ҳар бир назмлари жондин азиз ва шакардин лазиз, дилкаш ва ҳунарвашлиғи аҳли дониш ва аҳли маънига равшан ва ҳувайдодур. Аҳли дониш ва расолар қиссаи маҳбуб ва ҳикояти марғубларидин баҳраманддурлар. Аммо ушбу замоннинг аксар одамлари саводхони фақат (хат-саводи бор-у, кенг билими йўқ — **М. Ю.**), назмнинг фаҳмидин оҳиз ва бебаҳрадурлар. Шул жиҳатдин авомуннос (оддий халқ — **М. Ю.**) ҳам баҳра олурмикан, деб... назмни наср тариқида ба қадри тоқат баён қилдим».[1] Кейинчалик «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» алоҳида чоп этилди. Уларнинг ҳам сўзбошисида: «...нечанд ҳикоятларни наср тартиби била... баён қилиб... иборатға келтурдим», дейилган. Насрий талқинлар халқ ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Литo-типографик усулда нашр этилиши «Хамса»нинг кенгроқ тарқалишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва халқ ўртасида тарғиб қилиш асосан Улуғ Октябрдан кейин янги, юқори босқичга кўтарилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий-иқтисодий масалалар қаторида маданий меросимизни ташвиқ қилишга ҳам алоҳида аҳамият берди. 1919 йили «Мусулмон иштирокиюн фирқасининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шуъбаси» томонидан нашр этилган «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри»[2] сарлавҳали кичик рисола бу жиҳатдан диққатга лойиқдир.

Рисолада айтилишича, халқ бошига қора кунлар тушишига сабаб — золим подшоҳлар, уларни ёлғондан мақтовчи шоирлар ва динни сотувчи эшонлар, уламолардир. Ўша серкулфат замонларда «ҳақ ва ҳақиқат тарафдори бўлган кишилар йўқ эмасдилар. Улар қоронғу, булутли кечаларда чақкан чақмоқлар каби» эдилар. «Мана шуларнинг бири Алишер Навоий ҳазратларидир». Рисолада баён қилинишича, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройига ишга келиши ҳам «халққа хизмат қилиш учун эди». Навоий ўзининг оқилона кенгашлари билан қанча-қанча бебошликлар ва зулм йўлларини тўсгани алоҳида таъкидланади.

Шундан сўнг Алишернинг адолатпарварлиги, золим подшоҳлар ва риёкор шайхларни шафқатсиз танқид қилиши «Ҳайрат ул-аброр»дан каттакатта парчалар келтириш йўли билан исботланади.

Туркистон Компартиясининг ўлка бюроси Навоийнинг бедодликни, диний фанатизмни, риёкорликни қораловчи, фош этувчи фикрларини ташвиқ қилишда икки масалани кўзда тутади. Бири — кенг меҳнаткаш оммага кам маълум бўлган Навоий ижодидан кўпчиликни хабардор қилиш. Иккинчиси — буюк мутафаккирнинг илғор ижтимоий-сиёсий қарашлари замонамизга ҳамоҳанг равишда яшаётганини уқтириш.

Муҳими шундаки, Улуғ Октябрь инқилобидан кейин зулм уйи барбод қилиниб, дин ва диний муассасалар давлатдан ажратиб ташланган бир шароитда Навоий биз билан бирга эди. Рисола охирида руҳий ва жисмоний эксплуатацияни назарда тутиб, «Биз уларга қарши турамиз,— дейилади,— ёлғиз биз эмас, буюк отамиз Навоий ҳам уларга қарши турғандир».

Компартия ўлка бюросининг бу ташаббуси Навоий меросини ташвиқ этиш соҳасидаги ишларга йўналиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди. «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил, 20 май сонида шундай ахборот берилган: «Билим ҳайъати томонидан ўртоқ Ромизга Навоий, Лутфий, Бойқаро ва бошқа эски ўзбек шоирларининг шеърларидан бириккан бир мажмуа тузиш иши топширилган эди. Шул мажмуа яқинда тузилиб битмак устидадир».

20-йилларнниг ўрталарига келиб Навоий даврини ва ижодини ўрганиш яна жонланди. 1925 йили Туркманистон Давлат нашриёти «Амир Алишер Навоий» китобини босмадан чиқарди. Бу — шоир А. Қулмуҳамедов туркман тилига таржима қилган «Муҳокамат ул-луғатайн» бўлиб, унда Навоийнинг таржимаи ҳоли ҳам бор эди. 1926 йили шоир туғилганига ҳижрий ҳисобда беш юз йил (845—1345) тўлиши муносабати билан «Туркистон» газетасида «500 йил»[1] сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолада Навоийнинг тил ва адабиётимизга қилган «хизмати жуда улуғ»лиги, бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси» Навоий тилидан бошқа эмаслиги хусусида фикр юритилиб, улуғ адиб барча туркий халқлар адабиётида чуқур из қолдиргани айтилади. Шунинг учун ҳам, деб таъкидланади, Навоийнинг таваллуди муносабати билан «шундай катта бир шодлик, катта байрам ўтказишга тўғри келадир». Газета Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Ўзбек билим ҳайъатига қатор таклифлар киритади. Улар, асосан, қуйидагилар: юбилейни тантана билан ўтказиш учун махсус комиссия тузиш; Навоийнинг босилмаган асарларини топиб нашр этиш; Навоийнинг мукаммал таржимаи ҳолини яратиш; Навоий номида юқори ўқув юртларининг адабиёт-тил факультетларида ўзбек талабалари учун стипендиялар таъсис этиш; Ўзбекистон пойтахтида Навоий ҳайкалини ўрнатиш ва бошқалар.

1926 йили Бокуда Озарбойжон адабиёт жамияти «Навоий» номли тўплам чиқарди. Унда Исмоил Ҳикматнинг «Амир Алишер Навоий», А. Чўбонзоданинг «Навоий — лингвист», Мирза Муҳсин Иброҳимнинг «Алишер Навоийга форс адабиёти таъсири» каби мақолалари бор. Китобга Жомийнинг «Искандарнома» хотимасидаги Навоий ҳақида айтган мақтовли сўзлари Мирзажалол Юсуфзода таржимасида киритилган. Шу йили «Ваққия», «Муншаот» ҳам ўқувчиларга тақдим этилади.

Навоий меросини чуқурроқ ўрганишга бағишланган китоблар орасида 1928 йили Ленинградда рус тилида нашр этилган «Мир-Али-Шир» тўплами алоҳида диққатга лойиқ. Китобда машҳур шарқшунослардан А. Самойловичнинг «Ўрта Осиё-туркий адабий тил тарихига доир», Е. Бертельснинг «Навоий ва Аттор», А. Ромаскевичнинг «Янги Чиғатой-форс луғати» (Фатҳалихон Қожорий Қазвиний томонидан Эронда тузилган луғат), В. Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» мақолалари бор. «Танқид ва библиография» қисмида А. Семёновнинг «Мир Алишер Навоий ҳақида форс новелласи» деган ахборотига Е. Бертельснинг тақризи, Бокуда ҳамда Ашхободда чиққан ва Навоийга бағишланган тўпламлар ҳамда алоҳида нашрларга А. Самойлович тақризлари берилган.

В. Бартольднинг жуда кўп ажнабий манбалар ва шарқ қўлёзмаларини жиддий ўрганиш асосида ёзган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» мақоласи узоқ йиллар давомида навоийшунос олимларнинг мўътабар манбаи бўлиб келди.

1941 йили мелодий ҳисобда Навоий туғилганига 500 йил тўлишини СССР халқларининг маданият байрами сифатида ўтказишга катта тайёргарлик бошланди. Шу муносабат билан Тошкентда «Родоначальник узбекской литературы» тўплами чоп этилди (1940). Унинг асосий муаллифлари А. Боровков, Е. Бертельс, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ҳ. Зарифов, Ю. Латиф, О. Усмонов, М. Шайхзода, А. Семенов, А. Молчанов, М. Салье, Т. Жалолов каби фан ва адабиёт арбоблари эдилар. Немис-фашист босқинчиларининг Ватанимизга ҳужуми натижасида юбилей тантаналари орқага сурилди. Ленинград олимларининг юбилейга мўлжаллаган «Алишер Навоий» мақолалар тўплами эса 1946 йили нашр этилди. 1948 йили барча совет халқлари ва прогрессив инсоният шоирнинг 500 йиллигини муносиб равишда, юксак шараф билан ўтказди.

Сўнгги ўттиз йил мобайнида ўзбек адабиёт илмида навоийшунослик мустақил бир соҳа сифатида ривожланиб, муҳим ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек навоийшунослари В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, Н. Маллаев, Б. Валихўжаев, С. Ғаниева, А. Абдуғафуров, С. Эркинов ва бошқа тадқиқотчилар қаламига мансуб асарлар фақат бизнинг республикамизда эмас, Иттифоқимизнинг бошқа жойларида ҳам машҳурдир.

Алишер Навоий шеърияти XV асрнинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган йирик кашфиётларидандир. Халқ доҳосининг илғор ғоялари Навоий асарларига нур сочгани туфайли бу нур асрлар давомида китобхоннинг ақл-идрокини балоғат босқичига кўтарувчи дорилфунун ва қомус бўлиб келди. Ўша дорилфунунда ҳамон таълим олмоқдамиз, ўша қомус ҳамон қўлимизда. Доимо шундай бўлиб қолади.

Маҳмудали ЮНУСОВ,
филология фанлари доктори

Навоий гулшани

[1] Бу китоб асримизнинг бошида (1908) Тошкентдаги «Босмахонаи Ғуломия»да босиб чиқарилган.

[2] ЎзФА Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, инв. рақами —10111.

[1] «Туркистон» газетаси, 1924 йил, 23 сентябрь, 358-сон.



Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳаёти ҳақида қанча-қанча шеърий, драматик ва насрий асарлар яратилган. Бу асарлар улуғ мутафаккир сиймосини у ёки бу даражада бадиий гавдалантиришга хизмат қилган. Навоий ҳаётини бадиий акс эттиришга қизиқиш ҳеч қачон сўнмайди. Буни кейинги пайтда улуғ шоир ҳақида пайдо бўлаётган асарлар тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Барот Бойқобилов ҳам ана шу қутлуғ мавзуга қўл урди. Унинг яқинда ёзиб тугатган «Шукуҳли карвон» шеърий романи Навоийнинг Самарқанддаги ҳаётидан, унинг йигитлик давридан ҳикоя қилади.

Қуйида ана шу асардан айрим парчалар билан танишасиз.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати

ШУКУҲЛИ КАРВОН

Мадраса саҳнида қирчиллама қор,
Мунаққаш ҳужрада Навоий бедор.

Хонтахта устида олов тилли шам,
Самарқанд қоғози, довот ва қалам.

Тўрдаги токчада баёзу девон,
Михда қундуз телпак, босма юнг чакмон.

Навоий бошида кўк барқут қалпоқ,
Эгнида кўҳаки хилъати порлоқ.

Лутфий девонини олиб жавондан
Назм жавоҳирин излар ул кондан.

Устоди аъзамнинг карамидан шод,
Туркий ғазалини завқнок этур ёд.

Бир мактуб юбормоқ истаги дилда
Ғунчадек гул ёзар бу олис элда.

Устодни шарафлаб қалами сарбон
Оқ қоғоз саҳнида сайр этар равон.

Олам кишварининг бул чорбоғида,
Файзиёб Кўҳакнинг гул қирғоғида,

Нашъу намо топган шоир илҳоми,
Табаррук заминга дил эҳтироми

Назм чаманида бўлиб лолавор
Самарқанд уфқини этарди анвор.

Лутфийни маҳлиё этган бул диёр,
Илҳом шаробини тутган гул диёр

Беқиёс манзари дилда бўлиб нақш,
Мадҳига Навоий жонни этар бахш:

«Латофат аро равзадин баҳр анго,
Вале исм улуб Моваройуннаҳр анго.

Нединким, икки наҳр ароси келиб,
Яқин юз йиғочқа фазоси келиб.

Оқиб ҳадди шарқийда Сайхун суйи,
Бориб ҳадди ғарбийда Жайхун суйи...»

Ер юзин сайқали — Самарқанд зари,
«Самарқанди фирдавсмонанд» манзари

Навоий лафзини қилиб дурафшон,
Масрур юрагига солур ҳаяжон.

Олам аро танҳо Моваройуннаҳр,
Самарқанд аталмиш бул боғи даҳр

Навоий қаламин сеҳри туфайли
Ва унинг бу элга меҳри туфайли

Шеърият мулкида топиб шараф-шон,
Жаҳон аро бўлмиш довруғи достон.

Навоий завқ билан ўқиб номани,
Ғойибдан шод этди ул алломани.

«Жаннатга ўхшайди,— деди,— Самарқанд,
Ариқлари жаннат наҳрига монанд».

«Кўҳак сувин,— деди,— ҳар томчиси бол,
Баҳра топса бемор кўрмагай завол».

«Жаҳон хазинасин тилисми», дебон
Кўҳак тепалигин васф этди шодон.

«Лаълу инжу», деди ушоқ тошини
Ва унга ўхшатди ошиқ бошини.

Оқар сувин —«Ошиқ кўз ёши», деди,
Тепа тошин —«Ошиқ бардоши», деди.

Навоий руҳида саодатли ҳол,
Чақноқ кўзларида теран ўй-хаёл.

Самарқанд васфидан бўлиб бахтиёр,
Устодга юбормоқ этди ихтиёр.

Мактубни муҳрлаб, ором топди жон,
Кўнглида босилди наҳри ҳаяжон.

Сўнг эса ўрнидан мамнун қўзғолди,
Ҳужра остонаси сари йўл олди.

Нақшинкор эшикни очди-да шаҳдам,
Ғишт айвон саҳнига ул қўйди қадам.

Оқариб қолганди Самарқанд тонги,
Кўнглин мафтун этди ҳаёт оҳанги.

Бу бир тонг эдики, қиз кўксидек оқ,
Оппоқ қор қўйнида эди ҳаммаёқ.

Ер нафас оларди сийнаси тўлиб
Ва мунис оламга боқарди кулиб.

Руҳини яйратиб оқ мармар ҳаво,
Шоирни ўзига этди маҳлиё.

Бу бир тонг эдики, улуғ бир ғоя
Бешиги бошида бўлганди доя.

Навқирон Навоий билмай ўзи ҳам
Туркий «Хамса»сига урганди қалам.

Мана шу файзиёб тонг қучоғида,
Мунаққаш ҳужрада, ижод боғида

«Хамса»нинг ғояси туғилганидан,
Ул ўзбек меҳрига йўғрилганидан

Бехабар эди, лек бу кўҳна олам,
Оламни яшартган қўли гул одам.

Бу бир тонг эдики, қадами қутлуғ,
Қуёшни этганди тоғ бошига туғ.

«СОРҒОРИБТУР ЛОЛАРЎЙИМ...»

906-ҳижрий қамарий йилининг жумоди ус-соний ойи бошларида[1] жарчилар Ҳирот аҳолисига муҳим хабарни эълон қилдилар: Астрободда исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзо устига қўшин тортган Ҳусайн Бойқаро у билан ярашиб, Ҳиротга зафар билан қайтмоқда...

Пойтахтни қўриқлаш топширилган Амир Муборизиддин Муҳаммад Вали ва Алишер Навоий аъёнлар ҳамроҳлигида шоҳни кутиб олиш учун шаҳардан ташқарига чиқдилар. Муҳаммад Валибек работига келганларида шоҳ яқинлашиб қолганини хабар қилдилар. Навоий ўзини бир оз ёмон ҳис этмоқда эди. Шоҳ муҳофаси яқинлашгач, у отидан тушди-ю, юра олмади. Руҳий азоблардан, тинимсиз ижод машаққатларидан, давлат ташвишларидан толиққан жисми бўйсунмай қўйди. Ҳожа Абдуллоҳ ва Хондамир кўмагида Бойқаро томон юрди. Гоҳ чексиз мурувватлар кўрсатган, гоҳ эса беҳад азиятлар етказган дўсти оғушида ҳолдан кетди.

Шоирни шоҳнинг муҳофасига солиб зудлик билан Ҳиротга олиб келдилар. Аммо табибларнинг дорилармонлари фойда бермади. Жумоди ус-соний ойининг ўн иккинчисида[2], якшанба куни буюк Алишер мангуга кўз юмди. Бу ҳақда «Бобирнома»да шундай дейилган: «...Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин ёнғонда (қайтганда,— **Н. М.**) истиқболға келди, мирзо била кўрушуб қўпқунча бир ҳолати бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар, табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға-ўқ тенгри раҳматига борди. Бир байти ҳасби ҳол воқеъ бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар?».

Қизиқ, чиндан ҳам, бу қандай касаллик бўлди экан?

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ёзма ҳамда оғзаки маълумотлар анчагина. Замондошлари, шогирдлари ва муаррихлар буюк санъаткор асарларининг сеҳрли жозибаси, юксак бадииятини таҳлил этиш билан бирга шоирнинг хислатлари, ҳаётидаги муҳим воқеалар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар қолдирганлар. Чунки Навоий гениал ижодкоргина бўлиб қолмай, шахс сифатида ҳам ўзи яшаган давр ижтимоий-маданий муҳитига катта таъсир кўрсатган, юксак инсоний фазилатлари билан ижод аҳлига ўрнак бўлган эди. Бизгача етиб келган манбаларда унинг шахсиятига катта аҳамият берилишининг боиси ҳам шунда. Бироқ шоирнинг улкан тарихий воқеалар, мураккаб зиддиятлар билан тўла машаққатли ҳаёти мукаммал ўрганилган, деб бўлмайди. Санъаткорнинг умр дафтаридаги кўпгина саҳифалар ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Уларни тиклаш Алишер Навоий сиймосини ёркинроқ тасаввур этишга, ҳаётининг турли босқичларида яратилган асарларининг моҳиятини яна ҳам теранроқ англашга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Бундай муаммолардан бири шоирнинг ўлимига сабаб бўлган касалликдир. Шоир умрининг сўнгги йилла-

[1] Мелодий 1501 йилнинг 28 декабри.
[2] Мелодий 1501 йилнинг 3 январи.

Бу туғдан нурланиб жумлаи олам
Гўё Навоийга берарди салом!

Буюк достонларга қўйиб пойдевор,
Шоирни қутлади бу қутлуғ диёр!

* * *

Фазлулло Абулайс мадрасасида,
Мунаққаш мадраса остонасида

Толиби илмлар чеҳраси гулгун,
Юраклар осмони беғубор, нилгун.

Икки йил орзиқиб кутилган айём
Бугун толибларга узатади жом.

Мадраса дафтари варақланса гар
Заррин саҳифалар хаёлни тортар.

...Устод олқишига сазовор дамлар,
Шуур кулбасини ёритган шамлар,

Толиблар баҳсида ғолиб келгани,
Махзани илмдан толиб келгани,

Мударрис қошида қизарган чоғлар,
Елкасидан босган залворли тоғлар...

Ўтиб кетди кеча кўрган туш мисол,
Учиб кетди бошдан ўтган қуш мисол.

...Чеҳрасидан ёғду томиб Навоий,
Шодлигидан қалби ёниб Навоий,

Оламга сочгандек дур шаҳворини,
Самимий қутлайди дўсту ёрини.

Навоий шаънига айтиб хушкалом,
Улар ҳам дейдилар: «Муборак, айём!»

Сўнгра азиз дўстлар айлаб ихтиёр
Устод ҳузурига кирар бахтиёр.

Абулайс чеҳраси очиқ ва равшан,
Қошида жам эди аҳли анжуман.

Фазлулло Абулайс:

— Азизлар, қутланмиш ушбу тантана
Мадорис умрида энг қутлуғ сана.

Мавлоно Навоий топмиш саодат,
Бул кун истиқболга берур шаҳодат.

Олий мадорисни битирмиш аъло,
Ёрлиққа камина чекмиш хуш имзо.

Сизларга олий бахт бўлмиш муяссар,
Бу бахтдин кўнгуллар гулзори яшнар.

«Самарқанди фирдавсмонанд» шаҳрда,
Ул билан икки йил битта наҳрда,

Ғаввосдек ахтариб назм дурини
Нурафшон этмишсиз эл шуурини.

Улуми башарни ўқиб мукаммал
Салоҳиятингизга бермишсиз сайқал...

Мадорис илмидин этиб баҳраманд
Учирма қилмоқда сизни Самарқанд.

Улуғбек мактабин сабоғини сиз
Қорачиғ сингари асрангиз гардсиз...

Аҳмад Ҳожибек:

Бир ажиб хабардан кўкдадир бошим,
Сурурдин сочилур кўзимдин ёшим...

Султон Аҳмад Мирзо иноятли зот,
Меҳри карамидин ҳайратда Ҳирот.

Мавлоно Навоий топмиш эътибор,
Не ажаб, шод ўлса андин аҳли бор.

Дилрабо ғазалин бир тинглаган жон
Кўнглида ушалгай энг олий армон.

Навоий фазлидин, не тонг, Самарқанд
Ё Ҳирот «Хамса»га жон этса пайванд!

Ҳожа Хисрав:

Вале Ҳирот нотинч, Мирзо Бойқаро
Ҳамда Абу Саид аро можаро

Гоҳо сўниб, гоҳо олмиш аланга —
Сичқонгнинг ини ҳам анда минг танга.

Ҳар қалай, Самарқанд Ҳиротдин йироқ,
Ўт ёнса, келади тутуни бироқ.

Самарқанд нисбатан осойиш эрур,
Илму фан гулшани оройиш эрур.

Бул Аҳмад Мирзонинг марҳаматидин,
Ҳам Аҳмад Ҳожибек иноятидин...

Илму толиблардин мен беҳад шодмен,
Шабобат завқидин дили ободмен.

Эл бирлан доимо ҳамқадам бўлсин,
Улусда номлари мукаррам бўлсин.

Навоий бошиға бахт қуши қўнмиш
Ва назм мулкинда тахт қуши қўнмиш.

Азизлар, ёшларни қилингиз дуо,
Ҳаёт боғинда кам бўлмасин асло...

Навоий:

Улуғбек илмидин чароғбон шаҳр
Дилафрўз ҳуснидин очилур баҳр.

Сизлардек донишманд зотларға фақир
Толиб ўлғонидин — дилинда фахр...

Тилсимот сандиғин қулфини очиб,
Маърифат зарини оламга сочиб,

Бахтиёр қилмишсиз бизни бир умр,
Муҳтарам устодлар, сизга ташаккур!

Чинорлар томири бўлмаса теран
Бир ўқ-ла қулатгай шамолдек мерган.

Тоғ бағридин қайнаб чиқмаса булоқ
Зилоли биллурдек бўлмагай бироқ...

Тоғ баланд бўлмаса турмагай қори,
Сувсиз кўкни ўртар наҳр озори.

Маърифат очмаса башар кўзини,
Унутиб қўйғуси айтар сўзини.

Илми толибларга сиз берган сабоқ
Насллар толеин айлагай порлоқ.

Халқ бирлан бўлмаса шоир ҳамнафас,
Назмига кенг дунё эрур бир қафас.

Ўз элин орзусин куйлаган шоир
Анинг дарди бирла яшар бир умр.

Золим шоҳга шоир бўлса гар маддоҳ,
Уни домга тортур эл қазиган чоҳ.

Подшоҳ бўлса агар адолатпарвар
Саодат боғида яшагай башар.

Кошкийди, тинчиса Ҳирот ғавғоси,
Ушалган бўлурди эл муддаоси.

Мавлоно Вафоий, шоири даврон,
Бул лутфи карамдин фархундадир жон.

Илкимдин не келса этурмен адо,
Элга хизмат этмак асли муддао.

Аълам ул-уламо фақиҳ Абулайс,
Меҳрингиз туфайли дил боғи серфайз.

Устод мударрислар, минг раҳмат сизга,
Сиз рўшно этмишсиз оламни кўзга!

...Аҳли анжуманга таъзим айлаб хуш,
Навоий оламга боқади сархуш.

«Офарин, Навоий!», деган садолар
Нилий гумбаз ичра акс садо берар.

рида оғир касалга дучор бўлгани, куч-қуввати кетиб, ночор аҳволда қолганидан шикоят қилиб, «Хазойин ул-маоний»нинг дебочасида шундай ёзади: «Қуллуқ арзадошт улким, бу бандаға ёш улғойғон чоғда заъфе (касаллик,— **Н. М.**) юзланди. Ва ул заъф риштаси риштадек заъфлиқ пайкаримға андоқ чирмондики, ул қуёшдек замирға равшандур. Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳариф ва баданимда неча мараз мухталифдур. Ва атиббо (табиблар,— **Н. М.**) иложидин ожиз ва маъзул ва аҳиббо (дўстлар,— **Н. М.**) мизожимдин мутаажжиб ва малул, димоғим паришонлиғидин сўзум номарбут (бир-бирига боғланмаган.— **Н. М.**) ва хаёлим ошуфталиғидин ҳолим номазбут, бағрим қизиғонидин жисмимда ҳумой лозим ва кўнглим озғонидин бошим айланмоғи ва кўзум қарормоғи дойим...» Сўнгра шоир бемадорлиги туфайли отга миниб-тушишда ўзини икки киши суяшини, ҳассасиз юролмай қолганини баён қилади. Тарихчи ва замондошларининг асарларида ҳам, ҳалафларининг бизга маълум қўлёзмаларида ҳам бу касаллик ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Атоқли адабиётшунос олим Иззат Султонов кўп муаммоларга шоир асарларининг ўзидан бевосита жавоб топиш мумкин, деб ёзади. Дарҳақиқат, буюк санъаткор ўз асарларида бу ҳақда бирор маълумот бермаганмикан?

Ахир Навоий ғазаллари ўзига хос шарҳи ҳол-ку! Юксак бадиият дурдоналари бўлган бу ғазаллар шоир ҳаётидаги қувонч ва қайғу, шодлик ва тушкунлик онларининг даракчилари эмасми?

«Дебоча»га мурожаат этайлик: «Бир ҳамдард рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммаи изҳор қилғаймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб кўнглумни холи қилур эрдим ва жунуним шиддати ғалаёнида ҳар ошубким оллимға келур эрди, чун бир ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдики, махфий ўтумни ошкор этгаймен, бирор матлаъ била у маънини адо қилиб, қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўнглум ўтиға ороме ва ишқим бедоди ноҳамворлиғиға андоме ҳосил бўлур эрди».

Шундай экан, шоир ғазалларида ўз касаллиги ҳақида ҳам сўз юритган бўлиши керак. «Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазал масалани анча ойдинлаштиради. Асарни тўлалигича келтирамиз:

Сориғ оғриғ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо.

Юзу жисмимдур сориғ барге қуруғон шох уза,
Шоху баргеким қуруб сорғорса, ким кўрмиш даво?

Не мараздур буки бир гулрух шарори ишқидин
Бўлди сориғ лола кўзум оқию доғи қаро.

Суд эмиш, кўз тушса асфар жинси сори, ваҳ, қани
Сарвинозимким, сориғ гул баргидин киймиш қабо.

Сорғориб қолдим ҳаводис кожиға ҳижрон куни,
Бир сориғ қушдекки, кундуз қолғай ул қушлар аро.

Шом ила субҳ ар сориғ оғриғ эмаслар, бас недур
Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмоқ азо?!

Дарди туфроққа ниҳон этти Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтун, дафн қилғондек гадо.

Мазмуни: Эй, соқий, ҳижрон хазони ичра сариқ касалига дучор бўлдим, ҳар қатраси каҳрабо бўлган сариқ май келтир. Жисмим қуриган шохга, юзим эса сариқ япроққа ўхшайди. Дарахтнинг шохи қуриб, барги сарғайса, бунинг чораси борми? Не дардки, бир гул юзли ишқи ўтидин кўзимнинг оқу қароси сариқ лолага айланди. Сариқ рангли нарсага қарамоқ фойдали эмиш, қани энди, сарвинозим сариқ гул баргидан либос кийиб келса. Ҳижрон кунида ҳодисалар зарбасидан сарғайиб қолдим, худди кундуз куни бошқа қушлар орасида қолган уккидайман. Шом билан тонг сариқ касал бўлмаган-ку, нега тун сочини ёйиб, қуёш юзини йиртиб аза тутади? Гадо шуша (ёмби) олтин топиб олиб, ерга кўмганидек дард ҳам Навоий жисмини тупроққа яширди.

Ғазални ўқир эканмиз, замона нозликларидан, ҳижрон азобларидан, ижод машаққатларию касаллик изтиробларидан толиққан шоирнинг маъюс қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ғазал яхлит композицияга эга. Ҳолат тасвири байтма-байт ривожланиб, мақтаъда чиройли ўхшатиш билан якунланади. Ғазалнинг биринчи байтида каҳрабонинг тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Чунки ўша даврда каҳрабо сариқ касалига даво, деган тушунча бўлган. «Ҳар бир қатраси бир каҳрабо» бўлган май эса шоир дардига даво бўлиши керакдек эди.

Навоийнинг сариқ касал — ярақон билан оғриганини адабиётшунос олим Н. Маллаев ҳам «Навоий ижодиётининг халқчил негизи» деган китобида қайд этиб ўтган. Дарҳақиқат, Навоий асарларида кўплаб ишлатилган «сориғ» сўзи фақат шеърий ташбеҳ сифатида, ҳамма вақт ҳам кўчма маънода қўлланилмаганлиги аниқ. «Сориғ оғриғ бўлдум...» деб бошланувчи

ғазал ва «Фавойид ул-кибар» девонида учрайдиган кўплаб мисоллар шоирнинг яракон билан оғриганини тасдиқлайди.

«Наводир уш-шабоб» девонидаги мана бу ғазал ҳам шоирнинг касаллик даврида, биз юқорида тилга олиб ўтган ғазал билан деярли бир пайтда битилганга ўхшайди:

Сорғоribтур лоларўйим, ранжи бўлмиш қотиғ,
Лола бу йил гулшани умримда очилмиш сориғ.
Кўп осиғ умрум баҳори мевасидин истадим,
Мевага етмай хазон бўлди баҳорим, не осиғ?..
Васфи ул кўзнинг қаролиғ бирла эрди войким,
Эмди сориғлиққа мансуб этмиш они хасталиғ...

Шоир ўз аҳволини ғазалларида баён этиб, «кўнгил ўтига ором» истар экан, ҳар сафар янги образлар, жозибали ташбеҳлар топади. Уларда шоир ўз ҳолатини тасвирлайди, дўстлари ва маҳбубаси ҳолидан хабар олмаётганлигидан нолийди, касаллик изтиробларини акс эттиради. Бу ғазалларда халқ табобати ва ўша даврдаги урф-одатларга оид бир қанча маълумотларни кўриш мумкин.


Бугунги медицинадан маълумки, сариқ касали — гепатит вақтида даволанмаса, жигарда ёмон асорат қолдиради. Навоий яшаган даврда табобатнинг аҳволи ҳамда шоирнинг кексайган жисмини ҳисобга олсак, бу касалликнинг оқибатлари янада аниқ бўлиб қолади. Шоирнинг ўлимини тезлаштирган, ҳорғин вужудини астасекин емириб борган дард ҳам сариқ касалининг асоратлари бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Навоий бу касаллик билан қачон оғриган? Бу тахминан 1490 йиллар атрофида рўй берган. Шоир ўз касаллиги ҳақида дастлаб «Хазойин ул-маоний» дебочасида сўз очади. Бу девонни тузишга эса 1492 йили киришилган. Ана шу дебочада яна қуйидаги арзи-ҳолни ўқиймиз: «Агарчи маразимға (касалимга,— **Н. М.**) сиҳат уммеди пайдо бўлубтур, аммо ҳануз ғизо (овқат,— **Н. М.**) била шарбатким ичилур, ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин ақшомғача соат шишасига кўз тикилур, агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлубтур, аммо ҳануз бузуғ кошонамдин чиқарға қўпмоқ тиласам, осилғон у бори анкабут (ўргумчак,— **Н. М.**) торлари дастгирим бўлиб мадад еткурмагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатга мақдур, балки имкон йўқтур...» Бу муболағали ташбеҳлар орқали ёрқин манзара яратилган. Унда касаллик шоирнинг саломатлигига жиддий футур етказганлигини англаш қийин эмас.

Навоий кекса вужудидаги бу хасталикнинг оқибати нима билан тугашини яхши биларди. Шунинг учун ҳам қалбини аччиқ бир армон кемирарди: назарида қилган ишлари ҳали оз, ўйлаган режалари, орзулари эса беҳисоб. Шу дақиқадан бошлаб у умрининг ҳар бир соатидан, ҳар бир сониясидан фойдаланишга киришди, ошиқиб яшади, кўп янги ғазаллар битди. «Хазойин ул-маоний»нинг тўрт девонини жамлади, «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» каби бебаҳо асарларини яратди.

Буюк ижодкор ва мутафаккир ўзининг авлодлар олдидаги «навосиз улуснинг навобахши» бўлишдек юксак бурчини, туркий тилдаги адабиётни янги юксакликларга кўтариш вазифасини бажаришга ошиқар эди...

Насриддин МУҲАММАДИЕВ



Қутлаймиз!

Бадиий ижоднинг муҳим ва мураккаб соҳаларидан бири — таржимачиликда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган таниқли таржимон ва тадқиқотчи Мирзабаҳром Солиев 50 ёшга тўлди. Бугунги кунда кўп миллатли совет адабиёти тараққиётини миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига ҳаётбахш таъсирисиз тасаввур этиш мушкул. Юксак дидли замонавий китобхонни қардош халқлар адиблари томонидан яратилган ғоявий-бадиий баркамол асарлардан, уларнинг сеҳрли жозибасидан баҳраманд қилишда адабиёт заҳматкашлари — таржимонлар ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани бажарадилар. Кейинги йилларда асл нусхадан рус тилига бевосита таржима қилиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Асл нусха тилини ва рус тилининг барча қонуниятларини пухта эгаллаган чинакам истеъдодли таржимонлар тайёрлаб етказиш чиндан ҳам муҳим вазифадир. Шу маънода М. Солиевнинг бу соҳадаги хайрли фаолияти алоҳида диққатга сазовор. У республикамиз таржимонлари орасида биринчилардан бўлиб ўзбек тилидан рус тилига бевосита таржима қилиш ишига дадил киришган ва бу вазифани муваффақият билан давом эттириб келаётган сергайрат ижодкордир. М. Солиев ҳар иккала тилнинг бой имкониятларидан, нозик маъно товланишларидан ўринли фойдаланиб, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Санда Зуннунова сингари бир қанча ёзувчиларнинг асарларини рус тилига бадиий таржима қилиб, Москва ва республикамиз нашриётларида нашр эттирди. М. Солиевнинг хизмати туфайли Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳабиб Нуъмон ва Аҳмад Шораҳмедовнинг «Ота», «Ёрқин уфқлар», Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм» романлари, Миркарим Осимнинг «Ўтрор», «Етим», Ҳабиб Нуъмоннинг «Ёшликда берган кўнгил», Ғайратийнинг «Дўстим ҳақида қисса», Ҳаким Назирнинг «Ёнар дарё» повестлари рус китобхонларининг, бинобарин, Бутуниттифоқ китобхонларининг мулкига айланиб қолди.

Академик адиб Комил Яшин бу заҳматкаш ижодкор ҳақида шундай деб ёзади: «Мирзабаҳром Солиев 30 йиллик ижодий фаолияти давомида ўзбек совет адабиёти ютуқларини республика ва Бутуниттифоқ миқёсида тарғиб қилиш, қардош халқлар адабиётлари орасидаги интернационал дўстликни мустаҳкамлашдек муқаддас ишга салмоқли ҳисса қўша олди».

М. Солиев таржимашунос олим сифатида ҳам бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Унинг бадиий таржима масалаларига бағишланган илмий мақолаларида, кандидатлик диссертациясида мазкур соҳа муаммоларига оид қизиқарли фикрлар баён этилган. У кейинги йилларда рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш борасида ҳам ўз куч-имкониятларини синаб кўрмоқда.

Муҳтарам таржимон ва тадқиқотчимизни қутлуғ 50 ёши билан журналхонларимиз номидан табриклар экан-миз, унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ОЧКЎЗ

Япон халқ эртаги

Бор экан-да, йўқ экан, бир очкўз бор экан. У қандай ишга қўл урмасин, ҳаммаси қийин ёки даромадсиз кўринаверар экан. «Оз ишласам-у, кўп топсам, жон койитмасам-у, тўқ бўлсам, бир амаллаб мўмай молдунё орттириб бойиб кетсам», деб орзу қиларкан.

Бир куни у шундай гап эшитиб қолибди: қаердадир, чексиз денгизнинг қоқ ўртасида бир орол бор эмиш, бу оролда нуқул бир кўзли одамлар яшармиш...

«Эҳ,— дебди очкўз,— ўша бир кўзлилардан биттасини тутиб келтирсам, қоп-қоп пулларни қоқиб олаверардим. Бир кўзлини кўрган кулиб ҳиринг-ҳиринг, чиқараверарди ҳамёнидан муллажиринг. Ҳатто маймун, айиқ ўйнатиб юрганлар ҳам оғзини очолмай қоларди».

Очкўз шундай хаёллар билан қайиққа ўтириб, денгиздаги узоқ оролга, бир кўзлилар юртига жўнабди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ажойиб-ғаройиб саргузаштларни бошидан кечириб, ниҳоят оролга етиб борибди. Қирғоққа қадам қўйиши билан рўпарасидаги ўрмонзордан ғаройиб бир одам чиқиб келибди-да, пешонасининг қоқ ўртасидаги ягона кўзини катта очиб бақрайиб қолибди. Очкўз терисига сиғмай севиниб кетибди: «Ҳозир бу бадбашара махлуқни алдаб қайиққа ўтқазаман-да, муродимга етаман!» Лекин у ҳали оғзини очишга ҳам улгурмай, бир кўзли овози борича қичқира бошлабди:

— Одамлар, ҳой, одамлар! Эшитмадим деманглар! Денгиздан қандайдир даҳшатли махлуқ сузиб келди: худди бизга ўхшаган-у, кўзи эса иккита! Во ажабо, алвастини томоша қилинглар!

Зумда бир кўзли одамлар очкўзни ўраб олишибди. Ҳаммаси ҳайратда қолиб тикилар эмиш. Кейин эса, икки кўзли махлуқни узоқ-яқин жойларда, бутун юрт бўйлаб кўрсата бошлашибди. Очкўз қишлоқдами, шаҳардами, қаерда пайдо бўлмасин, уни кўрган бир кўзлилар кулаверибди ҳиринг-ҳиринг, ҳамёнларидан чиқаверибди муллажиринг.

РОМЧИ

Ҳинд халқ эртаги

Бор экан-да, йўқ экан, бир подшо бор экан. Кунлардан бир кун мамлакат пойтахтига қаердандир машҳур ромчи келиб қолибди. Унинг карамотлари ҳақида ҳатто афсоналар тўқилган экан. Подшо ромчининг довруғини эшитиб: «Дарҳол ҳузуримга олиб келинглар!», деб буйруқ берибди.

Ромчини саройга олиб келишгач, подшо ундан сўрабди:

— Қани, айт-чи, келажакда менинг тақдирим нима бўлади?

Кечаси осмонда юлдузлар чарақлаганда, ромчи ром очса, юлдузлар подшонинг тақдиридан ҳеч бир хайрли хабар бермабди. Ромчи очиғини айтибди. Подшонинг жаҳли чиқиб:

— Сени дорга осиш керак!— деб қичқирибди.

Лекин дорга осиш олдидан, подшо уни яна бир синамоқчи бўлибди-да:

— Ўлимингга қанча қолганини ўзинг айтиб бера оласанми?— деб сўрабди.

— Э, подшоҳи олам! Юлдузларнинг хабарига кўра, мен сиздан бир ҳафтагина олдин ўлар эканман,— дебди ромчи.

Бу жавобни эшитиб подшо ич-ичидан зил кетибди, ромчини ўлимдан озод этиб, қимматбаҳо совғалар ҳадя қилибди.

ДОНО ҲУКМ

Араб эртаги

Бор экан-да, йўқ экан, бир кишининг ўн беш яшар чиройли қизи бор экан. Кунлардан бир кун қизга совчилар келиб, бўлажак куёвни мақтай кетишибди: ҳам кўркам, ҳам эслиҳушли, ҳам ўқимишли, ҳам бадавлат эмиш. Қиз томон бундай мақтовларга учиб, дарҳол рози бўлишибди-ю, лекин бўлажак куёвнинг ёшини сўрашмабди. Кейин суриштириб билишса, мақталган куёв роппа-роса ўттиз беш ёшга кирган экан!

— Йў-ўқ,— деб айнибди қиз томон,— қизимизни у кишига бермаймиз: ахир, қиз билан йигитнинг ёши йигирма йил фарқ қилар экан-а! Икки баравардан ҳам кўп!

Куёв томон ҳам бўш келмабди — қозининг ҳузурига бориб, шикоят қилибди. Қози икки томонни чақириб, қизнинг ота-оналарига савол бериби:

— Олдин кўниб, кейин не сабабдан айнидинглар?

— Куёв томон бизни алдади,— деб жавоб беришибди улар,— йигит қизимиздан йигирма ёш катта экан: қизимиз эндигина ўн бешга кирган, йигит эса ўттиз бешда экан! Ҳеч бўлмаса, икки баробаргина катта бўлса ҳам майли эди.

Қози узоқ ўйлаб туриб, ҳукм чиқарибди:

— Майли, айтганинглар бўла қолсин. Қизалоқни беш йилдан кейин эрга беринглар. Куёв беш йил кутсин. Беш йилдан кейин у қирққа, қиз эса йигирмага киради. Ўшанда куёв қиздан роппа-роса икки баравар катта бўлади.

Иккала томон ҳам рози бўлиб, изларига қайтишибди.

Мирзабаҳром СОЛИЕВ таржималари

Ғайбулла САЛОМОВ,
Нажмиддин КОМИЛОВ

ТАРЖИМА МЎЪЖИЗАСИ

ИККИ САРЧАШМА

Ҳар бир миллий адабиётнинг бойлиги умумий яхлитлик касб этган икки хазинадан ташкил топади: бири — оригинал асарлар, яна бири — бадиий таржималардир. Бу жуфт қанот, икки ижодий сарчашма ўзаро алоқадор, мутаносиб, бир-бирининг ривожига самарали таъсир кўрсатади, бири иккинчисини тақозо этади, тўлдиради, бойитади. Ҳар бир адабиётнинг миллий мавқеини белгилайдиган оригинал асарлар таржима орқали жаҳон бадиий тафаккури дарёсига қўшилиб, умумбашарий маъно ҳосил қилади, айни вақтда бу «умумбашарий маънавий мулк» яна ва яна, узлуксиз таржималар йўли билан янгича ҳаёт топиб, ўзга миллий маданиятлар дарахтининг томирини озиқлантиради. Ана шундай бадиий-диалектик инкишоф, чамбарчас силсилали вобасталик борган сайин кучайиб, тараққий этадиган, тобора чуқурлашадиган жараёндир. Бу ҳодиса адабиётларнинг миллий ва байналмилал кенгликларда бир-биридан баҳраманд бўлишига шарт-шароит ҳозирлайди ва айни пайтда уларни даврлар, замонлар ҳамда қитъалар оша учраштиради, боғлайди. Ўзаро таржима муносабатлари оқилона йўлга қўйилган турли миллий адабиётларнинг мазмуни ва мундарижасида шу тариқа муштараклик аломатлари пайдо бўла бошлайди. Кўп миллатли совет адабиётининг тажрибаси бунга яққол мисолдир.

Улуғ рус ёзувчиси Л. Толстой «Санъат одамларни жипслаштириш воситаларидан биридир», деган эди. Чинакам санъат асарларида ифодаланган чуқур гуманистик ғоялар, мафтункор гўзаллик соф ниятли барча кишиларнинг қалби ва шуурини банд этиб, уларни якдил, ҳамдард ва ҳаммаслак бўлишга, эзгулик, озодлик, адолат учун кураш йўлида собитқадамликка даъват этади. Сўз санъати бўлган бадиий адабиёт соҳасида бундай узвий қардошликнинг юзага келишида таржима асосий мавқега эга. Шундай қилиб, бадиий таржима халқлар ўртасида ўзаро дўстлик, адабий айрибошлаш, маънавий бойиш ва бойитишнинг қудратли қуроли, жаҳон адабиётини камол топтириш омилларидан биридир.

Таржима санъати туфайли бундан икки минг йил олдин дунёга келган ҳинд эпоси «Рамаяна» (Валмики), қадимги юнон трагедиялари — «Шоҳ Эдип» (Софокл) ва «Занжирбанд Прометей» (Эсхил), форс-тожик адабиётининг улуғвор асарларидан кўҳна «Шоҳнома» (Фирдавсий), пурҳикмат инглиз сонетлари (Шекспир), итальянларнинг машҳур «Декамерон»и (Боккаччо), рус адабиётидаги ажойиб психологик роман «Жиноят ва жазо» (Ф. Достоевский), француз реалистик адабиётининг гўзал намуналари — «Қизил ва қора» (Стендаль), «Карл IX салтанатининг йилномаси» (Мериме) ўзбек китобхонининг севимли асарларига айланди. Яратилган даври, акс эттирилган тарихий-адабий анъаналар, жанр ва услуб нуқтаи назаридан булар хилма-хил асарлардир. Бу таржималарни бизга Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Шоислом Шомуҳамедов, Жуманиёз Жабборов, Озод Шарафиддинов, Муҳаммад Али, Юсуф Шомансур, Назармат, Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Ҳасан Тўрабеков, Асқар Қосимов тақдим этдилар.

Мазкур асарлар тили ва услуби жиҳатидан хилма-хил, уларнинг таржимасига бир хил талабда ёндашиб бўлмайди. Масалан, «Шоҳнома» ва «Рамаяна»— халқ эпослари. Улар ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп: бу «Авесто» гимнларида куйланган ғоялар, эзгулик ва ёвуз кучларнинг ўзаро шиддатли кураши, қаҳрамонликни васф этиш, мифологик образлар тасвири ва бошқаларда кўринади. «Рамаяна»нинг услуби, бадиий талқини, тасвир воситалари, мотивлари, ундаги айрим манзаралар билан «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар» ва «Гўрўғли» туркумидаги ўзбек халқ достонлари орасида ҳайратомуз яқинлик, ҳамоҳанглик бор. Шу билан бирга, ҳинд эпоси фалсафий-этнографик илдизлари, бадиий-эстетик концепциясига кўра ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан жуда сезиларли даражада фарқ ҳам қилади. «Шоҳнома» эса, бунинг акси ўлароқ, халқимизга азалдан маълум, сюжет ва образлари адабиётимизда таниш, баъзи достонлари икки-уч мартадан таржима қилиниб, китобхонлар орасида кенг шуҳрат топган. Бундан ташқари, «Рамаяна» соф фольклор асари, «Шоҳнома» эса халқ оғзаки ижоди асосида яратилган ёзма адабиёт намунасидир. Абулқосим Фирдавсий асарида мифология ва тарихни қўшиб, «Авесто» ғояларини ўз ҳикматлари, ижтимоий қарашлари билан омухта қилган ва шу тариқа фундаментал шеърий обида бунёд этган.

ТАЛҚИН ВА ТАРЖИМА

«Шоҳнома» — кўп сюжетли, сертармоқ қомусий асар. Оловнинг кашф этилишидан тортиб, темирчилик, ҳунармандлик, ёзув ва ҳоказоларнинг ихтиро этилишига қадар, чорвачилик ва деҳқончиликнинг пайдо бўлишидан — динларнинг келиб чиқишигача, бойликнинг тўпланиши, ижтимоий табақаланишлар, феодал зулмга қарши халқ ҳаракати (Кова қўзғолони), демократик оқимлар (Маздак таълимоти), илм-маърифат равнақи ва шунга ўхшаш кўпдан-кўп жаҳоншумул тарихий воқеалар асарда ўз ифодасини топган.

«Шоҳнома» — қаҳрамонлик эпопеяси, унда ҳарбий ихтилоф ва юришлар, лашкар тузишлар, қирғин, жанг манзараларининг тасвири кўп ўрин эгаллагани табиий. Аммо, шунга қарамай, асарнинг бош мотивларидан бири урушни лаънатлашдир. Уруш — мудҳиш фожиа, инсониятнинг шўри. Жамики офату фалокатлар, оҳу надоматлар, вайронагарчилик, ҳасрат, жудоликлар, қашшоқлик ва бенаволик урушнинг оқибати, лаънати «иблиснинг кирдикорлари», деб таъкидлайди шоир. Ҳар бир жанг тасвиридан сўнг, достонларнинг муқаддима ёки хотималарида, кўпинча, қаҳрамонлар шон-шуҳратини васф этиш давомида Фирдавсий инсоннинг қисмати, унинг ожизликлари устида тўхтаб, ур-йиқит ва қирғинлар келтирган аччиқ аламлардан фарёд чекади: кек ва адоват, ҳасаду хусумат ёвузлик тимсоли — Оҳарман макри бўлиб, булар барчаси одамзод уруғига барҳам беришдек машъум ниятнинг зуҳуридир, дейди. Ариқ-ариқ оққан қонлар, бир кунда пайдо бўлган гўристонлар, қабрсиз қолган уюм-уюм жасадлар, айрилиқнинг беимкон фарёдлари... Шоҳона дабдабаю ғалаба нашъасининг тантанавор тасвирига бағишланган саҳифалар ортида муҳорибанинг даҳшатли манзаралари қайта-қайта жонлантирилади. Тарих сабоғидан ибрат олишга даъват этилади, тинчлик — улуғ неъмат, ҳаёт равнақининг асоси ва биринчи шарти эканлиги таъкидланади. «Шоҳнома»нинг замонавийлиги, давримизнинг улуғ, эзгу ғояларига ҳамоҳанглиги ана шунда. Кишилик тақдирига қайғуриш, дўстлик, озодлик, она-ватан дахлсизлигини тараннум этиш Абулқосим Фирдавсийни жаҳоннинг буюк гуманистлари қаторига олиб чиқди. Шунинг учун адабиёт тадқиқотчилари «Шоҳнома»ни шаҳаншоҳлар, ҳукмдорлар ҳақида ёзилган асар эмас, балки Шарқ адабиётининг шоҳ китоби, деб таърифлайдилар.

Фирдавсий яратган улуғвор асар XII асрдаёқ араб тилига насрий йўлда тўлиқ ўгирилган. Кейинчалик унинг айрим боблари турк, озарбойжон, урду, гужарат, ҳинд, грузин, арман, украин, қозоқ тилларига таржима қилинди. Инглиз, немис, француз, итальян, чех шарқшунослари эпопеяни бир неча карра таржима қилдилар. «Шоҳнома» юз йил ичида рус тилига ўн беш марта таржима этилган.

Мазкур достоннинг дастлабки ўзбекча таржимаси XVII аср бошларига тўғри келади. XVIII—XIX асрларда эпопеянинг айрим достонларини Шоҳ Ҳижрон, Мулло Охунд Хомуший, Нурмуҳаммад Бухорий ўзбек тилига ўгирганлар. Булар орасида Хомушийнинг ўзбек халқ китоблари услубида амалга оширган наср-назм аралаш таржимаси кенг тарқалган бўлиб, «Шоҳномаи тўркий» номи билан икки-уч марта қайта босилган.

Илк ўзбекча таржималар Фирдавсий қаҳрамонларини халқ дилига яқинлаштирди. Рустам номи шу даражада достон бўлиб кетдики, халқимизнинг Алпомиш, Фарҳод сингари севимли қаҳрамонларига айланди. Сиёвуш эса Ширин билан Шакардек ардоқланди.

Лекин эски таржималарнинг бирортаси ҳам асар тўғрисида мукаммал тасаввур беролмасди, чунки улар баъзан шеърий парчалар билан омухта қилинган бўлса-да, асосан насрий таржима эди, бинобарин, Фирдавсий шеъриятининг қалби, нафосатини ўқувчига тўлиқ етказа олмасди. Қолаверса, Улуғ Октябрь инқилобигача бажарилган таржималарда асл нусха мазмуни, ғояларини ўзгартириб талқин қилиш, унга маълум маънода замонавий тус бериш, «замоналаштириш» майли кўзга ташланади.

Хомуший таржимасини олиб кўрайлик. Таржимон асар сюжетини янгича, ажиб бир адабий услубда баён қилишдан ташқари, характерларни бошқа муҳитда, ўзга дид билан «тарбиялайди», гоҳо ҳатто Фирдавсийда бўлмаган ислом ғояларини сингдиради. Чунончи, «Суҳроб» достонида Таҳмина образи хиралаштирилиб, Самангон шоҳининг сиймоси бирмунча бўрттирилган. Фирдавсийда Рустам Суҳробнинг жасадини Кобулистонга элтиб, Зол ва Рудобага кўрсатгандан кейин даҳмага қўяди. Хомушийда эса Суҳроб Эронда дафн этилади, Рустам юртига ёлғиз қайтади ва аламига чидаёлмай саҳрога чиқиб, бедарак йўқолади. Ички унсурлар ва эпизодларнинг баъзилари қисқартирилган, айримлари ривожлантирилган. Хуллас, Хомуший асарни ўз даврининг диди ва талабига мувофиқ таржима қилган. Бироқ шуниси муҳимки, таржимон «Шоҳнома»га хос шукуҳ, салобат ва мусиқани хийла яхши бера олган. Хусусан, мутақориб баҳрида жаранглаган бақувват шеърий байтлар таржиманинг умумий даражасини кўтаришга хизмат қилган. Мана, Турон ва Эрон лашкарларининг жангга шайланиб туриши тасвири:

Жаҳон кўк темирдин найистон бўлуб,
Замин наълдин кавкабистон бўлуб.

Туриб кўп наҳангони дарёи ҳарб,
Ҳама филпайкар, ҳама шерзарб.

Ҳама тунду хунрезу порхошжўй,
Ҳама сафшикан, сафдари тезкўй.

«Шоҳнома»ни шеърий йўл билан тўлиқ таржима қилишга уринишлар бўлган. 1925 йили «Маориф ва ўқитувчи» журнали шундай таржималардан бири тўғрисида хабар берган эди. Аммо, афсуски, бу нодир қўлёзма беиз йўқолган.

«Шоҳнома»нинг янги таржимасига киришган шоирлар Ҳамид Ғулом, Шоислом Шомуҳамедов, Жуманиёз Жабборов ва Назармат асарда акс этган давр алғов-далғовларини аввал чуқур ўрганиб, асл нусханинг ҳар бир ифодаси, образлари маъносини чақиб, муаллиф талқини ва муддаосининг тагига етиб, сўнг таржимага қўл урганлар. Китоб сўнгида нашриёт томонидан илова этилган кичик мақолада айтилганидек, «шоирлар коллективи ишига пешравлик» қилган[1] Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Ш. Шомуҳамедов узоқ йиллардан бери форс-тожик классик

[1] Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Учинчи китоб, 628-бет. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1977.



ОТАЁР

БАҲОРНИ ЙЎҚЛАБ...

Ўша хиёбонда...

Дарахтлар, пойига тўкилиб ёши,
Мезонларга розин айтмоқда.
Заъфарондир анҳорлар роши,
Маъюс хаёл янглиғ оқмоқда...

Йўлкаларда хазонлар — чаман,
Хазон тўла ўйдим-чуқурлар,
Ёлғиз ўша хиёбондаман,
Хазонларда сирли шивирлар.

Баҳорингни эслайман сенинг,
Шовуллайди кузак пойимда.
Баҳор бўлиб балққан у кезинг,
Оташ бўлиб тушар пойимга.

...Тағин дилда ишқ отли достон,
Ловуллаган хазонлар ҳамдам.
Сарғиш — ҳаво, ер, шеъру осмон
Ёлғиз...
Ўша хиёбондаман.

Булбул

Санобар Раҳмоновага

Куйла, булбулгинам, сеҳргар куйлар
Мени ёт ўйлардан халос этса бас.
Менга ҳамроҳ бўлсин дард, ҳижрон, ўйлар,
Қўшиқ оғушида қолай бир нафас.

Қўшиқ оғушида хаёлан, хушҳол
Қучгандай бўлайин ота-онамни.
Қишлоғимда кезай паришон хаёл,
Кезайин унутиб бутун оламни.

Куйла, булбулгинам, куйла, бағри кенг —
Шу сулув ўлканинг булбули бўлиб.
Бошоқлар шивири тутган қирларнинг,
Маъсум далаларнинг сен тили бўлиб.

Эртанинг бахтини, ўтмиш дардини
Куйла! Таҳсин айтсин таниш-нотаниш.
Куйла, булбулгинам, очиб баҳри дил,
Кўзимда жонлансин бугун ва ўтмиш.

адабиёти устида ишлаб, бир қанча илмий-тадқиқот ишларини нашр эттирди. «Шоҳнома»га қўл уришдан аввал Умар Хайём, Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Бедил асарлари таржимасида ўзига хос дид пайдо қилди, ҳавас ва тажриба орттирди.

Таржимонлар Фирдавсийнинг шеърий ҳикматлари, сержило, оҳангдор байтларини «байт-барбайт» тарзида ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилганлар; улуғ шоирнинг сеҳрли овози, асарнинг жанговарлик садоси яхши акс эттирилган. Эпопея қаҳрамонларининг ҳар бирига хос шиддату шижоат, одамийлик фазилатлари, жанг манзаралари, ишқий саргузаштлар тасвирланган нафис лавҳалар моҳирона қайта яратилган.

«Шоҳнома»—60 минг байт, яъни 120 минг мисрани қамраган улкан эпопея, таржимонларимиз унинг атиги учдан бир қисмини ўзбекчалаштириб улгурдилар. Бу, шубҳасиз, қутлуғ ижодий меҳнат, бинобарин, бундай шижоат муносиб тақдирланишга лойиқ. Шу билан бирга, афсуски, достон таржимасида (айниқса иккинчи китобда) ғализроқ чиқиб қолган айрим байтлар, оддий баён, табдилни эслатадиган парчалар ҳам учрайди. Бу нуқсонларни иккинчи нашрда ислоҳ этиш (асар ўзбек тилига тўлиқ, мукаммал таржима қилинади, деган умиддамиз), Фирдавсий мисраларининг жаранги, мусиқаси, сеҳрли жилвакорлигини янада тўкисроқ сақлашга эришиш лозим, зеро, ҳар қандай шеърий асар, хусусан, «Шоҳнома»дек, оддий ўқишдан кўра махсус мутолаа, «мутақорибий хониш»ни талаб этадиган достоннинг навоси, тиниқ таровати кўнгилдагидек ифодаланмаган таржима нисфи таржимадир. Ритмик ҳамоҳанглик, тантанавор мақом ва замон ҳамда макон колоритини ҳосил қилиш учун эса, «Шоҳнома»нинг навбатдаги янги таржимасида ўзбек классик адабиётида кенг қўлланилган аруз вазнига мурожаат этиш устида дурустроқ бош қотиришга тўғри келар, деб ўйлаймиз. Турган гап, арузда катта ҳажмли мураккаб санъат намунаси яратиш, таржимада «арузни аруз билан» бериш беҳад қийин. Лекин «Шоҳнома» сингари залворли асарни таржима қилишда осон йўл қидириш ҳам қилни қирқ ёрадиган шоирларимизга муносиб эмас. «Шоҳнома»нинг ҳозирги таржимасида қўлланилган «ўн бирлик бармоқ вазни» гарчи асл нусханинг назмий структурасига яқин бўлса-да, Фирдавсийнинг кишини ром этувчи, мафтункор, таъсирчан оҳангини тўлиқ, бекаму кўст ифодалай олмайди.

АСАРНИНГ ОҲАНГИ ҲАМ...

Башарти, шеърий таржимада вазнни ўзгартириш, яъни поэтик асарни бошқа вазнда таржима қилиш қатъиян ман этилганида, поэзияни бир тилдан бошқа тилга, хусусан, адабий-эстетик анъаналари бир-биридан узоқ халқлар тилларига ўгириш имконсиз бир ишга айланиб қоларди. Бундай тақдирда шарқ тилларига, айтайлик, сонетни, ғарб тилларига эса туюқни таржима қилиб бўлмасди. Тўғри, таржима санъатида вазн ўзгариши кўп учрайдиган ҳол. Бироқ... асосан, ҳар бир шеърий асар яратилган асл вазнида яшайди ва у ўз вазни, ўлчови, шакли, оҳанги билан чиройли. Шакл алмашуви эса муқаррар суратда мазмунга таъсир кўрсатади. Шундай бўлгач, таржимада шакл ўзгариши мазмунга ҳам таъсир этар экан, бошқа тил заминига ўтганда асл нусха ҳеч қачон айнан сақланиб қолмайди. Бунда маълум камомад ва орттирмалар содир бўлади.

Таржимада ҳар қандай асар ҳам янгиланади: бир қанча хусусиятларидан маҳрум бўлади, аллақанча янги фазилатлар орттиради. Бу таржимоннинг иқтидори ва тажрибасига боғлиқ. Шунингдек, таржимада бутун бошли шеърий системанинг ўзгариши у ёқда турсин, баъзан ҳатто айни бир вазн чегарасида бир шеърий тур ёки баҳрдан бошқасига ўтказиб ўгирилганда ҳам асар ўз қиёфасини анча ўзгартиради.

Ғазал таржимасига диққат қилайлик.

Маълумки, ғазал арузнинг турли баҳрларида ёзилади. Масалан, Алишер Навоий ўз ғазалларида арузнинг 19 баҳрига кирадиган 80 дан ортиқ шохобчаларидан фойдаланган[1]. Аруз вазни — мусиқий оҳанглар ўлчови демак. Шунинг учун ғазалларнинг аксарияти қўшиқ қилиб айтилган. Классик «Шашмақом»нинг матни фақат ғазалдан иборат. Ғазални «оддий» ўқиганда ҳам «ўз куйига» солиб хониш қилинмаса, дуруст чиқмайди. Қадимда девонларни мутолаа қилганда овоз чиқариб, қироат билан ўқиганлар. Бу бежиз эмас. Ғазал ўз ярашиқ оҳанги билан қулоққа «қабул қилинади». Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, «қулоқни хафа қилмаслик» учун ҳар бир ғазални ўз «йўлида» ўқимоқ лозим.

Модомики шундай экан, ҳар бир ғазал учун танланган аруз баҳри ўша асар интонацияси ва ритмини ифодалаб, лирик қаҳрамон кайфиятига мос бўлиб тушиши керак. Чунки арузнинг ҳар бир баҳри муайян мусиқий оҳангни туғдиради ва кишида ўшанга мос руҳий кайфият пайдо қилади. Мазмуни ҳазин бўлган ғазалнинг вазн-оҳанги ҳам ҳазин; қувноқ, ўйноқи мазмунли ғазалларнинг вазни енгил, таронали бўлади. Шунинг учун ҳам ғазални ўз вазни билан таржима қилган шоирлар муваффақият қозонганлар. Ҳофиз Шерозий хазинасидан Хуршид қилган таржималарнинг ҳофизона чиқишига асосий сабаблардан бири уларда баҳр турларининг айнан сақланганлигидир. Чустийнинг бир қанча таржималарида эса бу нарсага гоҳо кам эътибор қилинган. Шу сабабли, уларда ғазалнинг мазмуни, образлари хийла яхши берилганига қарамай, баҳр бошқа бўлгани сабабли оҳанг ўзгарган, ғазалнинг умумий пафоси ҳам ўзгачароқ тус олган.

Мазкур таржималарда асл нусхадаги ҳамма нарса муҳайё, ҳатто ортиғи билан бор. Айни вақтда уларда нимадир, жуда муҳим бир нарса етишмаётгани сезилиб турадики, бу форсча асл нусхага нисбатан таржимани анча файзсиз қилиб қўйган. Ҳофиз ғазали хушвақтлик, кайфиятфуруш ликни ифодалайди. Шунга мувофиқ, шоир ҳазажи мусаддаси мақсур вазнини танлаган. Парадигмаси: мафъўлу мафоилун мафойил. Таржимага эса рамали мусаддаси маҳфуз асос қилиб олинган, парадигмаси: фоилотун фоилотун фоилун. Худди шу нарса Ҳофиз шеърининг оҳангини ўзгартириб юборган, мастона шўхлик, енгил кайфият ҳисси сустлашган. Тўғри, таржима тамоман тескари кайфият туғдирмайди, у фақат ҳазин ёки мунгли туйғу уйғотади, деб ҳам бўлмайди. Аммо китобхонда фаол, жонли туйғу қўзғамайди, уни форсий асл нусха сингари ҳаяжонлантирмайди. Ҳақиқатан ҳам, «таржима унинг аслидай ўйноқи ва енгил жарангламайди... аслидан анча узоқлашиб қолган»[1].

Ҳофиз ғазаллари таржимаси ҳақида айтилган бу эътирозли фикрлар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си таржимасига ҳам тааллуқли, деб ўйлаймиз.

АФСОНА ВА ТАРИХ

«Шоҳнома» катта ҳажмли асар, аммо унда ортиқча нарса бўлмагани каби зерикарли ҳам эмас. Аксинча, ҳар бир боби, ҳар бир достони ўзича тароватли, фусункор, жозибадор. Абулқосим Фирдавсий муҳиблари асарни зўр қизиқиш ва шавқ билан қайта-қайта ўқир, ҳар гал ундан янги маъно топар эдилар. Бу муаззам асардан минглаб байтларни эсда сақлаб, бутун бошли достонларни ёддан айтиб берадиган маснавийдонлар кўп бўлган. Кинорежиссёр Б. Кимёгаров ёзади: «Биз «Сиёвуш қиссаси»ни суратга олиш учун тоғларни кезиб, натура излар эдик. Қишлоқлардан бирида ёши анчага бориб қолган чолни учратдик. У Фирдавсийдан 300 байтни ёддан ўқиб берди. Мўйсафид шеърни худди қикоя айтаётгандек сокин, бамайлихотир, ўйчан ўқирди»[1]. Дарвоқе, кекса ўзбеклар орасида ҳам, қарилик ва хотирасининг «сусайгани»дан шиква-шикоят қилган ҳолда, «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржимасидан баъзи достонларни мутақориб оҳангида ёддан айтадиган кишиларни учратганмиз.

Хўш, асарнинг мухлисларни ўзига бу қадар жазб этувчи сеҳри нимада? Нима сабабдан, достон яратилганига мана, минг йилдан ошибдики, у қўлдан тушмайди? Эҳтимол, бу қадимий афсоналар, эртакка айланган тарих саҳифалари, ўтмиш кечинмаларини билишга интилиш натижасидир? Ажаб эмас. «Шоҳнома» қиссалари бағоят қизиқарли, қаҳрамонларнинг тақдири мураккаб, зиддиятли, ибратомуз, баъзан аянчли. Башарти, Рустам, Суҳроб, Сиёвуш, Баҳром, Чўбина ҳақидаги боблар алоҳида олиниб, насрий табдил қилинганда ҳам, булар сержило қисса бўлиши шубҳасиз. Фирдавсийнинг эпик сюжетлар яратиш маҳорати бемисл.

Бироқ «Шоҳнома»нинг таъсирбахшлиги, бадиий қиймати фақат шу билан белгиланмайди. Унинг оҳанрабо жозибаси Фирдавсийнинг шоирона даҳоси бунёд этган сатрлар нафосатида ҳамдир. Шеърий санъат қадимий афсоналарга ўзгача ҳаёт бағишлаган, мифологик қаҳрамонларнинг ҳарбу зарблари, шукуҳ ва салобатини ёркин гавдалантирган. Китобхоннинг қалби узоқ ўтмиш садолари, ҳеч сўнмайдиган ширин, шиддатли, пурвиқор оҳанглар билан тўлади. Фирдавсий шеъриятининг кучидирки, афсона билан тарих иттифоқ бўлиб, бир каттакон жангнома ҳаёт қўшиғидек янграйди:

Жаҳонпаҳловон он яли арчманд,
Ба теғу ба ханчар, ба гурзу
каманд

---

[1] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Танқидий матн. Ҳамид Сулаймон тайёрлаган. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент — 1959.

[1] Ш. Шомуҳамедов. Ҳам санъат, ҳам илм. «Таржима санъати» (Мақолалар тўплами, 46-бет). Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1973.

[1] «Советский экран» журнали, 1976 йил, 9-сон.

* * *

Менга номаълумдир номинг ҳам ҳали
Ва ёки ҳуснингга таъриф бергали —
Учратганим ҳам йўқ, ўзингни бир бор.
Кўзларинг қорами, мовийми, хумор?
Орамиз яқиндир, балки кўп йироқ.
Балки танишдирмиз... Ким билсин,
Бироқ
Излайман сени...

Баҳор ишқи

Баҳорги либосин ечиб дарахтлар
Кузги остонадан қишга боқишар.
Яланғоч қолса ҳам карахтмас улар,
Аёзли қиш сари мағрур ошиқар!

Шундай: дарахтларки, бир зум тинмайин,
Мағрур кўкрак кериб ҳаттоки қишда,
Курашлар тафтида тоблашар танин,
Келаси баҳорнинг ёниб ишқида.

Кеч куз

Шамоллар кифтида хазонлар зори,
Хазон мозорига айланган боғлар,
Ортда қолмиш йилнинг нозли баҳори,
Лоласиз мудрайди жунжикиб тоғлар.

Сайроқ қушчаларнинг базми йироқда,
Яйдоқ далаларда дайдир изғирин.
Атрофни ўхшатиб минг бир ямоққа,
Қуюла бошлайди файзсиз кечқурун.

Ошиқлар сайридан бенасиб қолиб,
Вафодор бевадай тўлғанади сой.
Унинг тўлқинида хазонлар оқиб,
Тўлин ой аксини парчалар тинмай.

Фақат хазон сочиб шамол ўйнайди,
Совуқ авзойига қўнмас табассум.
Кимдандир эшитган, у ҳам куйлайди:
«Хазон сипоҳига моне бўлур ким?..»

* * *

Ботаётир куз қуёши.
Йўқ! У қуёшмас — кўз ёшли
Самовий олтинсоч малак.

Шўрлик силтаб кўк бағрини,
Қонталаш этакларини
Айириб ололмай ҳалак...

* * *

Мажруҳ хазонларни босиб беомон,
Кимсасиз боғ ичра кезаман ёлғиз.
Қалбимда ўша дард... кўтариб тўфон,
Асабим торларин чертар аёвсиз.
Ҳамон қулоғимда унинг овози,
Кетаркан, деганди: «Хайр, йўқ менда айб...»
Яланғоч дарахтлар ҳатто норози —
Бўлгандай мен томон боқар мунғайиб.
«Сабабсиз ранжитдим...»
Кезаман бетин,
Хаёлан мен унга узримни айтиб.
Юрагим чигили ёзилмас, лекин,
Ҳижрон азобида ўйлайман фақат:
Келармі қайтиб?..

Буриду дариду шикасту бубаст —
Ялонро сару сийнаву пову даст
(2,15).

Бундай байтлар қалбларни жунбушга келтиради, Рустамнинг куч-қудрати, ҳарбий маҳорати лол қолдиради, рақибини қақшатган паҳлавонга меҳрингиз ортади. Рустамга шу қадар ихлос ва меҳр пайдо бўлишининг манбаи — Фирдавсийнинг санъатидир. Бўлмаса оддий гап: қилич, ханжар, гурзи, арқон билан қуролланган Рустам душманларни қирди, кўпини асир олди, дейди шоир. Лекин қурол номлари ва улар воситасида бажариладиган ишларни ифодаловчи сўзлар дур сингари шода-шода терилиб, ажиб санъат ҳосил қилинган ва икки байт шеърда ҳам жангнинг энг қизғин пайти, қаҳрамоннинг шижоати жонли чизиб берилган. Майдони ҳарбда бўлаётган шовқин-сурон баралла эшитилиб, алпларнинг чапдастлик билан олишишларини кўриб тургандек бўлади ўқувчи. Таърифлайдиларки, «Шоҳнома»ни ўқиганда отлар туёғининг дупирию қилич-найзаларнинг чако-чак овози, карнайларнинг ғат-ғут садолари қулоқ остида жаранглаб туради. Ҳақ гап. Шоирнинг ҳар бир сўзи ханжардек ўткир, паҳлавон билаги мисол чайир, соз каби сероҳанг. Жонли иборалар, тирик сатрлар, мумтоз образлар гўё куйлайди, фиғон чекади, рақсга тушади, йиғлайди... Шунинг учун ҳам бу мисралар хотирада маҳкам ўрнашиб қолади.

Буюклар шунинг учун ҳам буюкки, уларнинг асарларида ғоя билан унинг бадиий ифодаси ҳайрон қоларли даражада уйғун ва мутаносиб бўлади. Зотан, кенг қамровли мазмун, чароғон гуманистик идеялар туғма истеъдод ва теран донишмандлик бағрида туғилиб вояга етади. Яна шуниси аёнки, ижодкор қанчалик улкан бўлса, унинг ўзига хос услуби шунчалик қуйма ва такрорланмасдир. Фирдавсий шеърини унинг биргина байтиданоқ таниш мумкин. Шоирнинг ўз луғати, севган иборалари, вазни, таркиб ва қофиялари, ритм-оҳанги бор. Овози тошқин дарё тўлқинидек долғали, сервиқор. Қаҳрамонларининг вужудидан ғайрат, куч томади. Улар ўзини тутиши, юриш-туриши, феъл-атвори, нутқи билан доимо жанговар, шижоатли, жасур, зоҳирий ғурур ва ботиний салобатни намойиш этадилар. «Шоҳнома»да персонажларнинг ўзига хос ички кечинмалари тасвирига ҳам ўрин ажратилган, аммо гуруҳ-гуруҳ қилиб тасвирлаш, кенг манзаралар чизиш асарда асосий ўрин эгаллайди. Бундай кенг миқёсли тасвир эпопеядаги шеър тузилиши, бадиий воситаларнинг қўлланишида ҳам сезилади.

Шундай усуллардан бири — байтларда сўз ва бирикмаларни тизмалаб келтириш — саноқ санъатидан фойдаланишда ўз ифодасини топади. Рустамнинг муҳориба қувватини тасвирловчи юқорида келтирилган парчага диққат қилинса, икки байтдаги уч мисрада нуқул ҳарбий қуролларнинг номлари ва улар воситасида паҳлавон амалга оширган ишлар санаб ўтилгани маълум бўлади. Яъни: Рустам «қилич», «ханжар», «гурзи» ва «арқон» билан ёвларнинг «бошини», «кўксини», «оёғини», «қўлини кесди», «ёрди» «синдирди» ва «боғлади». Сўзлар қатори шеърий либос кийганда — вазнга жойлашиб, ўзаро оҳангдошлик касб этгач, катта ифода кучи ҳосил қилади ва шу орқали ҳаракатлар занжири бир-бирига уланади, қаҳрамон ҳунарининг кўп томонлама экани ўқувчи идрокига бориб етади. Классик шеършуносликда бу «лафу нашр» (йиғиш ва ёйиш) санъати деб аталган.

Гурзисин кўтарди, ёвга бурди юз,
Вонг урди, титради дала, тоғу туз.

Наъра тортганда сардорқўш
полвон,
На филда ҳуш қолди, на девларда
жон.
(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.
1 китоб, 383-бет.)

Таржимон шоиримизнинг Фирдавсий қофиялари ва радифларини қайта яратишдаги санъаткорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жарангдор, равон, тўлиқ қофияли байтлар замона келтириб чиқарган аччиқ ҳақиқат, панд ва башорат билан йўғрилиб, шавқ пайдо қилади:

Бировга насиба бўлсаю меҳнат,
Бировга ўтгайдир лаззату неъмат.

Қолгай на паймону ҳалоллик,
ростлик,
Олар булар ўрнин каж ила
костлик.

Диловар йигитлар қолур пиёда,
Ёмонлар от миниб бўлур зиёда.

Жасоратли деҳқон ҳунардан
тушар,
Нажиблик дарахти самардан
тушар.

Кишилар бир-бирин айлашиб
ғорат,
Офарин ўрнини олур ҳақорат.

Кийнаю адоват ишга бош бўлур,
Ғанимлар шоҳининг бағри тош
бўлур.

Ўғлига отаси қилмас эътибор,
Отадан ўғли ҳам бўлгандир безор.

(Ж. Жабборов таржимаси,
III китоб 606-бет.)

Асл нусхадаги сўз ва ибораларни айнан сақлаш ҳодисаси қофияда кўпроқ кўзга ташланади. Бу ҳол асар руҳини яқиндан ҳис қилишга имкон туғдирган.

«Эллада ва Римнинг улуғ шоирларини таржима қилиш хусусида гап борганда, фақат фикрлар ва ифода-образларни эмас, балки нутқнинг, сатрлар тузилишининг хусусиятини, ҳамма сўзлар, барча иборалар, таркиботларни ҳам бериш зарур, деб ўйлаймиз», деб ёзган эди Валерий Брюсов. Бу фикр грек ва рим адабиёти таржималари ҳақида айтилган бўлса-да, у шарқ адабиёти таржималарига ҳам тегишлидир. Хусусан, «Шоҳнома»дек қадимий асотирлар заминида ёзилган буюк асарга бу талаб батамом мувофиқ келади.

Таржимон ўзга тилда бунёд этилган мафтункор, мислсиз сўз санъатини ўз она тилида кўриш, «бегона мўъжизани, бир лаҳза бўлса-да, ўзиники деб билиш, уни эгаллаш истаги» (А. Фет) билан ёнади. Шунинг учун у енгиб бўлмайдиган бир иштиёқ билан қалам суради. Баъзан тантана қилади, мағлубият аламини чеккан дамлари ҳам бўлади. Лекин яна В. Брюсов таъбири билан айтганда, «Данте билан курашда оқсоқ бўлиб қолиш ҳам катта шараф». Бу кураш, бу халқаро ижодий турнир жаҳон адабиёти майдонида бир неча асрлардан буён давом этиб келади. Шоирлар ҳар гал ўзлари яшаб турган замонанинг адабий-эстетик ақидалари, янгича дид ва талаблар тақозоси юзасидан классика билан беллашишга жаҳд қилар эканлар, ҳамиша қандайдир ўзига хос тадбир, йўл, усул қидирадилар. Ўз бисотларидаги восита ва имкониятлардан фойдаланишга интиладилар. Бугунги ўзбек китобхонига бемалол тушунарли тожикча сўзлардан кенгроқ баҳраманд бўлиш — «Шоҳнома» таржимонлари ихтиёридаги шундай манбалардан биридир. Аммо шу хусусда кичик эътироз бор: қофияга олинган тожикча сўзларнинг бир қисми бугунги ўзбек ўқувчисига тез бориб етадиган даражада эмас. Чунончи, байтларнинг асл нусхадаги ҳолати, бутунлигини сақлашга интилиб, гоҳо Фирдавсий луғатини кўпроқ олиб қолишга зўр берилган. Ҳолбуки, нима бўлганда ҳам, мана бу сўзларни таржима қилиш зарур эди: «ганг», «ком», «заҳра», «дебо», «чандин», «дурри самин», «муфид», «яксара», «раҳнамун», «шикан бар шикан», «ғаррон», «равон» («жон» маъносида), «ож», «бохуш» ва бошқалар. «Шоҳнома»нинг ўзига хос архаика қатламидаги «рой», «гарон», «ҳанзал», «сипоҳ», «силеҳ» сингари калималар ҳам ўзлигича олинган, ваҳоланки, булар ҳозирги форс ёки тожик китобхонига ҳам унчалик тушунарли эмас.

Қофия борасидаги етишмовчилик таржимада чала қофияли ёки умуман қофиясиз байтларнинг борлигидир. Чунончи, иккинчи китобда: «келур-етур», «келди-жўнатилди», «ёпибди-кутибди», «чорва-гўё», «ўлдирилди-бўлди» каби қофиялар ҳам тақдим этилган. 1 минг 200 байтли «Бежан ва Манижа» достонининг 300 га яқин байти қофиясиз қолган. Улар орасида «ёпирилдилар-эгалладилар», «ўғлиман-қилгайман», «мардсан-бўларсан», «ташланган-банд» каби зўраки қофияларни учратиш мумкин. Қофиясиз мисралар завқсиз, файзсиз. Насрий баён ёки таҳтуллафз бундан кўра таъсирлироқ бўларди.

Абулқосим Фирдавсий шеъриятининг бутун гўзаллигини беришнинг балки иложи йўқдир, лекин унинг қофияси қурбон берилмаса бўларди.

«Бежан ва Манижа»даги:

Манижага етгач карвондан дарак,
У шаҳарга чопди ютганча юрак.
Шўрлик, нимяланғоч, ялангбош
эди,
Толиққан, кўзлари жиққа ёш эди.

Енгига артаркан қонли ёшини,
Рустам қаршисида эгди бошини,—
(Ҳ. Ғулом таржимаси)

каби жарангдор мисралар ёнида қофиясиз ғариб сатрлар турмаса, шубҳасиз, таржиманинг қиймати ошар эди.

Ҳар жиҳати ўзаро уйғун, бир-бирига монанд бўлган олиймақом санъат асарида адибнинг индивидуал услуби алоҳида олинган ҳар бир унсурда, жузъий ҳодисада ҳам намоён бўлади, умумий жиҳатлар жузъий ҳодисалар хусусиятини белгилагани сингари, аксинча, майда, типик тафсилотлар ҳам асарнинг умумий ғоясига сезиларли таъсир кўрсатади. Бинобарин, «Шоҳнома»даги мухтасар тасвир услуби, долғали оҳанг, бадиий-фалсафий умумлашма унинг образлари, ташбеҳ ва истиораларида ҳам из қолдирган.

Охири келгуси сонда

Тақриз

МАҲОРАТ ТАҲЛИЛИ



Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб ва рисолалар қанчалик кўп бўлмасин, адабиёт мухлислари унинг ҳақидаги янги асарни ҳамиша катта қизиқиш билан кутиб оладилар. Бу гап атоқли олим Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати»[1] китобига ҳам тааллуқлидир.

А. Рустамов адабиёт тарихи, тил тарихи ва шеърият қонуниятларига доир талай мақола ва рисолалари билан китобхонларга яхши таниш. Унинг айниқса Алишер Навоий асарлари устида узоқ йиллардан буён олиб бораётган илмий кузатишлари, шу асосда эълон қилган тадқиқотлари синчков ва талабчан китобхонлар эътиборини қозонган. Шу сабабли мазкур китобнинг дунёга келиши, бир томондан, тадқиқотчининг бу соҳадаги катта ютуғи бўлса, иккинчи томондан — Алишер Навоий бадиий маҳоратининг ранг-баранг қирраларини кашф этишга қаратилиши жиҳатидан ғоят муҳимдир.

Алишер Навоий ижодиёти ҳақида сўзлаш масъулиятини чуқур ҳис этган автор китобда шоир ижодининг муҳим соҳаси — бадиий маҳорати устида баҳс юритишни мақсад қилиб қўйган. Тўғри, бу масалада шоир ва олим Мақсуд Шайхзода, адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов ва бошқалар ҳам қалам тебратиб, маълум муваффақиятларга эришган эдилар. Алибек Рустамов шоир бадиий маҳорати хазинасини фалсафий жиҳатдан очиш йўлидан бориб, уни аввало шакл ва мазмун бирлиги категорияси асосида таҳлил қилади. Китобнинг бошидан охирига қадар улуғ шоирнинг олижаноб ният ва мақсадларини идрок этиш асосий ўринга қўйилган ҳамда бу соҳада диққатга сазовор хулосаларга келинган.

Автор Навоий фалсафий қарашларини унинг «Хамса» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари асосида очиб беришга интилади; ўрта аср Шарқ оламига хос фалсафий категориялар — ваҳдат, вужуд, мавжуд, бақо, фано, адаб, азал ва ҳоказоларни шарҳлаб, коинот ва инсон, шеър ва ундан олинадиган завқ масалалари устида мулоҳаза юритади. Бир қарашда, бу масалаларнинг асосий мавзуга дахли йўқдек туюлади. Аммо олимнинг маҳорати шундаки, у бадиийликда фалсафийликни, фалсафийликда эса чуқур бадиийликни кўра билган.

Китобда шеърият фалсафаси ҳақида сўз бориши бежиз эмас. Донишманд адибларимиз шеърни идрок этишни билмоқ ва билдирмоқнинг бадиий воситаси деб қараганлар ва уни жўн — вазн ва қофияли оддий назмбозликдан кескин фарқ қилганлар. Маълумки, Навоий бадиий ижодда шаклбозликка қарши бўлиб, мазмунни асосий меъёр сифатида тарғиб этган ва ўзи унга қатъий амал қилган. Автор шоирнинг ижодий қарашларига хос, бугунги адабий жараён учун ҳам фойдали бўлган ана шундай илғор ақидаларга алоҳида тўхталади. Бу китобнинг бадиий воситалардан фойдаланиш борасида баҳс этувчи бобида ҳам, шеър вазни ва қофиясига доир бўлимда ҳам, «Бадиий етуклик асослари» деган қисмида ҳам кўзга ташланади. Шуниси муҳимки, китобда файласуф Навоийдан ҳам, шоир Навоийдан ҳам, носир ва адабиёт олими, тилшунос Навоийдан ҳам илғор ақидалари, гуманистик қарашларини ифодаловчи мисоллар танлаб олиниб, филологик жиҳатдан таҳлил этилади.

Тадқиқотчи китобдаги бир бобда ўқувчини шоирнинг беназир маҳорат лабораториясига бошлаб киради, сўз дурининг қаърини, кўз илғамас жиҳатларини бамисоли заррабин остида текширади. Натижада улуғ шоир асарларида ранг ва таносиб поэтикасини кўрамиз, қаҳрамонларнинг номлари билан асар ғояси ўртасидаги мутаносибликни ҳис этамиз, умуман, мазкур асарларда горизонтал ва вертикал гармония — уйғунлик қонуниятига нечоғли санъаткорона амал қилинганининг гувоҳи бўламиз. Навоий қаҳрамонларини Фарҳод, Фарруҳ, Ширин, Ахий, Дилором, Меҳинбону сингари номлар билан атар экан, ана шу орқали ҳам ғоявий-эстетик уйғунликни таъминлайди. Шоир салбий типларга Хусрав («хуср» сўзидан, маъноси — зарар, зиён), Жобир («жабр» сўзидан, маъноси — жабр қилувчи), Мудбир («идбор» сўзидан, маъноси — иши орқага кетувчи) каби номларни қўяди. Бундай номларни ташувчилар Фарҳоду Фарруҳларга нисбатан қарама-қарши қутбда турган персонажлардир. Бунда ҳам диалектик гармония ва ўзаро боғлиқлик кўзга ташланади.

Ҳар қандай асарнинг ҳам мазмунли ва мароқли чиқишида, уни ранг-баранг қилишда тилдан, унинг хилма-хил фонетик товланишларидан, семантик-стилистик хусусиятларидан ҳамда грамматик формаларидан ўринли фойдаланиб иш кўриш муҳимдир. Бусиз адабиётнинг асосий материалини тўғри англаб бўлмайди. Алишер Навоийнинг бу соҳадаги санъаткорлиги сирларини очиб беришда ҳам тадқиқотчи катта кузатув ишлари олиб борган. Автор мулоҳазаларини чуқурлаштира бориб, ўзбек адабий тилини бойитишда Навоий фойдаланган манбаларни аниқлашда айниқса синчковлик билан иш кўради. Бундай манбаларнинг биринчиси, китобда қайд этилганидек, Навоий энг кўп мурожаат қилган бой туркий тил лаҳжалари бўлса, иккинчиси — илмий китоблар, рисолалар ва ўша давр зиёлиларининг нутқидир. Дарҳақиқат, бу икки манбанинг таъсирини шоирнинг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва бошқа асарларида яққол кўриш мумкин.

Навоий маҳоратини белгиловчи бадиий восита ва далилларнинг ҳозирги ҳаётдаги фактик материаллар билан боғлиқ ҳолда берилгани тадқиқотчининг ниҳоятда синчковлиги ва чуқур мулоҳаза юритиш қобилиятини кўрсатади. Мана, кичик бир мисол:— дук,— дук,— дик,— сун каби грамматик формаларнинг Навоий асарларида усталик билан қўлланилгани қайд этилиб, сўнг улар турли лаҳжалардаги формалар билан таққослаб текширилади. Жумладан, бу формаларнинг жанубий Тожикистондаги ўзбек тили лаҳжасида актив ҳолатга эга эканлиги тўғри қайд этилади. Бундай хусусиятларни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарноб, Қорабулоқ шеваларида ҳам учратамиз. Мазкур грамматик формаларнинг тарихи қадимий бўлиб, Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларидан тортиб, «Девону луғотит-турк», «Абушқа», «Бобирнома», «Санглоҳ» каби бошқа ёдгорликларда ҳам ўз ифодасини топган.

Маълумки, Навоийнинг бадиий маҳорати беқиёс даражада юксак, серқирра, ранг-баранг. Аммо китобнинг ҳажми чегараланганлиги сабабли тадқиқотчи айтмоқчи бўлган ҳамма фикрлар айтилган, у қамрамоқчи бўлган масалаларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек ёритилган эмас. Баъзи бобларни ёзишда автор ўзини анча эркин сезгани ҳолда (чунончи, «Бадиий етуклик асослари» боби), айримларида (масалан, вазн, қофия ва радифдан баҳс этувчи қисмда) негадир суръатни тезлаштириб, фикрни тез-тез баён этиб ўтишга шошилади. Ваҳоланки, шулар ҳисобига, Навоий ижодидаги гул поэтикаси, шоирнинг жанрлардан фойдаланишдаги маҳорати, уларни ривожлантириш, янги хусусиятлар билан бойитиш, образлар системаси ва шакл архитектони-

[1] Алибек Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

Китоблар оламида

ШЕЪР ЮРТИДАН САДО



Тенгдош қаламкашлар ижодида муштараклик бўлиши табиий. 70-йиллар ёшлар шеъриятида инсоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириб бориш, кишиларнинг руҳий оламини бойитишга кучли интилиш сезилади. Илмий-техника революцияси роботларнигина яратмади, балки инсонларнинг ўзида ҳам ҳис-туйғу қашшоқлиги хавфини туғдирди. Шундай бир пайтда бу — қонуний ҳол, албатта. Ҳис-туйғуга таъсир этиш хусусияти Усмон Азимов шеърларида ҳам кўзга ташланади.

Шоир наздида: жаҳондаги мўъжизалар мўъжизаси — Инсон. Инсонни эса тушуниш керак. Уни тушунганларида, кўнглига йўл топганларида — балки, «юлдузлардан ҳам олис» бўлган ёр «севаман», деб шивирларди; балки, шоир кўксига қадалган маузер отилмасдан қоларди.

Усмон илк тўпламидаги[1] бир қанча шеърларида муайян инсон тақдирини қаламга олиш орқали инсониятга хос хусусиятларни очишга интилади, алоҳида инсон тақдири бора-бора ер юзидаги барча одамлар тақдирига уланиб кетади. Шоир инсон ҳаётини аср, ер, олам билан қиёслар экан, улар ўртасида маълум монандлик топади: «Сиз — XX аср солдати, XX аср шоири — подполковник Фатеев!»; «Аскарнинг қўшиғи менинг кўксимда, асримнинг кўксида...»; «Гўё дунё гўдак қалбидан нозик...»; «Кенгликларга сиғмай ҳайқир: «Олам бунча тор!..» Турли шеърлардан келтирилган бу мисралар ижодкорнинг шахсий дардларигина эмас. Китобхон у билан бирга дунё ташвишини чекади, инсон ва инсоният ғами билан яшай бошлайди.

Шоир башарият бошига не-не кулфатлар соладиган урушга қарши кучли нидо билан чиқади. Унингча, уруш тушунчаси мавжудлигининг ўзи ҳам — фожиа. Лирик қаҳрамон оташин ватанпарвар. У Ватан учун жонини ҳам тикишга тайёр, совет ҳарбий хизматчисини эса, «оққушдек оппоқ «Волга» шайдолари»га, «пар ёстиқ ошиқлари»га қарама-қарши қўяди. Шоир дунёда уруш хавфининг таг-томири билан, батамом тугатилишини истайди.

Ёш қаламкаш хоҳ бармоқда, хоҳ сарбастда бўлсин, услубий соддаликка, табиийликка интилади. Кичик ҳажмли шеърларда муайян бир таянч нуқта бўлиши керак. Усмон кўпинча ана шу нуқтани топади. Унинг бир шеъри шундай тугайди:

...Эзгуликни кўксига тутиб мисоли
қалқон,
Ер жангчидай ўрмалаб борар
келажак томон.

Бизнингча, ўша нуқта: янгича ўхшатиш — эзгуликни кўксига қалқон қилган ернинг келажак томон жангчидай ўрмалашида.

Ҳар қандай шеър ўз оригинал хусусияти билан ниманидир тақозо қилади, ниманидир рад этади. «Инсонни тушуниш»даги баъзи шеърларда ана шу мутаносибликка халал етган ўринлар бор. Шоир Рауф Парфига назира тарзида ёзилган «75-йил алласи» мазмунан одатдаги аллага ўхшамайди. Бироқ шартлилик талабига биноан, у она куйлаётган алладай таъсир этиши керак эди. Афсуски, шеър алла оҳангида эмас. Яна бир мулоҳаза. Отасини сизлайдими, сенлаб ёзадими — шоирнинг иши, аммо

[1] Усмон Азимов. Инсонни тушуниш. Шеърлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1978.

касини ишлашдаги санъаткорлиги масалалари ва айниқса бадиий маҳорат эволюцияси каби жуда муҳим проблемага ўрин берилганида яхши бўларди. Чунки навоийшунослигимиз шоирнинг деярли барча асарларини қўлга киритган, улар билан тўлиқ танишиш имкониятига эгамиз. Айниқса, «Илк девон»нинг мавжудлиги, кейинги девонларнинг ҳам нусхалари борлиги ва «Хамса»нинг нодир нусхалари тадқиқотчига маълумлиги ҳисобга олинса, шоир бадиий маҳорати эволюцияси устида олиб борилган дастлабки кузатиш натижаларидан китобхонларни баҳраманд этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шуни таъкидлаш керакки, китобда келтирилган шеърий ва насрий парчалар диққат билан танланган ва асосан тўғри кўчирилган. Аммо баъзи текстологик нуқсонлар ҳам учрайди. Масалан, китобнинг «Дебоча» қисмида (3-бет) шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридан қуйидаги машҳур байт келтирилган:

Одамий эрсанг демагил одами
Аниким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу мисолдаги иккинчи мисранинг биринчи сўзи аслида вазн талабига кўра, «оники» шаклида ёзилиши керак. Асарнинг Порсо Шамсиев томонидан тайёрланган илмий-танқидий матнида ҳам («Фан» нашриёти, Тошкент — 1970, 141-бет) «оники» тарзида тўғри келтирилган. Бу шакл сареъ баҳрининг биринчи рукнидаги («муфтаилун»даги «муф») чўзиқ бўғинга («о») ва «ки» қўшимчаси (боғловчиси) эса рукндаги учинчи қисқа бўғинга («и») мос келади. Кўриниб турибдики, «аниким» ана шу қоидага мувофиқ эмас. Чунки «а» қисқа бўғин (аслида чўзиқликни талаб қилади) бўлиб келган ва биринчи рукннинг оҳангдошлигига путур етказган.

Умуман олганда, таниқли адабиётшунос ва тилшунос олим Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» монографияси буюк сўз санъаткорининг бадиий маҳоратига бағишланган қимматли асарлардан бўлиб, навоийшунослигимиз бу соҳада олиб бораётган самарали изланишларнинг яхши намуналаридан бири сифатида диққатга сазовордир.

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,
филология фанлари доктори,
Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари кандидати

айни асарнинг ўзида отани ҳам сизлаб, ҳам сенлаш тўғри келмайди («Отам ҳақида қўшиқ»). Усмоннинг «Командирман...» деб бошланувчи шеърида аскар: «Қаердасан, азизим, қаердасан?», дея куйлайди. Мисрада ҳамма нарса тугалдек. Бироқ қўшиқ хусусиятига грамматик жиҳатдан бекаму кўст — «қаердасан» сўзи ботмайди, қўшиқ: «Қайдасан, азизим, қайдасан?», шаклини талаб қилиб турибди.


Яхши шеърда мисралар, ҳатто сўзлар ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлади. Назмий нутқда таранглик озгина бўшашса ҳам насрийлик — прозаизм хавф сола бошлайди. Тўпламдаги айрим шеърларда сакта ўринлар ҳам йўқ эмас. «Шеър ёзаман — севги...» манзумасида эса, шоирнинг нима демоқчи эканлигини англаб олиш мумкиндир, лекин баён тарзи шеърхонни чалғитади: лирик қаҳрамон билан у мурожаат этаётган киши муносабати мавҳум.

Истеъдодли ёш ижодкорнинг илк тўплами адабий ҳаётда сезиларли мавқе тутади. Чунки у янги қаламкашни адабиёт майдонига олиб киради. Усмон Азимов бу майдонга бир қадар дадил қадам қўйди. Биринчи китобининг ўзиёқ унинг келажагига умид туғдиради.

Султонмурод ОЛИМОВ

Борис Ефимович Тихомолов — ажойиб тақдир эгаси. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий учувчи сифатида хизмат қилган бу жасур инсон фашист қузғунларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида беқиёс жасорат кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган. Уруш қаҳрамони ҳозир Тошкентда яшайди, бадиий ижод билан шуғулланади. Китобхонлар Борис Тихомоловни таниқли ёзувчи сифатида ҳам яхши биладилар — у ўша оловли йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб қизиқарли асарлар авторидир.

Аммо биз бу ўринда Борис Ефимовичнинг жанговар жасоратлари ёки ёзган китоблари хусусида сўзламоқчи эмасмиз. Табиатан сергавқ, тиниб-тинчимас бу кишининг ғаройиб бир машғулоти бор: у бўш вақтларида ранг-баранг тошлардан кўзни қувнатувчи ажойиб «ҳайкалчалар», турли-туман безаклар ясашни севади. Истеъдодли рассомга хос ўткир нигоҳ Борис Ефимовичга тошларнинг табиий жилоси ва шакл-шамойилига футур етказмасдан қушлар, ҳайвонлар,



Борис Тихомолов янги асарига сайқал бермоқда.

ТОШЛАР ЭРТАК СЎЗЛАЙДИ

турфа хил буюмлар «ҳайкали»ни яратиш имконини беради.

У мени хонама-хона бошлаб, ўз ишлари билан таништираркан, сокин, ўйчан оҳангда сўзлайди:

— Мана бу тошга бир разм солинг-а: унинг ғадир-будур қирраларидаги тўлқинсимон оқ чизиқлар соҳилга шиддат билан келиб урилаётган асов денгиз мавжларини эслатмайдими? Бу ерда рассомнинг маҳорат кўрсатишига ҳеч бир эҳтиёж йўқ, фақат тошни хиёл ёнбошлатиб, унга кулранг тошдан ясалган бўрон қуши тасвирини ўрнатиш кифоя.

Қўли гул санъат шинавандаси Борис Тихомолов яратган бу манзарани томоша қилар экансиз, шиддатли тўлқинлар узра мағрур қанот қоқиб бораётган бўрон қушининг ўктам қичқириғи, денгиз суронини баралла эшитилаётгандек туюлади.

Жавонлардан бирида яшил тошлардан ясалган тимсоҳ ҳайкалчаси турибди. У гўё ҳозиргина сувдан чиқиб, соҳилда, офтобрўяда мудраб ётганга ўхшайди. Унинг ёнида эса муз қояси устида ўтирган оқ айиқ тасвирланган.

— Муз қояси — кварцдан, оқ айиқ — Урал ангидридидан ясалган,— дея изоҳ беради Борис Ефимович.

Б. Тихомолов ўз машғулотига шунчаки эрмак деб қарамайди. У анча вақтдан буён «Ғалаба» деб номланган катта композицион панно устида иш олиб бормоқда. Бу мураккаб мозаик асарда Улуғ Ватан урушида совет кишиларининг беқиёс матонати ранг-баранг тошлар жилоси орқали моҳирона акс эттирилган.

Гўзаллик шайдоси Борис Тихомолов тошга жону тил бағишлаб, кишиларга завқ ва ҳаяжон бахш этмоқда.

Р. СОДИҚОВ

Садриддин САЛИМОВ

* * *

Бобом мудраб борар аравасида,
Манзилни билади садоқатли от.
Бобом мудраб борар, йўл орасида —
Унинг хаёллари чиқарар қанот.

Арава ўйлайди овоз чиқариб,
Унга қулоқ тутар от билан бобом.
Арава ўйлари кезар чарх уриб,
Ғижир-ғижиридан ғижирлар жаҳон...

Арава куйлайди овоз чиқариб,
Манзилга етганда тинади қўшиқ.

* * *

Олмалар бетини босибди ажин —
Онамнинг нуроний чеҳраси каби.
Дарёнинг бетида тўлқинлар мавжи —
Онамнинг армонли чеҳраси каби.

Етилган олмалар ерга тушса гар,
Қўрқаман, онажон, жуда қўрқаман.
Дарёнинг мавжлари тинса, муқаррар —
Қўрқаман, сен ишон, жуда қўрқаман...

* * *

Келаётир тонг бўзариб,
Қуёш чиқиш арафаси.
Муаззиндек қўлин чўзиб
Турар бобом араваси.

Тушларини қуваётир
Саман тойчоқ кишнаб саҳар.
От елкаси сим-сим оғрир
Арава қўл чўзган маҳал.

* * *

Чарсиллатар қамчисин
Чақмоқ — осмон
жарчиси.
Узилар толим-толим
Чумоли арғамчиси.

Мудрар дала бошяланг,
Ёмғирдан хаёли нам.
Қўллари билан
кўм-кўк —
Бошини ёпар карам.

* * *

Қиздирмоқда саратон,
Терлайди қишлоқ.
Қизиган мисли хумдон
Йўлдаги тупроқ.

Қишлоқдан ёзиб қулоч
Келар сой сари
Хаёлимнинг яланғоч
Фаришталари.

* * *

Ташвишлар-чи, қўлин чўзиб
Уйғотмоқда бобомни ҳам.
Йўл бетига излар чизиб
Араваси борар илдам.

Уфқларнинг йўлларидан
Бобом саси таралмоқда.
Унинг қадоқ қўлларидан
Истиқболим яралмоқда...

* * *

Дўстим, асло бўлмагин ҳайрон
Мен милтиқдан қўрқмаган дамлар.
Қўрқитади мени бепарво,
Ҳайрат ҳисси сўнган одамлар.

Юрагимда олов — ҳаяжон,
Ўлдиролмас мени аламлар.
Ўлдиради дунёда фақат —
Ҳаяжони ўлган одамлар.

* * *

Устод Хайём айтмиш бир ҳикмат:
«Айланаркан одам тупроққа».
Нокасларни нетар табиат,
Айланармиш улар шўрхокка?..

* * *

Мен ёмонни ёмон демасам,
Мен армонни армон демасам,
Ёпишади заминга осмон —
Мен ёлғонни ёлғон демасам.

ШАХ МАТ

От суриб, фил ўйнатиб...

Бўлимимиз мутасаддиси Мамажон Муҳиддинов Ўзбекистондагина эмас, Ўрта Осиё республикаларида ҳам биринчи бўлиб шахмат бўйича СССР спорт мастери деган фахрий унвонга эга бўлганини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. У қирқ йилдан буён катак тахта узра от суриб, фил ўйнатиб келмоқда. Амалий ўйиндан ташқари шахмат тарихи, назарияси билан ҳам шуғулланиб, мингларча шахмат мухлисларига ўндан ортиқ китоб ҳам ҳадя этган. Уларнинг Муҳиддиновни ўз устозлари деб билишларини редакциямизга юбораётган кўплаб мактублар ҳам тасдиқлайди. Мамажон ака ўзбекистонлик етакчи ҳамда ёш талантлар ижодини чорак асрдан бери вақтли матбуотда ёритиб келмоқда. Аммо ўзи ҳақида камдан-кам оғиз очади. Унинг тўғрисида ҳамкасблари ҳам кам ёзганлар. Шунинг учун ҳам ҳаваскорлар, жамоатчилик ундан шахмат борасида босиб ўтган қирқ йиллик йўли, кўрган-кечирганлари, эътиборга лойиқ воқеалар, ўйинларидан намуналар келтириб, бир китоб ҳолида ҳадя этишни кўп йиллардан бери илтимос қилардилар. М. Муҳиддинов бир неча йил ана шундай китоб яратиш устида меҳнат қилди. Мана, ниҳоят китоб ҳам тайёр бўлди: қўлёзма «Ўзбекистон» нашриётига топширилди. Китоб 1981 йилнинг нашр планига киритилган.

Қуйида китобга киритилган 50 танланган ўйиннинг биттаси келтирилмоқда. У бундан йигирма йил бурун ўйналган бўлса-да, назарий ва амалий қимматини сақлаб турибди.

Муҳиддинов — Павлов
сицилиянча ҳимоя
Ўзбекистон чемпионати, Тошкент, 1959 йил.

1. e4 c5 2. Kf3 Kc6 3. c3.

Бу Алапин деган машҳур рус шахматчиси номи билан аталувчи юришдир. Уни жаҳон чемпиони А. Алехин ҳам қўллар экан: «Бошқа системалардан ёмон жойи йўқ», деган эди.

3... d5.

Шунингдек, ўйинни 3... Kf6 4. e5 Kd5 5. d4 ed 6. cd d6 тарзида давом эттириш ҳам мумкин. Охирги йилларда бу система челябинсклик ёш гроссмейстер Е. Свешников томонидан анча такомиллаштирилди.

4. ed Ф:d5 5. d4 e6 6. Ce2.

Позициявий афзалликка эришиш учун ҳозир 6. Ka3 ўйнамоқ кераклиги эндиликда кўпчиликка маълум: 6... Фd8 (6... cd бўлса, 7. Kb5!) 7. Kc2 Kf6 8. Cd3+

6... Kf6 7. 0—0 Ce7.

Бундан кўра 7... cd яхшироқ: 8. cd Ce7 9. Kc3 Фd6! ва энди 10. kb5 бўлса, 10... Фb8=

8. dc Ф:c5?

Қоралар кўзга унча ташланмайдиган, лекин хатарли хатога йўл қўймоқда. Оқлар рақиб фарзинига пайдарпай ҳужум қилиш йўли билан устунликка эришади. Қоралар фарзинларни уриштириб, пиёдани фили билан олиши керак эди. Бунинг фарқи катта.

9. Ce3 Фa5 10. Kb d2 0—0 11. Kc4 Фc7 12. Cg5 Лd8 13. Фc2 b6?

Бунинг эса кераги йўқ эди. Бироқ қоралар c8 даги филни b7 га чиқариб аҳволни тезроқ тенглаштириб олмоқчи. Аслида 13... h6 14. Ch4 Kh5 мақсадга мувофиқ бўларди.


14. Ch4! Kh5 15. Kg5! Kf6.

13... b6 билан 13... h6 ўртасидаги фарқни қаранг: қоралар суръатни бой бериш билан бирга ногаҳон оғир аҳволда қолмоқда.

16. Cg3 e5 17. Cf3 Ca6.

17... Cb7? бўлса, 18. K:e5 дан сўнг қоралар бир пиёдасидан ажрайди. Текстдаги юриш ҳам қораларни қийин аҳволдан қутултира олмайди.

18. Фa4 cb7.



19. K:f7!!

Бундан кейин қоралар ўзини ўнглай олмайди.

19... b5.

19... Kp:f7 бўлса, 20. C:c6 C:c6 20. Ф:c6 Ф:c6 21. K:e5+ ва 22. K:c6 дан кейин оқлар икки пиёда ошиб кетади.

20. Ф:b5 Kd4 21. Ф:b7 K:f3+ 22. Ф:f3 Kp:f7 23. K:e5. Қоралар таслим бўлди.

Мана бу масалани ечиб кўринг:

Оқлар: Kph3, Фg8, Ce3, пиёдалар — d3, f4;

Қоралар: Kpf6, Лa3, пиёдалар — b4, b5, d6, d7, e4, f3, g3.

Шарти: оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Озишнинг яна бир йўли аниқланди. Бунинг учун озмоқчи бўлган одам ошхонасини кўк ёки яшил бўёққа бўяши керак. Инглиз олими Б. Греб олиб борган тажрибаларга қараганда, бу ранглар иштаҳани анчагина бўғаркан. Сариқ ва қизил ранглар, аксинча, кишининг иштаҳасини очармиш. Кўпгина инглиз ресторанларининг деворлари ана шу рангга бўялгани бежиз эмас.

* * *

Канаданинг Ванкувер шаҳрида лочин ови яна расм бўлди. Лекин бу нарса бадавлат бекорчиларнинг эрмаги сифатида эмас, балки зарур эҳтиёж юзасидан жорий этилмоқда. Ванкувер аэропорти самолёт йўлига тушиб қолган қушлар туфайли содир бўладиган ҳалокатдан ҳар йили юз мингларча доллар зарар кўради. Юз бераётган ҳалокатнинг олдини олиш учун қўлланилмаган чора қолмади. Қушларни ультратовуш, кучли портлаш, магнитофонга ёзиб олинган хавфдан огоҳ қиладиган «қуш» сигнали ва ҳатто лазер нури билан қувиб юбордилар. Аммо қушлар тез орада бундай ҳуркитишларни писанд қилмай қўядилар. Яқинда маҳаллий қушбонлардан бири ёрдамга келиб, қушлар галасини ҳайдаб юбориш учун қўлда ўргатилган лочиндан фойдаланишни таклиф қилди.

Наъматак

Пародиялар

Алдагани бола яхши

Толиб ЙЎЛДОШга

Ҳозир мени бола дерлар,
Бир кун катта бўламан.
Дадамлардай меҳнатсевар,
Ҳаракатда бўламан.

«Дада дейман» шеъридан

Визни боғча боласи —
Дерлар, биз ҳам каттамиз.
Биз ҳам ўқиб, ўрганиб,
Доим ҳаракатдамиз.

«Биз ҳам каттамиз»
шеъридан

* * *

Шоир деган номимиз бор,
Доимо рўйхатдамиз.
Ўсиш-униш орзусида,
Доим ҳаракатдамиз.
Лекин ижод бобида
Шалвираган латтамиз.
Бир кун келиб китобхон
Тутқазмаса паттамиз!..

Акбар ЮНУСОВ

Оташ ХОЛМИРЗАЕВга

Дадам сувчи,
Пиёз экар.

«Пиёз» шеъридан

Пиёз, сабзи экади,
Дадам совхоз ишчиси.

«Арғамчига қил мадор»
шеъридан

Пиёз, сабзи бодринг, қовун,
Ошқовоқлар тикаман.

«Сабзи» шеъридан

* * *

Халил, Вали ҳам Али,
Тортишиб қолди ҳали.
— Қайси исм оммабоп?
Яъни дейлик ҳаммабоп?
— Бизга қўшни қишлоқда,
Ғиёс билан Ниёз кўп!
Оташ акам шеърларида —
Кўз ачишар,— пиёз кўп!..

Турсунбой АДАШБОЕВ

РЕКЛАМА

„Эшоннинг оддий саргузаштлари"дан

Эшоннинг етти фарзанди бор, ўнтага атиги учта етмайди. Умри билан, иложи бўлса, мансаб-маоши билан берганда қандай яхши бўлар эди-я... Лекин ҳозирча «ола хуржун» ёлғиз Эшоннинг бўйнида, ҳар қалай, унга ҳам осон тутманг.

Кечқурун овқатдан сўнг аста ёнбошлаган Эшон зум ўтмай пинакка кетди. Хотини тахмондан ёстиқ олиб бераркан, эрига қараб бош чайқади:

— Дадаси, бир ўзингиз жуда чарчаб, қийналиб қоляпсиз, мен ҳам ишга кирмасам бўлмайди шекилли.

Эшоннинг уйқуси қочди. Эр-хотин алламаҳалгача маслаҳатлашиб, охири бир қарорга келдилар. Эшон хотинига мос бирор иш қидириб кўрадиган бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Эшоннинг хотини нолишга тушди:

— Ўтираверамаанми сизни пойлаб? Уч жойдан фаррошлик чиқди. «Йўқ» дедингиз, «Боғчада энагалик бор экан», десам, унамадингиз. Ўзингиздан садо чиқмайди...

— Хотин, ҳалиги, кассирликми, бухгалтерликми, шунақа бирор иш топилса эди,— деб кулди Эшон.

— Бо, унақа ишга тил-забон қани! Ҳисоб-китобга уқувим бўлмаса...

Эшон бош қашлаб қолди:

— Майли, хотин, бир оз шошмай тур. Китоб дўконига ишга киритиб қўяман.

— Вой, қизиқмисиз!— дея хотини эътироз билдирмоқчи эди, Эшон унинг сўзини бўлди:

— Қўрқма хотин, дунёда китоб дўконидек тинч жой бор эканми? Навбат йўқ, ур-йиқит, тўполон йўқ... Кейин «Фалончи китоб сотиб машина олибди», деган маломатлар ҳам йўқ. Китобни килолаб, метрлаб сотсанг эканки, адашиб кетишдан қўрқсанг — баҳосини ёзиб қўйибди. Харидорларининг қанақалиги ҳам маълум: узоқ титкилаб ярмини ўқийди, эртасига келиб давомини текинга ўқиб қўяқолишнинг ўрнига сотиб олади. «Хўп», деявер, ўзим ёрдамлашаман, дам олиш кунлари ўрнингда савдо қиламан.

Орадан ярим ой ўтгач, Эшон дам олиш куни кичкина китоб дўконида хотинининг ўрнида савлат тўкиб ўтирарди. Харидор кутавериб зерикди, пештахтадаги бир китобни олиб эринибгина варақлади, расмларини томоша қилди, кейин (ишонмаслигингиз мумкин) ўқишга тушди, яъни жин тегди. Ўзингиз ўйланг, бола-чақали, орзу-ҳавасли, кап-катта одам соатлаб ўтириб китоб ўқиса!

Бу гапни эшитиб, Эшоннинг чойхонадаги улфатлари кулишди, кимдир «Текин бўлса, мен ҳам ўқирдим-да», деди, охири ҳаммаси якдиллик билан Эшонга «жин тегибди» деган хулосага келишди. Маҳалла қариялари ўша китоб дўкони ўрнида илгари катта бир ёнғоқ ўсганини тасдиқладилар.

Эшон эса бу аскияларга парвойи фалак, доим қўлида китоб, бўш қолди дегунча ўқигани-ўқиган. Аввалгидек ошналари орасида соатлаб гап сотиш ҳам, ярим кечагача ошхўрлик қилиш ҳам йўқ. Ҳатто машинасида ҳам китоб олиб юрадиган бўлиб қолди.

Дўконда эса баъзан рўпарадаги пивохонада ғужғон ўйнаган оломонга




Яна ким?

— Байроқларингиз қаёқда?
— Улар... Совет Армияси музейида.







— Отпускага қайтдим!..



— Вақтни тежаймиз!..






— Нега дарров ўзгариб қолдингиз?

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

Изоҳнинг ҳожати йўқ.



қараб ўйга толади: нега одамлар китоб олишмайди-я?

Ўрта яшар таниш бир харидордан сўради:

— Ака, нега одамлар китоб сотиб олмайдилар? Мана, мен шу китобни ўқиб чиқдим. Яхши, йўғ-эй, жуда яхши, аъло! Билмадим, нима десам экан, одамларга яхшиликни раво кўрганингиздан кейин китоб ўқимаганларни кўриб чидолмас экансиз.

Харидор кулимсиради:

— Гапингиз тўғри, китобни реклама қилинг.

— Яъни?

— Яъни, ташвиқот қилинг, одамларга тушунтиринг.

— Ўзим тузукроқ тушунганимда ҳам бошқа гап эди. Йўқ, ҳаммасини балодек тушунаман-ку, шу тил қурғур дилдагини айтишга айланмайдида, занғар!

— Рецензия, аннотацияларни ўқиб боринг.

— Э, биродар, одамзод тушунадиган тилда гапиринг!

— Китобнинг бошида асар ҳақида маълумот бўлади, кейин газеталарда олимларнинг турли китоблар ҳақидаги фикрлари чиқади, шуларни ўқинг.

Йўл-йўриққа риоя қилган Эшон неча кун мук тушиб қанчадан-қанча рецензия ва аннотацияларни ўқиди, тили бурролашиб, ўзида журъат сезгач, қизғин ташвиқот бошлаб юборди:

— Қани, келиб қолинг, олиб қолинг! Китоб — илм манбаи! Китобни севинг!

Йўловчилар чўчиб, Эшонга ғалати қараб ўтишарди. У эса ҳеч нарса сезмагандек сўзида давом этарди:

— Марҳамат: «Спартак». Ўрта аср фожиаси. Қулчилик тузумини фош этади ва эксплуататорларнинг юзини раҳмсиз равишда очиб ташлайди. «Меҳробдан чаён». Мудҳиш ўтмишнинг фожиаларини, хон тузумини фош этади, руҳонийларнинг аянчли башарасини раҳмсиз равишда очиб ташлайди...

Ўткинчилар бош қимирлатиб ўтишар, баъзи бирлари тўхтаб қулоқ солишар эди. Эшон эса ҳамон жўшиб «Раҳмсиз фош этади... башараларини очиб ташлайди», дея такрорлаётган эди, кексароқ бир киши аста дўконга кириб келди.

— Акаси, онанг сени роса гапга туққан экан-ку! Менга қара, ҳаммаси кимнидир «фош этиб», ниманидир «очиб ташлар экан», шунча китобнинг нима ҳожати бор? Биттасини ёзиб қўяқолса бўлмайдими?

— Нима деяпсиз, ахир ёзувчиларга тирикчилик керак эмасми? Бола-чақа?


— Бола-чақа ўзимда ҳам етарли. Бировни боқаман, деб шу эгизак китобларингни сотиб олайми?— дея харидор изига қайтди.

Эшон нима қиларини билмай қолди. «Ҳа, демак, бу аннотацияю, рецензия билан китобни ташвиқ қилиб бўлмас экан,— деб ўйлади у.— Тавба, нега булар ҳаммаси икки томчи сувдек бир хил-а? Шунақа ҳам бўладими?»

Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келди: «Ҳарна бўлса ҳам ўзим билган жайдари усулдан қолмай. Бўзчи билганини тўқийди. Қани, тавакkал!»

— Келиб қолинг, «Меҳробдан чаён». Зўр китоб, атиги учта қолди. Хон ҳарами, жаллод билан олишув, маҳбубаси билан қочиш! Ўқиганлар дармонда, ўқимаганлар армонда!

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган



— Оббо, сиз-эй! Майли, биттасини олиб беринг-чи.

— Келиб қолинг, олишувлар, отишувлар! Марҳамат, кимга «Ўзбек миллий таомлари?» Қадим замондаги хон ва унинг амалдорларини раҳмсиз фош этади ҳамда рўза тутган руҳонийларнинг башараларини очиб ташлайди. Сиз бедана кабоб еганмисиз? Сели оқиб, ҳиди анқиб, помидор билан безалиб, беҳи билан дўстлашиб, ҳил-ҳил пишиб.. Марҳамат, китобни олинг, беданани энди ўзингиз тутасиз-да. Норинга қалайсиз? Албатта, қазиси билан. Келиб қолинг, олиб қолинг! «Улуғбек хазинаси» тамом бўлди, хиромон қилган гўзаллар китобхонлар билан қочиб кетди. Дўлма тамом. Хафа бўлма, акаси, сенга ҳам китоб топилади. «Тўрт хонали Брадис жадвали», ўтмишдаги нодонлар ва ҳисоблашни билмаганларни фош этади. Олавер, ўғлим тушунтирганда ақлим етмаган эди, билиб олсанг, келиб менга ҳам ўргатиб кетарсан...

Харидорлар Эшоннинг дўлвор гапларига кула-кула китоб сотиб ола бошладилар.

Квартал охирида Эшоннинг хотини уйга илжайиб қайтди. Қоғозга ўралган ниманидир столга намойишкорона қўяркан:

— Мажлисда эдим, мукофотга пахта гулли чойнак беришди, тўртта пиёласи билан,— деб кулди.

— Бошқа нарса беришмадими?— деб сўради Эшон.

— Ҳа, айтгандек, бир китоб ҳам беришган эди. Аммо сотувчиликка жуда уста бўлиб кетибсиз.


— Бўлмаса-чи,— деди Эшон китобни олиб варақлар экан,— тағин ҳам мана бу рецензияю аннотацияларга ишониб, қанча вақтни беҳуда ўтказдим. Йўқса, мукофотга чойнак эмас, кир ювадиган машина олар эдинг, хотин!

Мадагаскар маркази Антананариву билан Тиматаве оролининг бош портини боғлайдиган йўлда «Диққат, сароб!» деган белги ўрнатилган. Портдан ўттиз километр берида хавфли муюлиш бор. Бу ерда қош қорайишидан олдин ботаётган қуёш фантастик манзара ҳосил қилади: нурли шакллар тасвири, муаллақ саройлар, одамларнинг кўланкаси кишини ҳайратга солади. Бу фавқулодда гўзал жойдан ўтган ҳар бир одам ана шу ҳақда гапиради. Афсуски, бу ажойиб манзара бир қанча шофёрларнинг ҳалокатига сабаб бўлди.

Дунё бўйича номи энг узун шаҳар Янги Зеландиядадир. Бу шаҳар Тауматауакатангиангакоауауотаматеапоканауэнуакитанатаху деб аталади. Инглизчасига ёзилганда бу сўзда 57, русча талаффузга мослаб ёзганда эса бирмунча камроқ, яъни 54 ҳарфни ташкил этади. Агар бу атама маори тилидан таржима қилинса, «Таматса Покаи Уэнуа ўз маъшуқасига най чалиб берган тоғ чўққиси» деган маъно чиқади.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Бутун дунё кино маҳсулотларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин: қизиқ фильмлар ва зерикарли фильмлар. Албатта, зерикарли сеансда томошабин уйқига кетиш ва хуррак отишга тамоман ҳақлидир. Бу эса бошқаларнинг янада асабийлашишига сабаб бўлиши турган гап. Нима қилиш керак? АҚШнинг Детройт шаҳридаги кинотеатрлардан бирининг маъмурияти бунинг иложини топди: ҳар бир ўриндиққа товуқ пати солинган кичкина ваза осиб қўйилди. Агар кимки хуррак отса, қўшни ўриндиқда ўтирган томошабин ўша заҳоти товуқ патини олади ва ухлаётган кишининг бурнини қитиқлайди. Ана шунда хуррак албатта тинади ҳамда қўшни томошабин учун ҳам эрмак топилади.



КРОССВОРД

Энига: 5. Шахмат устаси. 6. Қомусий олим. 7. Металл. 8. Тўқай ўсимлиги. 10. Поляк композитори. 14. Бахт. 15. Ҳайвон. 16. Машғулот. 17. От-улов анжоми. 18. Маъдан. 19. Йўл кўрсатувчи восита. 22. Эскиз. 24. Кулги. 25. Ўзбек халқ куйи. 28. Бурж. 29. Ўлчов. 30. Илдиз пояли ўт. 31. Ёзма иш.

Бўйига: 1. Халқ достони. 2. Навоий асарининг қаҳрамони. 3. Хўжалик тармоғи. 4. Ёзув қуроли. 7. Транспорт тури. 9. Бинокорлик асбоби. 11. Физик олим. 12. Донгдор механизатор. 13. Оҳор. 18. Қоғозсиз газета. 20. Қурилиш материали. 21. Исм. 23. Умумий овқатланиш муассасаси. 26. Ҳашарот. 27. Туркиядаги шаҳар.

Тузувчи **О. КОЗИМОВ**

Каттақўрғон

1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. «Убайдулланома». 7. Олма. 8. Ғарб. 9. Селон. 10. Товус. 12. Бобохонов. 17. Нитрон. 18. Чегачи. 19. Сардак. 20. Аляска. 21. Анкета. 23. «Илиада». 25. Сандон. 26. «Жигули». 32. Денатурат. 34. Йўлчи. 35. Кўсак. 36. Омск. 37. Уран. 38. Консерватория.

Бўйига: 1. Ундов. 2. Йўлдош. 3. Ушақов. 4. Лағмон. 5. Нурхон. 6. Арқон. 9. Станиславский. 11. Семипалатинск. 13. Атир. 14. Рожастхон. 15. Целлулоид. 16. Шамс. 22. Кант. 24. Аруз. 27. Термос. 28. Ласкер. 29. Тунука. 30. «Санамо». 31. Очерк. 33. Гўния.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Рассом **В. Нечаев** чизган «Регистон устида байроқ» картинаси.

Тўртинчи бет: Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Б. Тихомолов** ишларидан намуналар. (29-бетдаги «Тошлар эртак сўзлайди» материалини ўқинг.)

Р. СОДИҚОВ фотолари

ПЎЛАТ ҚАЛҚОН

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент Танк командирлари Олий ўқув юртининг курсантлари ва офицерлари оталарининг шонли анъаналарини изчил давом эттирмоқдалар. Айниқса, улар ўқув юртининг собиқ курсантлари — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Соколов, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали А. Белобородов, Авиация бош маршали А. Новиков каби саркардалар билан фахрланадилар. Олий мактабни тамомлаганлардан олтмиш киши Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган мислсиз жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Коммунистик партия жонажон Ватанимиз мудофаа қудратини ошириш учун танк қўшинларининг жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш ва унинг учун малакали кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқда.

Танк командирлари кибернетика, физика фанлари, математик тадқиқот усулисиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини яхши биладилар. Бўлажак командирларнинг дала машғулотлари пухта тайёргарлик билан ўтади. Уларнинг тактик тафаккури тобора камол топиб, вазиятни мустақил ҳал қилишга, жангни уюштириш ва уни муваффақиятли бошқаришга эришмоқдалар. Тактика кафедраси ўқитувчилари курсантлар фаоллик, ташаббускорлик ва дадиллик кўникмаларини ўзлаштиришларига эришмоқдалар.

Марксизм-ленинизм ва умум-таълим кафедралари офицерлари, ўқитувчилари, ўқув курсларининг командирлари ва сиёсий ходимлари курсантларнинг коммунистик эътиқодини мустаҳкамлашда, ғоявий етуклик ва командирлик маҳоратини оширишда жонкуярлик қилмоқдалар.

Таълим-тарбияни ва амалий-тактик машғулотларни намунали йўлга қўйгани учун олий ўқув юрти КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Эсдалик байроғи билан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Фахрий байроғи ҳамда Туркистон Ҳарбий округининг Кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Шонли ва жанговар йўлни босиб ўтган ўқув юртининг шахсий состави Улуғ Октябрь социалистик революцияси ютуқларини зийрак туриб ҳимоя қилиш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини ошириш, Совет Қуролли Кучларига юксак савияли, ғоявий чиниққан командирлар тайёрлаб беришдек масъулиятли ва улуғвор вазифаларни шараф билан адо этмоқда.

Суратларда:

1. Майор Владимир Михайлович Ярота «Танк тўпи» деган мавзуни тушунтирмоқда.

2. Курсантлардан Совет Армияси аълочилари (чапдан) Илҳом Латипов, Андрей Глушченко, Акбар Тошимов, Равил Губайдуллин билим юртининг илғор ўқувчиларидир.

3. Билим юртида курсантларни жисмоний чиниқтиришга алоҳида эътибор берилади.

4. Полковник Николай Дмитриевич Шпак курсантлар билан ўт очишга тайёргарлик кўриш бўйича машғулот ўтказаётир.

5. Билим юртининг собиқ талабаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Георгий Михайлович Склезнёв номи рўйхатга абадий киритилган взвод энг пешқадам ҳарбий қисм саналади.

А. ЖДАНОВ фотолари

Бош редактор — Асқад МУХТОР

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исломиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ** Корректор **Н. ИЎЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент,— П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъати бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.12.79 й. Р-07042. Босишга рухсат этилди 28.1.80 й. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 265590. Буюртма 2225. Нашр А —97.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



1



2



3




4

5





ТАҚИНЧОҚЛАР



ШАР ЎЙНАЁТГАН ҚЎНҒИЗЛАР




ХЎРОЗЛАР

Баҳоси 30 тийин.

Индекс. 75233



МИНЕРАЛ ТОШЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ



КУЗ ОҲАНГЛАРИ



УЗУМ



ҚАМИШ



ТУЛКИ БИЛАН ҚАРҒА



КАЛТАКЕСАК

ОЛХЎРИ НОВДАСИ



ТУЛКИ ВА УЗУМ



ҚЎЗИҚОРИН

